

*Александр*  
**ПУШКИН**



**ПУШКИН**

А. С. Пушкин

# ТУМОР

ШЕЪРЛАР, ДОСТОНЛАР, ДРАМА

12+

Чулпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2019

УЎК 821.161.1-1  
КБК 84(2Rus)  
P 96

*Рус тилидан ҲУМОЮН таржимаси*

**Пушкин, А. С.**

P 96 Тумор [Матн]: шеърлар, дostonлар, драма/  
А. С. Пушкин — Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2019. —  
392 б.  
ISBN 978-9943-5383-6-8

Ушбу тўпламни тайёрлашда буюк рус адиби  
А.С. Пушкиннинг ҳозирга қадар таржима этилмаган шеър-  
ларига эътибор қаратилди. Шунингдек, «Лўлилар», «Анже-  
ло» дostonлари, «Рицарлар замонасидан сахналар» драма-  
тик асари ҳам киритилди.

Тўплам китобхоннинг улуғ шоир шеърляти ҳақидаги та-  
саввурини янада кенгайтиради, деган умиддамиз.

**УЎК 821.161.1-1**  
**КБК 84(2Rus)**

ISBN 978-9943-5383-6-8

© Ҳумоюн, 2019  
© Чўлпон номидаги НМИУ, 2019

**Александр Сергеевич Пушкин  
таваллудининг 220 йиллигига  
бағишланади.**

**Пушкин шеърияти**

Улуғ рус шоири, нафақат шоир, балки адиби, драматурги Александр Сергеевич Пушкиннинг ижоди жаҳон маданиятига қўшилган бебаҳо ҳиссадир. «Бераҳм асримда ҳам Эркинликни куйладим, Ночорларга тиладим шафқат» деб ёзган эди шоир ўзининг «Ҳайкал» номли шеърида.

А. С. Пушкин чинакамига рус миллий шоири эди. У ўз асарларида рус ҳаётини, рус характерини моҳирона тасвирлаб берган ижодкор. «Буюк миллий шоир, — деб ёзади В. Г. Белинский ўзининг «Александр Пушкин асарлари» деб номланган мақолаларининг саккизинчисида, — барини ҳам, мужикни ҳам ўз тилида бирдай гапиртира олишга қодирдир». Биз шоирнинг қайси бир асарини ўқимайлик, ана шу принципга амал қилинганини, яъни ҳар бир нарсани ўзидан келиб чиқиб, моҳиятига қараб тасвир этилганини кўрамиз. Шоир қайси мавзуда ёзмасин — қадимги юнон адабиёти ва мифологияси заминидами, Кавказ халқлари ҳаёти ҳақидами, ғарбий славянлар қўшиқлари мисолидами, Пугачёв қўзғолони манзаралари тимсолидами, ўзига замондош XIX аср рус ҳаётининг чўнг долғалари тўғрисидами — барча-барчасида шоир кўксидида рус қалби тепиб туради, барча-барча ҳолларда шоир ҳаётнинг жон томирини рус юраги билан сезади. Шунинг учун ҳам биз «Лўлилар» дostonида эркин ҳаёт ва тизгинсиз турмушни излаб юрган халқнинг изтиробларини кўрамиз, асарни рус қалби тепиб турган буюк шоир ёзганидан, бундай изтироблар рус халқи қалбининг қат-қатларини ҳам титратаётганини билиб оламиз. «Кавказ асири»да ҳам, «Боқчасарой фонтани»да ҳам озодлик туйғулари, эҳтирослар курашини тасвирлар экан, рус қалбининг тўқинишлари намоён бўлади.

Бошқа мавзуларда, рус ҳаётидан йироқ бўлган турмушлардан сўз очганда ҳам шоирнинг рус ўғлони эканлиги шундоқ билиниб туради, бу эса буюк миллий шоирларнинг қулидан келадиган иш, холос.

А.С. Пушкиннинг кўп асарлари ўзбек тилига таржима қилинган ва қайта-қайта нашр этиб келинмоқда. Шоир вафотига 100 йил тўлиши муносабати билан машҳур ўзбек шоир ва адиблари 1936 йилда Тошкент ёнидаги хушманзара Чимён қишлоғида йиғилдилар. Чимён ўзига хос Парнас маконига айланди. Таржимонлар ичида Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Усмон Носир, Уйғун ва бошқа таниқли ижодкорлар бор эди. Бу ерда шоирнинг жуда кўп шеърлари, роман ва қиссалари, драмалари, хусусан, «Евгений Онегин» шеърый романи, «Борис Годунов» драмаси, Белкин қиссалари, «Боқчасарой фонтани», «Кавказ асири» ва бошқа асарлари ўзбек тилига ўтирилди.

Шоир асарларини таржима қилиш кейинги даврларда ҳам давом этди. Бунда Зулфия, Мамарасул Бобоев, Иззат Султон, Шухрат, Ҳамид Фулом, Асқад Мухтор, Рамз Бобожон, Туроб Тўла, Одил Раҳимий, Қодир Мирмуҳамедов, Маъруф Ҳаким сингари ижодкорлар номини алоҳида айтиб ўтиш керак.

Улуғ шоирнинг ижодини ҳар бир авлод ўзича кашф этади, ўқийди, ўрганади. Бу табиий ҳол. Айни пайтда уни таржима қилишга, давр ва замон руҳидан келиб чиқиб ёндашишга ҳаракат қилади. Ҳозир адабиётимизга назар солсак, бу ҳодисанинг гувоҳи бўламиз. Талантли шоирларимиздан Абдулла Шер, Мирпулат Мирзо сингари ижодкорлар устозлар тажрибаларини давом эттириб, улуғ рус шоири шеъриятига мурожаат қилишди. Буни қўллаб-қувватлаш керак, қувониш керак.

Ҳар бир шеър, асар ўзи бир олам. Таржимон бу оламга қадам қўйиб, уни «ўзлаштириб, ўзиники қилиб олгач» ижодий ишга киришади. Аввало, асарнинг оҳангини илғайди, таржимада ўша оҳанг берилмоғи шарт. Бу насрдан кўра шеъриятда очикроқ кўринади. Лекин насрнинг ҳам ўз оҳанги бор. Таржима — қайта яратиш санъати, санъат бўлганда ҳам санъатлар санъати. Таржима назариясида ҳамма

асарни таржима қилиш мумкин эмас ва ҳамма асарни таржима қилиш мумкин, деган қарашлар бор. Бунинг ҳар иккиси ҳам тўғри. Чунки асарни аслиятдагидек таржима қилишнинг асло иложи йўқ. Бу ерда таржима қилинаётган тил имкониятлари, тилнинг хусусиятлари, лексикаси, ўзига хосликлари алоҳида аҳамиятга эга. Таржимада табиий равишда баъзи сўзлар, иборалар тушиб қолиши мумкин, асар мантиғи, мазмунидан келиб чиқиб, маънони тиниқлаштириш учун айрим сўзларни қўшишга тўғри келади. Яна. Сўз таржима қилинмайди, деган тушунча бор. Чунки сўз эмас, асар, асарнинг маъно-мазмун таржима қилинади. Бунда мазмун — бирламчи, шакл — иккиламчи. Лекин шакл сақланиши зарур. Қуръони Карим ўзбекчалаштирилганда маънолар таржимаси деб олиниши бежиз эмас. Ҳозир улуф китобнинг русча нашрларида ҳам «перевод смыслов» — маънолар таржимаси, деб берилмоқда (*Коран. Перевод смыслов и комментарии Иман Валерии Пороховой. Дамаск. 2012*).

Таржимон — қул эмас, у эркин ижодкор. Пушкиннинг устози, Ҳомернинг «Одиссея», Байроннинг «Шилйон тутқуни» асарларини моҳирона таржима қилган таниқли рус шоири Василий Андревич Жуковский айтганидай, таржимон — муаллифнинг рақиби. Бу — ижодий мусобақа. Таржима яхши чиқиши учун таржимон муаллифга бўйлашиб бориши лозим. Бундан ташқари, таржима, ижодкор учун улкан мактаб. Таржимон бевосита шоир ижодий лабораториясига кириб боради ва ундан маҳорат сирларини ўрнади. Бу унинг ижодига ҳаётбахш таъсир кўргизади.

Кейинги тўрт-беш йилда вақтли матбуот ва журналларда Пушкиннинг ҳали ўзбек тилига ўтирилмаган янги шеърлари Ҳумоюн таржимасида туркум-туркум ҳолда эълон қилиниши ўқувчилар диққатини ўзига тортди. Бу шеърлар, асосан, 1813—1824 йилларда ёзилган, шоирнинг Царское Село лицейида ўқиган даври ва лицейдан кейинги жўшқин йилларини қамраб олади. Ҳумоюн, аввало, шоир асарларини синчиклаб ўқиб чиқди, устозларнинг Пушкин шеърлари таржимасига назар ташлади, сабоқ олди. Қолаверса, рус адабиётшунослари Сергей Гессен ва Лев Модзалевский туплаб, нашр эттирган А. С. Пушкин ҳақидаги хотиралар-

дан иборат суҳбат жанридаги библиографик ноёб китоб — «Пушкин гурунглари»ни ҳам ўзбек тилига таржима қилиш орқали шоирнинг ҳаётга ва адабиётга қарашларини атрофлича ўрганди. У бадиий таржима билан жиддий шуғулланди, таржима сирларини пухта ўрганди, маҳоратини ошириш йўлида қаттиқ тер тўқди. Натижада, у Пушкиннинг 170 га яқин ўзбек ўқувчиси учун янги бўлган шеърларини таржима қилди. Бу — катта меҳнат.

Истеъдодли шоир ва публицист Ҳумоюн шу кунгача ундан ортиқ шеърӣй, публицистик ва таржима китобларини эълон этди. Унинг шеърлари ўзининг оригиналиги билан ажралиб туради. Таржимон сифатида ҳам фаоллигини айтиб ўтиш керак. 2013 йили буюк инглиз шоири П. Б. Шеллининг «Ғарб шамоли» китоби унинг таржимасида чоп этилди. Ирланд шоири Ж. Жойснинг «Камер мусиқаси», «Донаси бир пени» шеърӣй тўпламларини инглиз тилидан бевосита ўзбек тилига ўгирди ва бу таржималар «Жаҳон адабиёти» журналида босилди. Бундан ташқари, Жон Мильтон, Редьярд Киплинг, Томас Элиот, Константин Бальмонт, Расул Ҳамзатов каби жаҳон адабиёти намояндаларининг айрим асарларини ҳам ўзбек тилига ўгирди.

Пушкиннинг ушбу «Тумор» китобига шеърларни таржима қилиш учун Ҳумоюн беш йил вақт сарфлади, эринмай изланди. Таржималарни ўқиб, унинг улуғ шоир ижодига бўлган ҳурмати чексиз эканини, ҳар бир шеърга авайлаб ёндашганини ҳис қиласиз. Китобга «Лулилар», «Анжело» дostonлари, «Рицарлар замонидан лавҳалар» драматик асари ҳам киритилган.

Бу йил улуғ рус шоири А.С. Пушкиннинг таваллудига 220 йил тўлади. Мазкур салмоқли «Тумор» китоби қутлуғ санага ва шоирнинг чинакам мухлисларига ажойиб совға бўлишига асло шубҳа йўқ.

*Муҳаммад Али,*

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси,*

*Давлат мукофоти лауреати*

\*\*\*

*Самоларга ердан буйладим,  
Завққа тўлган қалб, руҳим ила.  
Эзгулик тахтида куйладим  
Унинг ёрқин шукуҳи дилда.  
Яшнатди соф, самимий туйғу,  
Қалбимга ишқ, сирли эрк тўлди,  
Пок виждонли овозим мангу  
Рус халқининг садоси бўлди!*





## 1814

## Ақл ва севги

Ёш Дафнис Дорида ортидан: «Бир дам, —  
Дея қичқиради, — гузалим, тўхта!  
«Севаман» десанг-чи, ортингдан, йўқса,  
Қолмайман, Киприда ҳаққига қасам!»  
«Айтма, айтма!» — дейди Ақл шу чоғи,  
Қув Эрот дер: «Айтгил: «Қалбим ардоғи!»

«Қалбим ардоғисан!» — дейди чўпон қиз  
Ва ёқар икки ёш қалбни ишқ ути,  
Гузалнинг пойига Дафнис тиз чўқди,  
Дорида-чи, ерга боқди хумор кўз.  
«Кет, кет!» — Ақл қизга уқтирар эди,  
Айёр Эрот эса: «Қола қол» — деди.

Қолди — чўзиб титроқ қўлини аста,  
Қиз қўлини тутар бахтиёр чўпон:  
«Қара, — дер, — кабутар жуфти-ла шодон  
Қучишар жуканинг тим соясида!»  
«Қоч! Кета қол!» — Ақл такрорлар бот-бот,  
«Улардан ўргангин!» — дер унга Эрот.

Ва югурди нафис, ширин табассум  
Чўғ мисоли гузал лаблари узра  
Ва мана у хумор кўзини суза  
Ошиқ қучоғига йиқилади жим...  
«Бахтли бўл!» — дер унга Эрот шивирлаб,  
Ақл-чи? Ақл жим, сўзга очмас лаб.

### Казак\*

Бир сафар тун, ярим кеча,  
     Дарё буйидан сокин,  
 Борар туман, зулмат ичра,  
     Чапани казак секин.

Қора телпак дол бошида,  
     Чопони чангга ботган.  
 Тўппончаси ёнбошида,  
     Қиличи ерга теккан.

Тулпор сезмас жиловини,  
     Содиқ, йўрғалар мағрур;  
 Тўлқинлаб узун ёлини,  
     Олис-олисга боқур.

Икки-учта кулба, ана,  
     Қулаган ёғоч девор;  
 Қишлоқ йўли бунда, мана,  
     У ёқ — қалин қайинзор.

«Қиз топилмас бу ўрмонда, —  
     Уйлади эпчил Денис, —  
 Улар уйда, чароғонда,  
     Зулматда юрмас ҳаргиз».

---

\* Шеър «Казак Дунайдан ўтди» номли халқ қўшиғи таъсирида ёзилган. Пушкиннинг бу шеъри ҳам кейинчалик халқ қўшиғига айланган.

Юганини силтар казак,  
Пошналаб ниқтар чунон,  
Оти учар мисли ўқдек,  
Ёғоч кулбалар томон.

Ой булутга сочар кумуш  
Олис осмонда, чексиз;  
Дарчанинг ёнида хомуш  
Ана, буйи етган қиз.

Ботир гузал қизни кўриб;  
Кўнгли унга чопади,  
Аста чапга от бош буриб —  
Даричани топади.

«Тун қорайиб бораётир,  
Яширинди ой зумда.  
Тезроқ қара, бекам, ахир,  
Сув берсанг-чи, отимга».

«Йўқ! Ёш йигит сари учиб  
Қўрққилиқдир боргани,  
Қўрқадирман, уйдан чиқиб,  
Отингга сув бергани».

«Эҳ! Гузалим, зулфи зарли,  
Ёр бўлгил, ундан кўра!»  
«Буй қизларга тун хатарли».  
«Йўқ, йўқ! Қўрқма, сен сира!»

Ишон, гузал, энди етар;  
Ноз қилмагин журтага!

Олтин давринг ўтиб кетар;  
Кел, азизим, ўртама!

Бедовимга чиқ, сен билан  
Юрт кезайлик, шу фурсат;  
Бахтли бўлурсан мен билан:  
Ёр бўлса, ҳар ер жаннат».

Қиз нетарди? Рози бўлди  
Қўрқувни енгди дилдор;  
Уялса ҳам, охир кўнди,  
Энди казак бахтиёр.

От чопдилар, учдилар-о.  
Бир бирин севди, албат;  
Икки ҳафта қилди вафо,  
Учинчида хиёнат.



**Н. Г. Ломоносовга**

Сен ҳам, азиз дўстим, тарк этдинг,  
Сокин ишонч бандаргоҳини,  
Қайиғинг шод бошқариб кетдинг  
Жушқин, сузиб гирдоб чоҳини.  
Тақдир боши чамбарга эгик,  
Нур сочади жимгина осмон,  
Йулга тушди қанотли қайиқ —  
Бахт — елканни ёзади шодон.  
Довулардан асрасин Худо,  
Даҳшатларга бўлмагин дучор,  
Гирдоб, бўрон гувиллаб бадкор,  
Қайиққа дуч келмасин асло!  
Оқшомгача, Тангрим, қирғоққа  
Ўзи асраб етказсин бекам  
Насиб этсин ором у ёқда,  
Муҳаббат ва дўстлик-ла ҳамдам!  
Йуқ! Уларни унутолмайсан!  
Аммо! Балки, қачон, билмайсан,  
Дийдор насиб этар, дўстгинам  
Хилват кулба ичра хотиржам;  
Бир қадаҳ май баҳона сен ҳам  
Мени ёдга оларсан баъзан:  
Мен дунёни тарк этган куним  
(Кўз юммоқ — пешона, қисмат-ку!),  
Дегил: «Шод эт руҳини, Тангрим!  
Бу ҳаётда сева билди у».

## 1815

## Наташага

Сўлиб борар ёз бир чиройли;  
 Учиб ёруғ кундузлар кетар;  
 Намчил туман тушар, мисоли  
 Тунда мудроқ соялар кезар;  
 Ҳувиллади бўлиқ далалар,  
 Жушқин жилға музлар паллалар;  
 Чакалакзор ўрмон оқарди;  
 Кўк — осмоннинг тоқи бўзарди.

Оҳ, Наташа! Ҳозир қайдасан?  
 Кўринмайсан ҳеч кимга нечун?  
 Истамассан ё бир лаҳза сан  
 Сирлашишни дўст ила бугун?  
 На тўлқинли кўл қирғоғида,  
 На жўканинг хуш паноҳида  
 Учратмадим сени субҳидам,  
 Учратмадим оқшомлари ҳам.

Яқин, яқин қиш қаҳр билан  
 Қучгай ўрмон, далани тағин;  
 Дим кулбада чарсиллаб гулхан,  
 Ловулаган лаҳзалар яқин.  
 Кўринмайди менга ул пари,  
 Қафасдаги саъва сингари  
 Кулбам ичра куйиб-ёнгайман,  
 Наташа\*ни эсга олгайман.

\* Наташа — княгиня В. М. Волконскаянинг оқсочи.

## Сув ва шароб

Оташ туш пайтида суяман жуда  
Сойдан ҳовучимда олсам муздай сув  
Ва хилват ўрмонда термилсам, жилға  
Соҳилга урилиб қандай жушар у.  
Шароб ҳам тошганда, купирар секин,  
Қадаҳнинг гирдида рангин мавжланиб —  
Дустлар айтинг, ахир, кўзёш қилмас ким,  
Авалло, кетгайдир кўнгил авжланиб?

Уша журъат қилган кимсага лаънат,  
Илк бора гуноҳга қўл урган ким у?  
Ақлини йўқотган баттол ва бадбахт,  
О, қўрқув!.. Шаробга қўшиб қўйди сув!  
Балога йўлиқсин бадкирдор қавми!  
Ҳеч қачон ичмоққа куч тополмасин,  
Ё қўлига қадаҳ олган ҳар дами  
Лафит ва Цимляни\* фарқ этолмасин!



---

\* *Лафит ва Цимлян* — Шато Лафит — француз қизил виноси ва Цимлян (Ростов губерниясидаги Цимлян шаҳрида тайёрланадиган) виноларига ишора.

## Хаёлпараст

Осмонга ой яширинар,  
 Қирда ғира-шира тун,  
 Сув юзида жимлик тинар,  
 Водийдан ел эсар жим,  
 Қувноқ созлар жим бу палла  
 Сокин ўрмонда маҳзун,  
 Пода мизғир, яйдоқ дала,  
 Сассиз учар ярим тун;

Бу сокин ором маскани,  
 Тун ўрар хира либос,  
 Сўнар ўчоқнинг гулхани,  
 Ёниб битар шам бехос;  
 Уй ҳомийси турар — санам  
 Ночоргина ромида,  
 Липиллайди тунчироқ ҳам  
 Сопол Пенат\* ёнида.

Қўлларимга бошим қўйиб,  
 Унут бўлиб бу дунё,  
 Ширин хаёлларга чўмиб,  
 Ётоғимда мен танҳо:  
 Сеҳрли тун, зулмат магар,  
 Ойнинг нурида сим-сим,  
 Гала-гала потраб учар  
 Қанотли орзуларим,

---

\* *Пенат* — қадимги Рим мифологиясида хонадонни ас-  
 ровчи маъбуд тасвири.



Аста, аста келар садо;  
Титрар зар торлар элас.  
Сокин зулмат ичра танҳо  
Куйлар ёш хаёлпараст:  
Тулиб сирли ғуссага боз,  
Сукунатдан завқланиб,  
Қўлин ёзиб этар парвоз,  
Илҳомлари шавқланиб.

Бахтлидир, ким паст чайлада  
Ёлвориб Бахт сўрамас!  
Унга Зевс\* паноҳдир ва  
Жалага ҳам қарамас;  
Ором они соф ҳавоси  
Ширингина ухлар у,  
Ҳатто, бурғу, жанг садоси —  
Уйғотолмас ҳеч қутқу.

Майли, қалқонини уриб,  
Жаранглатиб беомон,  
Менга Шараф олис туриб  
Таҳдид қилар, қўли қон  
Ва чорласа мағрур байроқ,  
Суронли жанг тарафга —  
Қалбга ором ёқар, бироқ,  
Сиғинмайман Шарафга.

Топдим хилват, тинч бошпана  
Фақирликда кечар кун;  
Маъбудлар соз берган, мана,  
Шоирга тухфа учун;

---

\* Зевс — қадимги юнон мифологиясида осмон, момоқалдиروق ва чақмоқ маъбуди.

Содиқ Илҳом пари ҳамдам:  
 Сенга шараф маъбудам!  
 Ўзинг билан файзли кулбам  
 Ва ёввойи саҳро ҳам.

Олтин кунлар мудроқ саҳар  
 Сен мададкор куйчига,  
 Яшил гиёҳли гулчамбар  
 Ёпдинг манглай устига  
 Тоғларнинг нурини сепиб,  
 Учиб кулба ичига,  
 Тин оларсан, таъзим этиб  
 Беланчакнинг устида.

О, навқирон ҳамхонам бўл  
 Қабрга қадар, келгил!  
 Орзу ила парвонам бўл,  
 Қанотинг қоқиб енгил;  
 Қувиб қайғу, фамни нари,  
 Ақлим ол... алда бу дам,  
 Ёрит олис ҳаёт нурин  
 Туманлар ортидан ҳам!

Сўнги он сокин бўлгайдир:  
 Ўлим ҳам нурли даҳо  
 Эшик чертиб шивирлайдир:  
 «Рух мулкига марҳабо!..»  
 Қиш туни гўё ширин туш:  
 Соялар келар аста,  
 Бошда чамбар, суянган хуш  
 Ҳорфин, қўлида ҳасса...



### Менинг эпитафиям\*

Бу ерда Пушкин ётар; навқирон соз бағрида,  
Севиб ва эркаланиб сурди шўх даври даврон,  
Яхшилик қилмагандир, лек юрди қалб амрида,  
Худо хайрини берсин, яхши инсон.

---

\* *Эпитафия* — кимнидир вафоти муносабати билан ёзилади ва қабр битиги ҳисобланади.

## Ҳалок бўлган рицарь

Ўрмон узра сўнгги бора нурланиб,  
 Шом ёғдуси аста сўнаркан ғариб,  
     Водий ичра чўмар сукунат;  
     Сахро туманида буғланар дарё,  
 Тизма тоғдай ўтар булутлар гўё,  
 Орасида тилло ой ялт-ялт...

Чўян совут ётар дўнглиқда, тақир,  
 Синдирилган найза, қўлқопда шамшир,  
     Занг дубулға остида қалқон,  
     Этик тепкисини босган ўт-ўлан:  
 Қилт этмай ётар ва ой мугузи ҳам  
 Улар узра ёнар мисли қон.

Қир айланиб чопар мард йўлдоши — от;  
 Мағрур кўзларида сўнаётган ўт.  
     У жанговор бошин эгади.  
     Туёқ урар водий тошига сассиз —  
 Ва совутга боқар — содиқ от ёлғиз,  
 Ва кишнайди, азоб чекади.

Зулматда адашган йўловчи ўтар,  
 Юракда умид-ла қўрқувни элтар —  
     Асо тутиб, қадини эгиб,  
     Базўр қирга чиқар, уфққа аланглар,  
 Ва пастга тушаркан пўлат жаранглар,  
 Толиб кетган оёғи тегиб.

Йўловчи титрайди — совут тарақлар.  
Жангчининг суюги унда шарақлар,  
Тошларда дубулға юмалар,  
Ичида бош чаноқ... шовқиндан, ҳайхот,  
Кишнар қирга учиб чиққан қайсар от —  
Қарайди... ва бошини эгар.

Йўловчи зулматда кезар, не сирлар,  
Бадгумон, пойида суяк қисирлар...  
Аммо саҳар айлайди ошкор —  
Қирда жанг қурбони ётарди ёлғиз,  
Совути қилт этмас, дубулға сассиз,  
Шаҳид узра парвона тулпор.

## Атиргул

Бизнинг атиргул,  
Дўстларим, қани?  
Сўлибди буткул,  
Шафақ фарзанди.

Менга демагил:  
Бу ёшлик шаҳди!  
Менга демагил:  
Бу ҳаёт бахти!

Гулга айта қол:  
Хайр ва узр!  
Йўл кўрсат алҳол,  
Оқ гулга ҳозир.



### Кўз ёши

Бир қадах, пунш устида кеча  
Гусар\* билан утирдим.  
Дилда қайғу, сўзсиз, май ича  
Йўл тарафга термулдим.

«Айт-чи, нега йўлга қарайсан? —  
Деб сўрар мендан ботир,  
Ҳали ундан, шукр қилгайсан,  
Дўстлар кетган йўқ, ахир».

Бошим эгиб кўксимга, офир  
Пичирладим мен ғамгин:  
«Гусар! Энди уша қиз йўқдир!..»  
Хўрсиндим-у бўлдим жим.

Кипригимга илинган кўз ёш  
Сўнг қадахга томди-ку!..  
«Бир қизга ҳам қиларми кўзёш,  
Уял!» — деб бақирди у.

«Тинч қуй, гусар... оҳ! Оғрир дилим.  
Дард билмас — тани бошқа.  
Эвоҳ! Етар томчи ёш, билдим,  
Қадахни оғулашга!..»



\* Гусар — Чор Россиясида ва айрим Европа мамлакатларида: энгил қуроолланган отлиқ, аскар.

## Мусаввирга

Харит\* ва илҳомнинг фарзанди,  
Оловли қалб шиддати-ла кел,  
Муйқаламинг бепарво, танти,  
Менга дуст қалбини чизиб бер;

Гузалнинг маъсума ҳуснини,  
Дилбар рухсор умид, илнжин,  
Самовий бахт табассумини  
Чиройнинг ўз нигоҳини жим.

Сарвқомат Гебей\* белига  
Венера\*нинг боғичин бойла,  
Альбаннинг зеболик сирига —  
Маликамни қурша чирой-ла.

Шаффоф ҳарир гўёки тўлқин  
Ташла титроқ сийнага, жонон,  
Остида ҳам у нафас олсин,  
Хўрсинишни истасин пинҳон.

Иболи ишқ орзусин дилдан  
Аён этгил, шу қалбу жисмим,  
Бахтли ошиқ қўллари билан  
Ўзим ёзай остига исмин.

---

\* *Харитлар* — қадимги юнон мифологиясида уч маъбуд: Гузаллик, Бахт, Фаровонлик.

\* *Гебей, Геба* — қадимги юнон мифологиясида ёшлик маъбудаси. Зевс ва Геранинг қизи.

\* *Венера* — қадимги рим мифологиясида гўзаллик, истак, гуллаб-яшнаш, ҳосилдорлик маъбудаси.



## 1816

## Шахзода Оранскийга\*

Гумбурлади жангу жадал хуп,  
Булди қонли қиличлар тумтоқ,  
Заволқанот ўлим учди кўп,  
Еру кукка солиб қалди роқ!

Шоҳлар боқди... бўлганди бажо  
Европада тинчлик мустақкам;  
Ёвуз кишан топди интиҳо,  
Уруш ила парчин яна ҳам.

У Московни оловда кўрди —  
Мағлуб бўлди дунё даҳшати,  
Қулаганнинг бошини кўмди  
Ҳаловатбахш вулқон ваҳшати.

Ва атрофни қуршаб мисли тун;  
Ногоҳ асов, исёнкор оқим  
Тиклаганди омонат тахтин...  
Ва заминда босилди ёнғин.

Дунё жимжит. Учмас гулдурас,  
Энди қонли қилич ярқ этмас,

---

\* *Шахзода Оранский* — Нидерландия қироли Вильгельм I нинг ўғли — 1816 йили Александра I нинг синглиси, Анна Павловнага уйланган. Шахзода Оранский Наполеонга қарши урушда голланд қўшинига бошчилик қилган.

Қирон заволқанотда бехос  
Даҳшат солиб фалақда учмас.

Шон-шараф, о қаҳрамон ўсмир!  
Альбионлик\* ботир-ла солди,  
Фидоларни жангга у мағрур,  
Бурбон\* гулин қасосин олди.

Олдда исён саси — қалдироқ,  
Қалқонлардан қон томиб қолди;  
Сурон ичра солиб у титроқ,  
Шон-шуҳрат нурини ёқолди.

Томирида ёшлик, ҳарорат:  
Нурланар ор ўти, номуси:  
Уни алқа, алқа муҳаббат!  
У муносиб қасос жангчиси.



\* Альбион — Британия ороларининг аталиши.

\* Бурбонлар — Европадаги француз қироллари сулоласи.

## Дарча

Яқинда тун тушганда,  
Саҳронинг қамари жим  
Туман ичра сузганда,  
Даричада қиз кўрдим.  
Ўйга чўмиб ўлтирар,  
Энтикар, ҳадик дилда,  
Мўлтирар кўзи интиқ,  
Дўм пасти — зулмат йўлга.

«Бу ердаман!» — пичирлар  
Ва қўллари титраб қиз  
Очар, дарча қисирлар,  
Ой зулматга ботар тез.  
«Бахтлисан, — дедим нолон, —  
Интиқ шодлик бир сенга.  
Қай оқшом, ахир, қачон  
Очилар дарча менга?»



## Куз тонги

Шовқин турди; далаларнинг бурғуси  
 Ошкор этди менинг ёлғиз қолганим,  
 Маҳбубам сиймоси, ширин кулгуси  
 Сунгги туш мисоли тарк этди қалбим.  
 Тун сояси кукни бостириб бўлди.  
 Тонг отди, рангпар кун бузариб тўлди —  
 Чор атрофим эса

кимсасиз ва жим...

Энди у йўқ... босдим соҳилга қадам,  
 Азизам сайр этган эди ойдинда;  
 Қирғоқда, ям-яшил майсазорда ҳам  
 Мен топа олмадим зарра изин ҳам  
 Гузал оёғидан қолганин бунда.  
 Ўрмон зулматида кездим паришон,  
 Бетимсол ёримнинг айтиб исмини;  
 Мен уни чорладим — овозим холи  
 Водийлардан учди олисга бадар.  
 Сойга келдим дилда ёрнинг хаёли;  
 Энди у мавжланмас, жимгина оқар,  
 Жилваланмас унда ёрнинг жамоли.  
 Энди у йўқ!..

Ширин баҳорга қадар  
 Видолашдим ором ҳамда жонимдан.  
 Ахир, кузак совуқ қўллари билан  
 Қайин ва жуканинг румолин тортар,  
 Бум-буш ўрмонларда шовқин кутарган;  
 Куну тун чарх урар сариқ япроқлар,

Аёз тулқин узра тушибди туман,  
Ва дайди шамоллар ҳуштаги чалар.  
Далалар, тепалар, қадрдон ўрмон!  
Илоҳий сукутга посбон муқаррар!  
Ҳасрат, овунчимга шоҳиддир бу он!  
Сиз унутсиз... ширин баҳорга қадар!

## Ҳижрон

Бахтнинг сунгги онин этганимда ҳис,  
 Кузда ёш, чоҳ, узра уйфонганимда  
 Ва титраб, энг сунгги бора чорасиз  
 Қўлингга лабимни босган онимда —  
 Ҳа! Ёдимда бари; даҳшат қалбимда,  
 Енгдим, енгилдилар машъум қайғулар,  
 Дедимки: «Айрилиқ эмасдир мангу  
 Олис олиб кетгай шодон туйғулар.  
 Унутгаймиз, ғамни фарқ этар орзу;  
 Дилгирлик, ғам-алам кириб келмас-ку  
 Дарвеш кулбасига ҳеч қачон, ногоҳ;  
 Ғамимни ҳузур-ла қаршилар илҳом  
 Таскин топгум — сассиз дўстона нигоҳ,  
 Дилимни ёритар бўлса-да хуфтон».

Яхши билмасканман юрак, севгини!  
 Дам кечар, ортидан кунлар ўтади,  
 Аммо ҳасратимнинг йўқдир таскини,  
 На менга унутиш гулин тутади.  
 Азизам, ҳар жойда сиймонг кўринур:  
 Аммо мен ғамгинман, ҳасратим пинҳон.  
 Мовий тоғ ортидан кўринарми нур  
 Кузги ой чиқарми, кечага сурур —  
 Азизам, мен сени излайман ҳамон;  
 Бедорман, хаёлда ўзингсан ёлғиз, —  
 Тушда ёлғиз кўргум сени бевафо;  
 Уйлайман — чорларман хаёлда сассиз,

Тинглайман — овозинг беради садо.  
Дўстлар даврасида ҳолим паришон,  
Жўшқин суҳбатлари менга ноаён,  
Уларга боқарман кўзларим гирён  
Маҳзун нигоҳларим қилади гумон!


Ва сен ҳам, о созим, мендай ғамгин, жим  
Дардли юрагимнинг ажиб сирдоши! —  
Торларинг садоси ғамгин дил оҳи,  
Унута олмадинг севги навосин!..  
Вафодорим, менга ҳамдарад бўл гоҳи,  
Турфа ноаларинг андуҳим бўзлар —  
Кўнгил дардларимни,  
Жарангинг токи  
Тинглаб, хўрсинишсин паришон қизлар.



## Ҳақиқат

Изламишлар донолар қадим  
 Унут бўлган ҳақиқат изин,  
 Узоқ, узоқ қилишди талқин,  
 Аждодларнинг айтган ҳар сўзин.  
 Такрорлашди: «Ошкор ҳақиқат  
 Бекингандир, қудуққа изсиз» —  
 Ҳаммаси сув ичишиб беҳад,  
 Қичқиришди: «Шундан топамиз!»

Аммо кимдир, қай валинеъмат  
 (Худди кекса Силендай\*, салкам),  
 Телбаликка гувоҳ, бетоқат,  
 Сув, шовқиндан безор бўлган дам,  
 Тинч қўйди-ю кўринмасни ҳам,  
 Илк бора май ҳақда ўй сурди.  
 Косада қолдирмай томчи нам,  
 Ҳақиқатни тубида кўрди.




---

\* Силенлар — бу ўринда башоратчи, дарё ва булоқлар маъбуди.



## Суворийлар

Далаларни қора тун сирмаб  
Ҳарир ёпиб бўлганда чексиз,  
Заиф — оқиш булутлар қамраб —  
Милт этганда саҳройи юлдуз.  
Сўнаётган гулхан тафтида,  
Фира-шира туман бағрида,  
Икки соя турар нарида  
Хўмрайган қирларнинг кафтида.  
Ҳамма ухлар; улар шивири  
Исён бошлар тун сукутида  
Ва олисдан келади жуда  
Қилич саси, отлар дупури.  
Навқирон суворий тўдаси  
Жим боради эманзор ичра,  
Отлари гижинглар, ҳаммаси  
Бош силташар, бесабр кишнар.  
Суворийлар майдонга шошар,  
Эманзорлар паноҳин ташлаб,  
Отларини суйиб қашлашар  
Жилмайишиб, мағрур йўл бошлаб.  
Чехралари қувончдан ёнур.  
Ут чақнаган кўзлар дарғазаб:  
Фақат сен жим, жанговор шоир,  
Маъюс, тунги шарпага ўхшаб,  
Куз тусидай рангинг ҳам сомон.  
Ғам-ғуссадан бошинг эгилган,  
Юракдаги дардларинг пинхон,

Паришонлик ичра кумилган,  
Жим борарсан олдинда, нолон.


«Ғамгин шоир, дилга не тўлди?  
Жанг олдидан фақат сен тушкун;  
Мағрур бошинг эгик, не бўлди,  
Жиловингу қиличинг тушган!  
Наҳот, бенаф оромга тутқун  
Қалбинг асир этган сир, олам,  
Жанг-жадалдан келдими устун,  
Қилич сасли суронлардан ҳам?  
Хатар тўла урушнинг йўли —  
Қисматимиз кўринур юксак,  
Қўрқинчлими сен учун ўлим?  
Бўлмасдинг-ку бунча жонҳалак,  
Ўстиргандик, бошингда қилич,  
Сени жасур, мағрур, хотиржам.  
Илғор сафда бўлдинг доим куч  
Қирон, сурон ичида бирдам.  
Айлагансан зафар хитобинг  
Мадҳ этгансан шонимиз дарров —  
Энди маънос, йўқдир шитобинг,  
Қочоқ аскар каби жим, соқов».

Аммо, аста шикаста шоир  
Бош кўтарди, кўтарди нигоҳ,  
Уфқ сари тикилди офир,  
Хўрсинди — кўксидан чиқди оҳ.

«Жанг водийси қаттиқ уйқуда;  
Биз елардик зулматда аранг,  
Интиҳо, дер қалб бир туйғуда!  
Чорлар мени сўнгги шонли жанг!

Парчалайман шум тақдир гулин,  
Оғалар-ла киргум ўт сари,  
Зарба тушар... — Ва ёлғиз отим  
Водий томон чопар сарсари.


О, сиз тақдир асраганлари  
Ҳаёт бахти, висолга, илло,  
Кузларда ёш маъшуқалари  
Қайтишини қилганлар дуо!  
Шоирингиз кутмайди ҳеч ким,  
Унга етгай сукунат, ёҳу;  
Эльвина эшитгач ўлганим,  
Хўрсинмайди яширинча у...  
Дўстлар! Шоир руҳин шод этинг,  
Тотли нажот они ёд этинг —  
Севгисини, дил жафосини,  
Шонли жангда интиҳосини!»



## Элегия

Бахтли, ким чекканда изтироб  
Ваҳимасиз қилса эътироф;  
Кимга гумон қисматда, ахир,  
Журъатсиз умиди таскиндир;  
Кимни туман ой сочин тараб  
Етаклайди тун лаззатига;  
Ким ишончли калитни бураб,  
Эшик очар муҳаббатига!

Менга ғамгин ҳаётда, аммо  
Сирли лаззат бўлмади насиб;  
Умид гулим сўлди бебақо:  
Ҳаёт ранги қолди сарғариб!  
Учиб утар ёшлигим ғамгин,  
Силайман дер кексалик бошим.  
Севгим мени унутган, лекин  
Унутмайман севгим кўз ёшин!



## Ой

Булут узра кўриндинг нечун,  
Хилват ичра тулин ой, ёлғиз  
Ва дарчадан ёстиққа маъюс  
Нозик шуъла ташладинг маҳзун?  
Булут ёнган жамолинг билан  
Уйғотасан ғамгин куйларим,  
Бенаф севги дардин, суйларим  
Ҳамда мағрур хаёлим билан  
Мудраётган кўнгил куйларим.  
Учиб кет, хотира, уйларим!  
Тин ол,  
                    бахтсиз муҳаббатим, бас!  
Энди ушал кечалар қайтмас,  
Осудаю сокин зарларим,  
Боқишларинг сирли шуъласи  
Зулмат бағрин уйиб утарди,  
Нур сочиб, чароғон этарди  
Маҳбубамнинг гўзал чехрасин.  
Сиз-чи, хумор дилдаги ҳайрат,  
Сирли сиймо қошида хушхол  
Ошкор севги ва ошкора бахт,  
Қайтармиди қувончим алҳол?  
Лаҳзалардай учдингиз пинҳон  
Бунча шошиб, изма-из, нечун?  
Енгил соя қолдириб ниҳон  
Кутилмаган шафакдан олдин?

Нечун кетдинг, ой, сочмай сурур  
 Ва фарқ бўлдинг самога бирдан?  
 Нечун ярақлади тонгги нур?  
 Нечун хайрлашдим ёр билан?

### Куйчи

Эшитдингизми ўрмон орти тунги садосин  
 Муҳаббат куйчисини, ўз ғамин куйчисини?  
 Саҳарларда чиқмаин ҳали далалар уни,  
 Ҳазин ва оддийгина янграр найнинг навосин  
 Эшитдингизми?

Учратдингизми хилват ўрмонда зулмат аро  
 Муҳаббат куйчисини, ўз ғамин куйчисини?  
 Сездингизми кўз ёши ё табассум изини,  
 Ёки ювош нигоҳни, ҳасратга тўлиқ гўё,  
 Учратдингизми?

Хўрсиндингизми тинглаб аста чиққан сасини  
 Муҳаббат куйчисини, ўз ғамин куйчисини?  
 Кўрганда ўрмонзорда йигитчанинг ўзини:  
 Кўзлар кўзга тушганда сўниқ кўз қарашини,  
 Хўрсиндингизми?

## Тушга

Қадрдон ва меҳрибон ошно,  
Менинг эзгу ҳимоячим туш!  
Сен қайдасан? Бошпанам саҳро  
Ором менга жой тушаган хуш,  
Тунги жимлик ичра тинч маъво.  
Кел, ўчиргил менинг чироғим,  
Қанот бергил орзу-бахтимга,  
Тонггача тин олсин фироғим,  
Изтиробли муҳаббатимга.  
Қувгил ғамгин хотираларим.  
Айрилиқнинг аламли қаҳрин,  
Маили, кўрай шўх нигоҳни жим,  
Маили, тинглай ширин сас сеҳрин.  
Тун зулмати ўтиб кетган дам,  
Тарк этарсан, қароғим, магар —  
О, қанийди унутса қалб ҳам  
Ишқни эрта оқшомга қадар.



\* \* \*

Фақат муҳаббатдир — ҳаёт қувончи,  
 Фақат муҳаббатдир — қалб изтироби.  
 Фақат бир лаҳзадир лаззат, овунчи,  
 Аммо азобининг йуқдир ҳисоби.  
 Юз бора бахтиёр гўзал ёшлиқда  
 Шу оний лаҳзани тута билганлар;  
 Қим бахтга, ноаён навозишлиқда  
 Иболи чиройин мойил қилганлар!

Муҳаббатга қурбон бўлмас ким, ахир?  
 Сиз, озод туйғуни куйлаб ўтгансиз!  
 Гўзаллар қошида кўнгилда сурур,  
 Завқии куйлагансиз ва қўлда мағрур  
 Чиройли қизларга гуллар тутгансиз.  
 Сўқир Амур\*, ноҳақ, қаҳқор, баджаҳл  
 Машаққат, гулчамбар улашди сизга;  
 Пермес маликаси билан у аҳил  
 Висол берди фақат айримингизга;  
 Қолганлар абадий андуҳга маҳкум  
 Улар олган ҳадя фироқдир, ахир.

Тибулл ва Парнининг\* меросхўрлари!  
 Сизга аён ноёб ҳаётнинг шаҳди;

\* *Амур* — Севги маъбуди, Афродитанинг ўғли.

\* *Тибулл ва Парни* — Тибулл — эрамиздан олдинги I асрда яшаган қадимги римлик шоир; Парни — Эварийст Дезирее де Форж Парни француз шоири, 1753—1814 йилларда яшаган.




Кунларингиз порлоқ мисли тонг зари.  
Севги куйчилари! Куйлангиз бахтни,  
Лабларни оловдай лабларга босиб,  
Жон беринг маҳбуба оғушида сиз;  
Севги ашъорини пичирлаб сассиз!..  
Энди сизга ҳасад қилолмам тошиб.

Севги куйчилари! Топганингиз вам  
Ва кунингиз ҳижрон азоби, гоҳо  
Истайсиз ҳаммаси топса интиҳо;  
Ва келди интиҳо, умр бўйи ҳам  
Курмадингиз лаҳза висол онини;  
Аммо топилмади ҳаловатли кун,  
Топганингиз фақат ошиқ шоними,  
Мангу фироқ дарди қалбларда букун!

Бундай эмас менга тақдир битиги:  
Шомда, булутларнинг сояси ора,  
Водий хилватию ўрмон зулмати,  
Танҳо, танҳо кезгум хомуш, бечора.  
Оқшомлар оқарган кўлнинг бўйида  
Фироқда, кўзда ёш, чекарман азоб;  
Оҳимга тўлқинлар шовқин — куйи-да  
Ва ўрмон шов-шуви беради жавоб.  
Қалбим азобига борми интиҳо,  
Шеър малҳам бўларми, ҳаловат сари, —  
Қалб ёнар ва тўниб қолар шу асно:  
Бесамар кечади илҳом онлари.  
Майли, ўзга билан бахтига етсин,  
Танҳо севаман — у севилсин, севаман!..  
Севаман, севаман!.. Аммо усиз, бас,  
Ошиқнинг оҳига у кулиб боқмас

Унинг чала, содда шеърига, наҳот.  
Кимга куйлай? Заранг остида, хайҳот,  
Даштнинг сабосига қолдирдим шу зум  
Абадий тарк этиб муҳаббат созим,  
Ва енгил тутундай кетди истеъдод.



## Дустларимга

*(Нега сизга...)*

Нега сизга, қувноқ, дустларим,  
Сукунатим солди хавотир?  
Айтиб ви́до қўшиғин охир  
Созим тинди, босилди завқим:  
Қўлга олдим созимни бекор  
Улашай деб базмга шодлик,  
Излаб, тобсиз торимда ҳадик  
Ғойиб бўлган оҳангни зор-зор...

Тангри сизга этган армуғон  
Заррин кеча, заррин кундузлар,  
Ва севгига тўймас ҳеч қачон  
Олов бўлиб чақнаган кўзлар;  
Ўйнанг-куйланг, о жўраларим!  
Шўх оқшомлар ўткинчи сизга;  
Ташвиш билмас қувончингизга  
Кўзимда ёш қилдим табассум.



## Элегия

*(Наздимда, муҳаббат...)*

Наздимда, муҳаббат сунганди абад,  
 Қалб қаҳрини босди исёнкор садо,  
 Тасалли юлдузи — дўстлик, ниҳоят  
 Умид соҳилига етказди гўё.  
 Ҳўладим, соҳилдан бошпана топсам,  
 Олислардан боқиб, қўлда чорлабон  
 Офатга дуч келган елканларни ҳам,  
 Учириб келганда дарғазаб бўрон.  
 Ва шунда дедимки: «Юз бор бахтиёр  
 Озод ва чиройли даврини сурган,  
 Баҳор фасли каби тоза, қулф урган,  
 Изтироб ғамидан чекмаган озор,  
 Кимки, ишқ дардидан олисда юрган,  
 Кимни маъюс асир этмагандир ёр.  
 Бахтиёр! Аммо мен бахтлиман чандон.  
 Мен азоб занжирин парчалаб отдим,  
 Энди мен дўст бўлдим... эркинман, омон —  
 Ва ҳаётнинг туман босган биёбон  
 Дилхуш чоғларига ошуфта боқдим!»  
 Аммо эътирофим... Бахтим қародир!  
 Бир лаҳза ухладим ғафлатда офир,  
 Аммо аянч севги қалбимда ҳозир,  
 Сундирмади туйғу чўфини охир.  
 Дўстлар ичра ўйин-кулгу авжида,  
 Аввалгидай чертай дедим лирани,

Қизларга куйлагим келганди жуда,  
Шодликни, Векхани ва Делфирани\*.  
Беҳуда!.. Мен жимман; толибди қўлим  
Бемадор, бўйсунмас созим устида,  
Ҳамон ёнар эдим — ҳасрат дастидан  
Ёшлик шўхлигини олисдан кўрдим.  
Беғам кунларимиз эрмаги севги,  
Чопгил пуч орзулар оломони-ла.  
Менинг юрагимни ёндирма энди,  
Изтиробли хумор гулханларида.  
Кетинг, шарпалар... Амур, амрингдамасман,  
Қувончим, оромим қайтиб бер, бас, сан...  
Беҳис табиатга топширгил, ёҳу  
Ё яна парвозлар завқин берганда,  
Изн бер, ухлайин яна кишанда  
Озодлик тотини қилайин орзу.



---

\* Делфира — Афтидан, Пушкин бу ерда Сумароковнинг шу номдаги шеърига ишора қиляпти.

## Лаззат

Дилгир, тутқун — бўлади хазон  
Аранг унган ҳаётнинг гули,  
Ёшлик учиб кетади пинҳон,  
Қолган изи — ғам-андуҳ йўли.  
Туйғусиз туфилган кунимдан  
Нозик усмир даврига қадар  
Лаззат нима билмадим, зимдан,  
Дилим хуфтон, йуқ бахтдан асар.

Ҳаётим бошидан бетоқат  
Хилватларда атрофга боқдим:  
«Ҳа, у ёқда — уйладим, — лаззат!»  
Аммо сароб ортидан чопдим.  
Ёзиб олтин қанотларини,  
Сеҳрли ва чиройли, нозик  
Илк муҳаббат сочиб зарини  
Учиб утди ёнимдан нозли.

Мен изидан... лек манзил узоқ,  
Етолмадим мақсадга асти!..  
Қанот боғлаб учгайман қай чоқ,  
Келарми бахт лаҳзаси, рости?  
Қачон нурдан олгай аланга  
Ёшлигимнинг хира чироғи  
Ва нур сочгай зулмат йўлимга  
Жилваланиб ёрим ёноғи?

### Қадаҳ шарафига

Қаҳрабо қадаҳ,  
Лиммо-лим азал —  
Мавжлари фараҳ,  
Май ёнар ял-ял.  
Дунёда тенгсиз  
Кўнгил учун май;  
Ким учун дейсиз  
Майни сипқорай?

Шон-шараф учун  
Ичармидим ё  
Ҳарбу жанг нечун,  
Эмасмиз ошно.  
Бу каби бахтдан  
Дил шодмас, магар,  
Дўстлик карахтдан  
Яшиндай қочар.

Аҳли самолар,  
Феб\* куйчилари,  
Фебга дуолар,  
Кўтаринг, қани!  
Уйноқи тошлар  
Лутфи — фалокат;

---

\* Феб — Қуёш ва поэзия маъбуди Аполлоннинг поэтик номи.

Иппокрен\* тошар  
У сув-ку фақат.

Навқирон севги  
Қувонсин, олинг —  
Ёшлик ўткинчи,  
Бас, ўйнаб қолинг!..  
Қаҳрабо қадаҳ,  
Қуйилган лим-лим.  
Миннатдорман, оҳ —  
Май учун олдим.



---

\* *Иппокрена* — юнон мифологиясида илҳом булоғи. Қанотли от Пегаснинг туёғи Геликон тоғига тегиб отилиб чиққан булоқнинг сувидан тотган шоир илҳомланади.



**УЙҒОНИШ**

Орзулар, орзулар  
Қани у тотингиз?  
Тунги шод туйғулар  
Қайларда қолдингиз?  
Ғойиб бўлди изсиз,  
Ширин туш лаззати,  
Ва яна мен ёлғиз  
Қаро тун зулмати  
Ичида уйғондим.  
Атрофга чойшабин  
Ёйганди соқов тун.  
Лаҳзада совудим,  
Лаҳзада ғойиб, жим  
Гала бўлиб бутун  
Ишқий орзуларим.  
Ҳали ҳам лиммо-лим  
Қалбимда тилагим  
Ёритар тушларим  
Менинг эс-ҳушларим.  
Муҳаббат, муҳаббат,  
Қабул эт ўтинчим:  
Қайтаргин сен фақат  
Тушларим — севинчим,  
Ҳаттоки, субҳидам  
Яна завқ бир жаҳон,  
Майлига, ўлсам ҳам  
Уйғонмай ҳеч қачон!

## 1817

## Станслар

*(Вольтердан)*

Амр этарсан қалбим ёнишин:  
 Қайтар утган кунларим, ахир,  
 Менинг тонгги алвон ёнишим  
 Оқшомги шафаққа боғлагил!

Менинг даврим сездирмай кечар,  
 Кулгу, Харит\* давра, йўлидан,  
 Ғойиб бўл, деб Вақт амр этар  
 Ва етаклар тутиб қўлимдан —

Бош эгамиз биз унга, албат.  
 Ким кўника олмаса, охир,  
 Уткинчи йилларга, оқибат —  
 Ғам-ҳасратга дучор бўладир.

Шўх ёшларга, бахтлиларга ҳам  
 Қолдирайлик гўр ёшлик ҳиссин;  
 Бу дунёда ҳаёт икки дам —  
 Ақлга бахш этайлик бирин.

Наҳот, мангу ғойиб бўлдингиз,  
 Илк севгиму орзу-уйларим —

---

\* Харитлар — қадимги юнон мифологиясида уч маъбӯ да — Гузаллик, Бахт, Фаровонлик.

Ғуссаларим ширин қилдингиз  
Бир лаҳзалик ёшлик кўйларим?

Бизга ўлмоқ икки бор тақдир:  
Қалбларни тарк этганда орзу —  
Ўлим шудир, аянчли қайғу!  
Ундан кейин кун кўрмоқ надир?

Булут босган завол чоғимда,  
Тун зулмати ичида қолиб,  
Жудоликдан чеккан оҳимда,  
Ширин орзуларга алданиб.

Шунда мунгли қилгандим нидо,  
Менга дўстлик қўлини берди,  
У севгига ўхшаб дилрабо,  
Фақатгина меҳрибон эди.

Унга сўлган гулларим бердим,  
Ёшлигимнинг шўх кундузидан,  
Лек кўзда ёш, изидан юрдим,  
Энди кетгум унинг изидан!



## В.Л. Пушкинга

Нимадир ажойиб, жушқинроқ,  
Жангу жадал, ут-ёнғиндан ҳам,  
Бум-буш, қонли майдондан ҳар чоқ,  
Марднинг мушти, ур-қирғиндан ҳам?  
Қисқа кундан нимадир авло,  
Ақли кўпмас шопмўйлов, аммо  
Қалбан аскар ўзи, чиндан ҳам?  
Улар яшар кулбаларида,  
Висол, эрмак, оромдан йироқ,  
Горацийдай — ўлмас ва қўрқоқ,  
Тибур ўрмонлари қаърида;  
Зураки киборлар не, билмас  
Зерикиш, қўрқувни ҳис этмас;  
Зиёфату жангларда тинмас,  
Куйлар, чопар — жангда ўтнафас.  
Бахтлидир, ким азиз, марддир гар:  
Унга олқиш, унга тасанно,  
Хитоб этиб ҳақ мадҳу сано:  
Кимки Марсни, Темирни куйлар  
Ва аскарый созини асрар  
Содиқ қилич ва эгар аро!



### Альбомга

Муҳаббат ўткинчи, орзулар сўнар;  
Бизларни ажратар бешафқат рўё;  
Яширин висолни ким эслаб ёнар  
Ўтган йиллар умид, ҳайратини ё?..  
Ёдинг лавҳасига, берсайдинг изн,  
Қолдирсам ўзимнинг лаҳзалик изим.

### Касалхона деворидаги ёзув

Мана бунда бемор талаба\* ётар;  
Қил устида турар тақдири, илло,  
Унга ўзга малҳам келтиринг, магар:  
Муҳаббат, муҳаббат — дарди бедаво!

---

\* Шеър шоирнинг дўсти И.И. Пушчинга бағишланган.

## Туш

Яқинда чиройли тушга алдандим,  
Шоҳ эмишман, бошда нурафшон чамбар;  
Сени ўйлаб, севибман дилбар —  
Юрак ёнар, завққа чулғандим.  
Лол бўлиб, пойингда айладим изҳор...  
Орзулар! Оҳ! Нечун чопмади бахтим?  
Лек маъбудлар барин этмади бекор:  
Фақатгина — йўқотдим тахтим.

## Мактубга


Унда қувончларим; сўнса ҳисларим  
Тегиб ўтсин ҳиссиз кўксимга, мана:  
Балки, менинг азиз дўстларим,  
Балки, уриб кетар юрагим яна.

## 1813–1820

## Қария

*Мароган\**

Энди ўша ошиқ эмасман жушқин,  
Кибор давраларни ҳайратга солган:  
Менинг баҳорларим ва оташ ёзим  
Ўтиб кетди, ҳатто, на изи қолган.  
Навқирон ёшликнинг маъбуди Амур!  
Сенга содиқ хизмат қилганим тайин;  
Оҳ, қайта туғила олсайдим, ахир,  
Хизмат қиларמידим яна шундайин!



---

\* *Маро, Клеман* — (1496 – 1544) Уйғониш даври француз шоири.

\* \* \*

Кечки ибодатдан уйга қайтарда  
Пум чикди Антипьевна — Марфуша билан;  
Антипьевна қизишиб кетиб айтарди:  
«Тухта, — дерди, — сени йулга соламан,  
Ўйлайсан, унутиб бўлган деб мени  
Ҳов, ўша кечани, овлоқда дайдиб...  
Чўқинтирилган Ванка, кимингдир сенинг?  
Қараб тур, эрингга бераман айтиб!»  
— Аввал ўзингга боқ!

— Марфуша бийрон: —

Ванюша не бўпти? Бола-ку, ҳали;  
Қуданг Трофим-чи, уйингда пинҳон  
Тун-кун? Шаҳар билар ҳар маҳали.  
Жим, эгачи: сен ҳам мендай гуноҳкор,  
Ҳар нарсани вайсаб, ранжитма мани;  
... Сомон чўпни кўрасан, беор,  
Кўрмайсан ўзингда турган тўнкани.



### Синчков


— Янгиликлар борми? «Худо ҳаққи, йўқ».  
— Ҳой, алдама: сенга нимадир аён,  
Уятмасми, дўстга кўзинг қилиб лўқ,  
Ағёрдай, ненидир тутасан пинҳон,  
Хафамисан мендан ё: оға, узр?  
Ужар бўлма: менга бир сўз айтсанг, бас...  
«Оҳ, мени тинч қўйгин, билганим шулдир:  
Аҳмоқсан, бу эса янгилик эмас».

### Қофиябоз вафотига эпиграмма

Мархум Клит тушмас жаннатга:  
Чўнг гуноҳлар қилганга ўхшар.  
Худойим унутсин буни, албатта,  
Унутгандай унинг шеърларин башар!

\* \* \*

Кечиринг, вафодор эманлар!\*  
 Беғам дала дунёси, кечир,  
 Ва ҳавойи, дилхуш замонлар —  
 Учқур кунлар, қанчалар учқур!..  
 Кечир, Тригорск\*, бахтим жим  
 Қарши олган неча куну тун!  
 Меҳрингизни англадиммикин  
 Сизни мангу тарк этмоқ учун?  
 Сиздан олиб кетгум хотира  
 Сизга эса қолади қалбим.  
 Балки (ширин орзуим дилда!),  
 Далаларга мен яна қайтгум,  
 Келгум, жўка сояси томон,  
 Тригорск қирига шодмон,  
 Мафтун бўлиб эркин дўстликка,  
 Латофату ақл, шодликка.



\* Пушкиннинг онасига қарашли мулк — Псков губерниясидаги Михайловск қишлоғидан қайтиш олдидан ёзилган шеър.

\* Тригорск — П.А. Осиповага (1781 — 1859) қарашли мулк, Псков губерниясида.

**...га**

Сурама, нечун мен паришон, маҳзун  
Уйин-кулгу ичра гамгинман тез-тез,  
Нечун ҳаммасига боқарман дилхун,  
Нечун тотли ҳаёт татимас бу кез.

Сурама, нечун бу кўнглим қолди ҳам,  
Суймай қўйганим ҳам шўх севгини, бас.  
Энди атамасман ҳеч кимни санам —  
Кимки бир бор севса, қайта севолмас;

Ким бахтга етишса, айрилар бахтдан.  
Бизга берилгани лаҳзалик лаззат:  
Ёшлиқдан, ноз-адо ва ҳаловатдан  
Қолар экан маъюслик фақат...

\* \* \*

Бегона юртларнинг содда мафтуни,  
Айблар эдим мен ўзни доимо,  
Дедим: Ватанимдан топгумми уни —  
Қайда соғлом ақл, қайда бор даҳо?  
Қани олижаноб қалбли фуқаро,  
Сурурли, оташин, эркин ва холис?  
Қани аёл — ҳиссиз эмас, дилрабо,  
Қани ёндиргувчи гўзал, олов қиз?  
Самимий суҳбатдош топайин қайдан,  
Ёркин, маърифатли, қувончли — қайдам?  
Қимга юкунайин самимий дилдан?  
Кўнглим қолган эди Ватандан, ёмон —  
Кеча Голицинни\* учратган замон  
Муросага келдим Ватаним билан.



---

\* Голицинлар — рус князлар сулоласи.

## Қизга

*(Маҳзун дилгирликда)*

Мен маҳзун дилгирликда лирамни ҳам унутдим,  
Хаёлимда жушмайди тасаввур нури лекин,  
Олов ёшлик туҳфаси ила ғойиб даҳом, жим,  
Кўнглим ҳам совуб кетди, қолди дунёдан секин.  
Яна сизни чорлайман, о баҳор айёмлари,  
Сиз, жимлик соясида учган кечмишлар сари,  
Дўстлик, севги, умид ва тотли ғусса кунларим,  
Гўзал назм ошиғи, жушиб айтган унларим,  
Мен бахтиёр лирамда куйлаган соз чоғларда  
Севги туғёнларимни, айрилиқ ниҳоларим —  
Эманзор шовқинини етказганди тоғларга  
Менинг уйчан садоларим...

Беҳуда! Машаққатли, тоғдай босар беҳушлик,  
Беихтиёр совуқ бир ҳиссизликда адашдим,  
Завқу шавқдан,

илҳомдан қочгандек мисли тушдек  
Кўзларимда ёш тўла шон билан видолашдим!  
Аммо ногоҳ, чақмоқ ургандай  
Сўник қалбда ёшлигим ёнди,  
Қалб уйғонди, жоним киргандай,  
Сездим севги умиди, дард, бахт...

қалбим тўлғонди.

Яна ҳаммаси яшнаар!

Ҳаётга қайтдим шу чоқ;

Табиат сирларига шоҳидман, боқ завқимга  
Туйғуларим теранроқ, оташ нафас енгилроқ,  
Эзгу ҳислар тўлди қалбимга...  
Севгига шон, маъбудларга шон!  
Яна ёқимли лирам ёшлик садоси ила,  
Ва уйғонган торимни, титроқ навоси ила,  
Элтажакман пойингга шоён!..

## 1818

## Н.Я. Плюсковага\*

Камтарин, улуғвор созимда  
Алқамадим ер маъбудин, йук,  
Озод гурур, куч овозимда  
Кадилга\* ҳам солмадим ҳеч чўғ.  
Фақат эрқдир толеим букун,  
Бағишладим шеърларим унга,  
Туғилмадим шоҳ кўнгли учун,  
Ҳаё инган соз билан бунда.  
Аммо, тўғри, Геликон\* узра  
Касталия\* шовқин солган он,  
Апполондан завқланиб жуда  
Елисаветани куйладим пинҳон.  
Самоларга ердан буйладим,  
Завққа тўлган қалб, руҳим ила.  
Эзгулик тахтада куйладим  
Унинг ёрқин шукуҳи дилда.  
Яшнатди соф, самимий туйғу,  
Қалбимга ишқ, сирли эрк тўлди,  
Пок виждонли овозим мангу  
Рус халқининг садоси бўлди!

---

\* *Наталья Яковлевна Плюскова* — Александр I нинг хотини, қиролича Елизавета Алексеевнанинг ходимаси, у адабий доираларга яқин эди.

\* *Кагило* — исирикдон, ибодат вақтида ишлатилади.

\* *Геликон* — Беотия (Юнонистон)даги муқаддас тоғ.

\* *Касталия* — дарё маъбуди Ахелоянинг қизи, Парнас тоғида булоққа айланган.

\* \* \*

*O Zauberei der erstern Liebe!***Wieland\*\***

Эманларнинг озод сукунатида  
 Ҳар кунни бахтиёр қаршилар эдим,  
 Бир-бирини қучган шохлар остида,  
 Қуюқ соянгизга мен яна келдим.  
 Яна юрагимда бахтлар уйғонди,  
 Яна авжга чиқди ҳислар шитоби,  
 Утиб кетган ёшлик, шаҳдлар уйғонди,  
 Ва фироқнинг уша ширин азоби.  
 Яна юрагимда илк муҳаббатим.

Хилватларни суйган илҳом мафтуни,  
 Жозибали эман соясида жим,  
 Меҳрим жўшганича кўргандим уни,  
 Унинг болалардай шўхликларини.  
 У гуллаб-яшнади менинг қошимда,  
 Ва мен ажиб гўзалликнинг сирини  
 Топиб бўлган эдим орзуларимда  
 Ҳали қиёфаси аранг ўйимда,  
 Бахш этганди менга илҳомбахш хаёл  
 Биринчи оҳангни менинг найимга  
 Ва қалбим сирларга ўргатди алҳол.

.....

---

\* *Виланд, Христоф Мартин* (1733–1813) — немис шоири.

\* *Zauberei der erstern Liebe!* — *Wieland* — О, биринчи муҳаббат сеҳри!.. — Виланд (нем.) «Биринчи муҳаббат» шеърдан.



\* \* \*

Мен ҳам эшитгандим, бу дунё  
Дўстлик билан экан чароғон,  
Усиз шодлик татимас асло,  
Ҳаёт йўли даҳшатли чунон,  
Таралмаса дўстона зиё.

Аммо тингла — ўзга туйғу бор:  
У ҳам лаззат, ҳамда изтироб,  
Меҳнат, заҳмат, оромда зинҳор  
Тиним бермас, ёндирар шитоб:  
У азобли, бешафқат, душвор,


Азоб берар рух, қалбимизга,  
Жароҳати чуқур, азоб-да,  
Малҳам мойи йўқ дардимизга...  
Мен ёняпман шу изтиробда!..  
Сўнаяпман, гуллар давримда,  
Даво ҳам истамам шу тобда.



# 1819

## Дорида

Хуш ёқар Дориданинг олтиндай сочлари ҳам,  
Рангпаргина чехраси, кузлари мовий бирам...  
Кеча, ташлаб дўстларни оқшомги зиёфатга,  
Мен унинг оғушида етишдим ҳаловатга:  
Ҳайратлар яшин каби ҳайратларга алмашди,  
Истаклар сунди бирдан, яна олов туташди:  
Меҳрим ийди; ва лекин зулматда ўша зумда  
Ўзга қизлар чехраси кўринганди кўзимга,  
Ва сирли ғам-ғуссалар эгаллаб жону таним,  
Бегона қиз исмини шивирлаб қўйди лабим.



### Сув париси

Кул буйида, эманзор аро  
Жон сақлаган бир замон роҳиб,  
Заҳмат, машаққатда доимо:  
Руза, меҳнат, илтижо гоҳи.  
Ҳатто, курак билан шикаста  
Қазиб қўйди гурини ҳам чол —  
Ўлим ҳақдир, тан олиб, аста  
Азизларга ёлборди беҳол.

Ёзда, бир кун бўсаға томон  
Хароб кулбасидан чиққанди,  
Сажда қилди Худога нолон.  
Эманзор қорайиб кетганди;  
Кулни қуюқ туман босарди  
Ва қизғиш ой булутлар аро  
Осмонда юмалаб кезарди.  
Роҳиб сувга боқди шу асно.

Боқар, босар ногоҳ ваҳима;  
Тушунолмас ўзини ўзи...  
Кўрди: тўлқин қайнар жимжима  
Яна тиниб қолар сув юзи...  
Ногоҳ... тунги шарпадай, хиёл,  
Оппоқ, қирга илк қор ингандай,  
Чиқиб келди яланғоч аёл  
Ўтирди қирғоққа индамай.

Роҳиб сари нигоҳин ташлаб  
 Ҳул сочини аста таради.  
 Қурққанидан тақводор титраб,  
 Тенги йуқ гузалга қаради.  
 Қули билан имлади пари,  
 Силтаб тез-тез бошини шунда...  
 Ногоҳ — учар юлдуз сингари —  
 Тушдай ғойиб бўлди тўлқинда.

Тун бўйи ухламай чол маҳзун  
 Ибодат ҳам қилмай кун бўйи —  
 Кўз олдидан кетмади бир зум  
 Қиз шарпаси ила банд ўйи.  
 Яна қора кийди эманзор:  
 Булутларни бўйлаб ўтди ой,  
 Яна сувнинг устида дилдор  
 Ўтирибди, гузал, оппоғой.

Боши билан имлар, кўз сузиб,  
 Ҳазиллашиб олисдан упар,  
 Ўйнаб, тўлқин устидан юзиб,  
 Йиғлар, қувнар, боладай ўтар,  
 Садо берар, роҳибга кулар...  
 «Роҳиб, роҳиб! Кела қол, келгин!..»  
 Ва тиниқ тўлқинда фарқ бўлар;  
 Яна олам сукунат, сокин.

Учинчи кун жушқин тақводор  
 Сеҳрли соҳилда маҳдиё  
 Ўтирарди, бўлиб интизор,  
 Кўлка тушар эманзор аро...

Тун зулматин тонг қувган фурсат:  
Топилмади роҳиб ҳеч гурдан,  
Қаранг, оппоқ соқолни фақат  
Куриб қопти болалар кўлда.

### Чала қолган сурат

Кимнинг ақли ҳайратда сизди,  
Англаб етди гузаллик сири?  
Қай муйқалам, о фалак, чизди  
Бу самовий муъжизани, чин?

Сен даҳо!.. Лек ишқ эҳтироси  
Уни енгди. Нигоҳлари лол  
Ижодига боқар — дил рози,  
Қалби ёниб турарди беҳол.



## ЁЛҒИЗЛИК

Бахтли эрур, ким топса паноҳ,  
Маломатли жоҳиддан айро,  
Кун кечирса меҳнат, роҳат гоҳ,  
Хотиралар, умидлар аро;

Унга дўстлар йўлласа тақдир,  
Яратган лутф этиб пинҳонан  
Зерикарли ланжу нодондан,  
Тинч қўймас сурбетдан тутиб сир.



• • •

Ҳавоза ёнида, водийга яқин,  
Жилға қувноқ оқар, тўлқини заррин,  
Шунда хайрлашди Алина — Эдвин,  
Эшитдим энг сўнгги бўсалар сасин.

Ой чиқса — Алина ушанда ҳануз,  
Кўнгли ғаш, хўрсиниқ келади дилга.  
Тонг отса — Алина мудом тикар кўз,  
Оппоқ ҳовур аро кимсасиз йўлга.

Жилғада, айрилиқ толи остида,  
Қизни кўрмиш қўшни қишлоқ чўпони,  
Жилғанинг бўйига ғамгин созида,  
Қиём чоғи пода чорлаган они.

Йиллар ўтди — ўтди шу кўча-кўйдан;  
Ва кўрдим — олисдан келарди Эдвин.  
Эманзорга яшил водийдан, ўйчан,  
Жилға қувноқ оқар, сувлари заррин.

Эдвин боқар — хайрлашган ёр билан  
Толнинг соясида турарди роҳиб,  
Янги қабр, устига хоч ҳам қўйилган,  
Хоч узра гулчамбар, қолибди қуриб.

Бирдан юрагини босар ваҳима:  
Кўмилган ким? Қабртошни ўқир-у  
Бош эгиб... йиқилар роҳиб пойига  
Эшитдим сўнгги бор оҳ, тортганин у...




### Афлотунча муҳаббат

Биламан, Лидинька, азизим,  
Хаёлларга чўмиб бир ширин  
Бағишларсан дамларингни жим,  
Кимга қурбон этиб, яширин  
Дугонангдан, гумон қилар ким.  
Сени ўртар ўша шум бола  
Дилбар бола, жуда қув бола,  
Ва бунчалар кибру ҳаво-ей,  
Сенга тоқат қилмас Гименей\*.  
Сифинарсан ўзга маъбудга,  
Тақдирингга итоат қилиб;  
Сенга боққан ҳайратлар куйиб  
Сахро йўлин топдилар — ўтга.  
Сездим, кўзлар заиф чўфини,  
Сездим мен, бу қиё боқишлар  
Ёноқдаги алвон ёнишлар  
Хумор ҳолинг бору йўфини...  
Шодлик этмас маъбудинг инъом,  
Маҳбубларга бутунлай, ахир.  
Унинг сирли тухфасин мудом  
Сипо ёшлар этишар қадр.  
У хаёлий тушга маҳдиё,  
У учрар қулф эшикка ҳар кез,  
У ҳаёли лаззатга ошно,  
Ишқ офаси у, фақат ёлғиз.

\* Гименей — қадимги юнон мифологиясида никоҳ маъбудаси.

Ҳорғин булиб уйқусизликдан  
Тун зулматда бўлсанг сен хумор,  
У уйғотар сирли куч билан  
Мубҳам орзуларинг беозор,  
Ночор Лида билан хўрсинар,  
Қули билан оҳиста қувар  
Киприда бахш этган тушларни,  
Ва бокира ором, ҳушларни.  
Ўзинг ёлғиз лаззат мавжида  
Севгини алдамоқ бўларсан.  
Беҳуда! — шу лаззат авжида  
Хўрсинасан, яна хуморсан.  
Наҳот, Амур боқмайди зинҳор  
Хира тортган ўз ошёнига?  
Гўзаллигинг гулдай бўлар хор;  
Ёшлик чопар кечмиш домига.  
Наҳот, бенаф илтижом ҳар гал?  
Унут ноҳуш ўйларинг, изминг:  
Қолмагайсан сен мангу гўзал,  
Ўзинг учун эмас бу ҳуснинг.



## Толстойга бағишланган станслар

Кичик донишмандим, қочасан  
Ҳаёт гашти ҳам зиёфатдан,  
Ёшлик уйинига боқасан  
Одамови, ошиблар ҳаддан.

Сен ҳаётнинг эрка чоғларин  
Алмашдинг ғам, дилгир сасига,  
Эпиктетнинг\* жинчироқларин —  
Гораций\* зар бинафшасига.

Ишон, келар бир куни, дустим  
Сунгги пушаймоннинг замони,  
Қутармак зил ҳақиқат юкин,  
Беҳуда бош қотирмоқ они.

Зевс, эркалаб ҳар бандасига —  
Ёшига мос берган овуноқ:  
Оқ сочингни куммас сасига  
Телбадай шақиллаб шақилдоқ.

Оҳ, ёшлигим қайтмагай яна!  
Тутгил беғам, шўхлик йуригин,

---

\* *Эпиктет* — қадимги юнон донишманди, (50—138) Никополдаги фалсафа мактаби асосчиси.

\* *Квинт Гораций Флакк* (милоддан аввалги 65 й.) — қадимги рим адабиётининг «олтин асри» шоири.

Ва ҳавойи севгини ёна,  
Ва ҳавойи бошнинг оғригин!

Сунггигача лаззатни нуш эт,  
Яша беғам, шодон, бепарво!  
Баҳорингни рад этма, жуш эт,  
Ёшлигингда ёш бул доимо!



\* \* \*

Йўқ, йўқ, бекор гиналарингиз,  
Сизга севгим ўшандай ҳамон.  
Кунларимиз, эй, дўсти ёрон  
Чопар тонгги соядай изсиз,  
Жушқин сойдаи бетин, беором.  
Сирли тақдир қўйганми қўйиб  
Умр майи тутилган бизга!  
Ҳали тўла бу қадаҳ бизга,  
Лабимизни лабига қўйиб,  
Ичармиз ҳайрат-у муҳаббат,  
Бизга бари умид, сафолар,

.....  
Биз учун бу янги хатолар!  
Яшнагаймиз, завқу шавқ дилда,  
Хотира қалбга йўл излайди,  
Аммо юрак... сассиз туш ила  
Ўтмишни унутмоқ истайди.



...

Беҳуда, азизим, сир тутмоқ бўлдим  
Алданган юракнинг ҳиссиз ўкинчин.  
Сен мени тушундинг —  
  завқ-шавқ ўткинчи,  
Ахир, сендан қолганди кўнглим...  
Мафгунлик дамлари йўқолди абад,  
Нафосатли лаҳзалар сўлди,  
Сўнди ёшлик истаги, даҳшат,  
Юракдаги умидлар ўлди.

**1817–1820****Менинг... ишқий шеърим**


О сиз, севги оловида ёнмаганлар,  
Қизга боқинг — англагайсиз муҳаббатни.  
О сиз, севиб, кўнгли совиб, тўнглаганлар,  
Унга боқинг: ҳис этгайсиз яна бахтни.

**А. Б. га\*\*\***

Қизга дарров шеър битмоқ имкони недир бу дам?  
Рост сўз менга баридан афзал.  
Уйламай, шошиб дейман: сен гўзалсан ҳаммадан;  
Уйлаб дейман: Гўзалсан, гўзал!

**Сосницкая\* альбомига**

Муштарак қилолдингиз қалбнинг совуққонлигин  
Мафтункор чўғи билан оташ нигоҳингизни.  
Ким сизни севса агар, у — телба, албатта, чин;  
Аммо юз карра телба, кимки севмаса сизни.



---

\* Сосницкая Елена Яковлевна (1800–1855) — опера ва драма артисти. Шоир замондошларининг таъкидлашича, актрисага хушомад ёққан, аммо ўзи бошқаларга совуқ муносабатда бўлган.

## 1820

\* \* \*

Мен жангни биламан — қилич саси хуш:  
Болаликдан орзу ҳарбий шон-шуҳрат,  
Қонли эрмак ила ёқимли уруш  
Ва мардона ўлмоқ қалбимдаги аҳд.

Гуллаган даврида ҳақиқий аскар,  
Юзма-юз бўлмаса ўлим қаҳрига.  
Чинакам қувончни кўрмаган чиқар  
Ва лойиқмас ёрин бўса, меҳрига.

\* \* \*



**...га**

Нечун бевақт дилгир дамларни  
Ваҳимали ўйларда тутмоқ,  
Келаётган фироқ, ғамларни  
Ғамга ботиб, журъатсиз кутмоқ?  
Шуларсиз ҳам яқиндир ҳижрон!  
Ҳувиллаган далада ёлғиз,  
Хотирани чорлагувчи он —  
Сен йўқотган кунларни, эсиз!  
Шунда қувфин ва қабр ҳамдам  
Бахтсиз! Ўзинг маҳтал, интизор  
Маҳбубанинг бир сўзига ҳам  
Ва бўларсан изларига зор.

**Вяземский портретига**

Тақдир ўз марҳаматин кўрсатмоқ истаб унда,  
Бахтиёр арзандада жам этибди янглишиб  
Бойлик ва киборликни — зўр ақл билан шунда  
Содда, очиқ кўнгилга заҳарли ханда қўшиб.

## Қора шол рўмол

(Молдован қўшиғи)

Қора шол рўмолга телбадай боқсам,  
Музлаган қалбимни поралар алам.

Содда ва навқирон бўлган чоғларим,  
Юнон қизни севиб, чеккан оҳларим.

Эркаларди мени латофатли қиз;  
Аmmo қора кунлар етиб келди тез.

Бир кун меҳмонларга тўлган эди уй;  
Эшик қоқиб келди разил яҳудий:

«Сен-ла дўстлар (шипшир) қилар зиёфат;  
Юнон ёринг бўлса, қилар хиёнат».

Унга тилла бердим ва лаънатладим,  
Содиқ қулим дарров чорладим, дим-дим.

Биз чиқдик; елардим чопқир отимда,  
Беозор ачиниш сўзсиз ҳаддимда.

Юнон қизни кўрдим пойгақда аранг,  
Кўзим қонга тўлди, бўлди ҳолим танг.

Хона ичра ўзим кирганим они...  
Бевафони упар эди армани.

Дунёлар танг бўлди; қиличим чақин,  
Ўлди тугатолмай бадкор бўсасин.

Бошсиз танасини топтадим узоқ,  
Сўз демай, оқариб, қизга боққан чоқ.

Ёдимда: ёлворди... сачраб кетган қон...  
Юнон қизи ўлди, севги берди жон!

Мурданинг бошидан рўмолин тортдим,  
Индамасдан қонли пулатни артдим.

Қулим, қоронғида, токи кун ботди,  
Дунай\* тўлқинига уларни отди.

Шундан буён гузал ўпмадим бир бор,  
Шундан қувноқ тунда бўлмадим бедор.

Қора шол рўмолга боқсам, телбадай,  
Совуқ юрагимни фам ўртар, нетай?!

---

\* Дунай — Европадаги дарё.

\* \* \*

Сийрақлар қатма-қат булутлар изи,  
Ғам-ғусса юлдузи, оқшом юлдузи!  
Нуринг кумушлади аён кенгликни,  
Мудроқ кўрфаз, чўққи, қоя, тенгликни;  
Самоларда нозик шуъланг дилга хуш,  
Туинган уйларимни уйғотар сархуш.  
Ёдимда чиқишинг, қадрдон юлдуз  
Сокин диёр узра — қалбимга азиз,  
Водийда сафланиб терақлар турар,  
Нозик буга, қора сарвлар мудрар,  
Чошгоҳ тўлқинлари — ёқимли шовқин.  
Қачонлардир тоғда, қалбимда ёлқин,  
Кезганман денгизни буйлаб паришон,  
Тун шарпаси кулбаларга кирган он —  
Сени излаб қиз кечага қаради,  
Дугонасин исми билан атади.



## 1821

## Ер ва денгиз

*(Идиллия\*)*

Чексиз денгиз мовийлигида  
Ел сирғаниб, эстанди аста,  
Мағрур кема елканлари ва  
Тебранар қайиқлар оҳиста;  
Ташлаб ғаму ташвиш юкини  
Шодлик истаб кўнглим ҳаваси —  
Унутаман илҳом куйини:  
Менга тотли денгиз нафаси.  
Аммо қирғоқ бўйлаб тўлқинлар  
Жўш урса, қайнаса, кўпирса,  
Зулмат ичра чақнаб чақинлар,  
Қалдироқ осмондан бўкирса, —  
Денгизлардан кетаман йироқ,  
Меҳмоннавоз ўрмонлар тараф;  
Назаримда замин содиқроқ,  
Балиқчига ачингум, қараб:  
Омонат қайиқда кўрар кун,  
Гирдобларга ўйинчоқ аммо.  
Мен эса, сукутда тинглагум  
Водий сойи таратса наво.



\* Табиат кучоғидаги тинч ва осойишта ҳаётни тасвирловчи кичик шеърый асар.

### Гўзал кўзгу олдида

Боққин соҳибжамолга, чеҳрасини безаб у  
Кўзгунинг қаршисида гулларга буркаса гар,  
Гажакларин ўйнаркан —  
  ва ростгўй тиниқ кўзгу  
Табассум, маккор нигоҳ, ва кибрни кўрсатар.



### Илҳом париси

Болалик чоғларимда у мени севар эди,  
Ва етгита туйнукли сибизға инъом этди.  
Жилмайиб боқар эди, меҳр-ла ва оҳиста  
Қамишнинг жаранг тула туйнугин босиб аста  
Нозик бармоғимда мен чала бошлаган замон  
Илоҳий мадҳларни, маъбудлар пандин шодон  
Ва фригий\* чўпонлари сокин қушиқларини.  
Саҳардан оқшомгача эманларнинг салқини  
Ичра гузалнинг пинҳон сабоғини олгандим,  
Мамнун бўлиб ногаҳон мукофот этди тақдим,  
Чиройли манглайдан ортга ташлаб зулфини,  
Қўлимдан сибизғани олди ўзи бир куни:  
Қамишга жон кирганди илоҳий фусунлардан  
Қалбга ҳислар тўлганди муқаддас афсунлардан.

---

\* Фригийлар — Кичик Осиёда яшаган қадимий халқ.

\* \* \*

Истагимга етишдим, шу тоб,  
Кўнглим қолди орзулардан ҳам.  
Менга бори фақат изтироб  
Бўм-бўш қалбнинг самари — алам.

Шафқат билмас тақдир бўрони  
Гулчамбарим айлади пайхон;  
Куним маҳзун, ёлғизлик они  
Кутадирман: интиҳо қачон?

Шундай, аёз урган паллада,  
Қиш бўрони увиллаган чоқ,  
Ёлғиз у — яланғоч новдада  
Титраб турар энг сўнги япроқ!..





## Қиз

Сенга айтган эдим-ку: гузал қиздан бул огоҳ!  
Билардим: у фаройиб ром этар дилни ногоҳ,  
Бепарво дуст, билардим: унинг ёнида асло  
Узгага ҳам боқмагин, излаб ёнар кўз барно.  
Умидин узиб тамом, унут хиёнат тоти  
Атрофида ловулар паришон ёшлик; токи  
Бахт-иқбол эркалари, тақдирнинг сирдошлари,  
Шу гузалнинг пойида илтижо қилгай бари;  
Аммо мағрур қиз улар изҳоридан нафратда  
Кўзини ерга тикар, парво қилмас, албатта.



### Сиёҳдонимга

Саркаш хаёл ошноси  
 Менинг сиёҳдонгинам;  
 Даврим рангин дунёси  
 Безанди сен-ла бирам.  
 Тез-тез шодлик сасини —  
 Сен-ла унутдим аҳдни  
 Сабухий лаҳзасини  
 Шодиёна қадаҳни;  
 Кулбам куланкасида  
 Хорфин, ғам-аламли дам,  
 Сен турарсан аслида  
 Орзу ва чироқ билан.  
 Илҳом келса, азм ила  
 Ҳузурингга чопардим  
 Ва созимни топардим  
 Хаёлотнинг базмига.  
 Шаффоф ва енгил ҳовур,  
 Бошинг узра парвона,  
 Ва шошқалоқ бир сурур  
 Навбат кутар девона.

.....\*

Менинг хазиначарим  
 Қаърингда эрур пинхон.  
 Узингга бердим зарим —  
 Оромим, кечдим тамом.

\* Шу жойда қирққа яқин сатр етишмайди.

Дугонанг — дангасалик,  
Орамизда йуқ ҳадик:  
Сен-ла билди, не зафар —  
Қандайдир бир қаландар...  
Биллуриг ноёб сафсар,  
Самовий олов сақлар;  
Оқшом чоғи патқалам  
Қоғозни сайр этганда,  
Қийналмайин сира ҳам  
Сендан излаб топганди  
Шеърим хотимасини:  
Энг аниқ ифодани;  
Гоҳ товуш, сўз сасини,  
Тасодиф бир ғояни,  
Гоҳ киноя — титроққа;  
Гоҳ аччиқ ҳақиқат,  
Гоҳ бир қофия, ғалат,  
Чалинмаган қулоққа.  
Тентаклар эгнин тилиб,  
Танига тамға урдим,  
Жоҳилларни қул қилиб,  
Қора сиёҳинг сурдим...  
Унга қўшмадим аммо  
Фараз кўпигин асло,  
Ҳам оғу каби тухмат.  
Гўл кўнглига доғ бирон  
Хушомад ё хиёнат  
Чапламадик ҳеч қачон.

Лек бунда мудроқ босса,  
Гина эшитгум роса  
Жонкуяр жўралардан...  
Наҳот, мен айро тушсам

Қалбимга жүр — улардан  
 Айрилсам ва унутсам?  
 Қуй, қуй, уларни ҳозир  
 Эрмак бўлган дилларни,  
 Хорей\* ва дактилларни —  
 Хату хабарга арзир.  
 Зериккан, дилгир чоқлар,  
 Юрак бўш, мавҳум туйғу,  
 Маънос ҳижрон, фироқлар,  
 Ҳар доимги ўй-орзу,  
 Қалбим тўла умид, ҳис,  
 Хушомадсиз, санъатсиз  
 Дафтаримга туширгил...  
 Лақма бўлмай, иболи  
 Ва енгил, ва адоли —  
 Таскин топсин ҳар кўнгил...

Беғам олам ўғлони,  
 Ҳозир олтин давроним  
 Совулар эканман жим,  
 Ўзим билан айрилмай,  
 Шоду хуррам, тойрилмай,  
 Яша, менинг сирдошим.

Қачон дўзах қирғоғи  
 Мени абад ютганда,  
 Мангу хобга кетганда  
 Патқалам — дил ардоғим,  
 Сен ҳам, бўш бурчакда жим.  
 Ёлғиз, қуриб битгайсан,  
 Ва мангу тарк этгайсан.

\* Дактил ва Хорей — шеъринг вазнлар.

Шоирнинг жимжит уйин  
Чедаев, азиз дўстим,  
Сени олади ғамгин;  
Сунгги салом бул унга,  
Кечмишда суйганимга.  
Қуриб қолган ва унут  
Иккита сурат аро,  
Мангу сақлагин сукут,  
Безат каминни, аъло.  
Таъби нозик бу дунё  
Ҳар назардан ўзинг ол,  
Содиқ шоирни аммо  
Дўстларнинг ёдига сол.



... ..

Дўстгинам, унутганман кечмиш йиллар изини  
 Ва жушқин оқиб ўтган ёшлик давримни, албат.  
 Энди мендан сўрама, йўқ нарсанинг ўзини,  
 Лаззату ҳасратларда бағримда недир қат-қат,  
 Кимларни севган эдим, кимлар қилди хиёнат.  
 Майлига берилмасин менга ўшал тугал бахт:  
 Аммо сен, покиза дил, бахт учун яралгансан,  
 Хотиржам ишон унга, тутгил учқур лаҳзани:  
 Сенинг қалбинг дўстлик ва

муҳаббатнинг махзани,

Қайноқ бўсалар ила аҳд учун яралгансан:  
 Юрагинг соф, бегуноҳ; ноумидлик бегона;  
 Ёрқин, чароғон кундай, гўдак мисол беғубор,  
 Изтироб чекмоқ надир, бўлиб мисли девона  
 Зерикарли ҳикоя, қиссаларга нима бор?  
 У сокин хаёлингга фитна солар бешафқат;  
 Кўз ёш тўкарсан бенаф, юрагинг ўртайдирсан:  
 Ишонувчан кўнгилдан беғамлик учгай фақат.  
 Ва севгимдан сен балки даҳшатга тушгайдирсан.  
 Эҳтимол, бутунлайга... Йўқ, сен менинг азизим,  
 Бой беришдан қўрқаман энг охирги лаззатни.  
 Мендан талаб айлама хатарли ҳақиқатни:  
 Бугун телба ошиқман, бугун бахтиёр ўзим.

### Молдаванча қушиқ

Икки ака-ука — улғайдик бирга —  
Қашшоқ болаликни ұтказдик зурға...

Қалбни асир этди очқузлик ёвуз,  
Биринчи босқинга чикдик иккимиз.

Қурғон ёришганда, ой сочганда зар,  
Отда чопиб ұтди қурқиб савдогар,

Унга етиб олдик, алҳазар...  
Илк бора ювилди қон билан ханжар.

Кейин қотилликка ўргандик шундоқ,  
Даҳшатга кўмилди чор-атроф қишлоқ.




\*\*\*

Эллеферия, сенинг олдингда,  
Курымсиз ўзга гузаллар нега?  
Сеникиман мангу, ёндим дардингда,  
Абад сеникиман, Эллеферия!

Уни чўчитар кибор давралар,  
Кўнглига урган сарой ғавғоси;  
Ақлин, шўхлигин севгум нақадар  
Ва дилга яқин қалбин садоси.

Жанубда, сокин зулматлар ичра  
Мен билан яша, Эллеферия,  
Сенинг ..... ҳуснингга,  
Зиён етказар совуқ Россия.





\* \* \*

Агар нафис гузаллик-ла сиз  
Ҷис этсангиз юракдан, бахтли,  
Агар ўзга ғуссаси, шаксиз,  
Азоб берса сизга даҳшатли,  
Агар офир бўлса ёд этмоқ  
Сирли дардинг қурбонини жим,  
Бу саҳфага қолдирмам мутлоқ,  
Мен ўзимнинг хотираларим.



Нурафшон ошёнинг сари, азизам,  
Мен келаётирман энг сўнгги бора.  
Осуда, бахтиёр севгимиз, ёра,  
Сўнгги онин сен-ла кўргани баҳам.  
Олдинда бир умид билан, бечора  
Тун зулмати ичра кутма дилпора,  
То тонг илк нуруни сочгунга қадар  
Ёқмагин шамлар.



## 1822

## Таврида

*Gieb meine Jugend mir zuruck!\**

Сен, юракка ноаён зулмат,  
Сўқирга паноҳсан, ноилож,  
Нотавонлик! Пуч шарпа, албат,  
Ҳимоянгга эмасман муҳтож!  
Совуб ҳаёт, орзудан тамом,  
Билмай азал бахт недир, ёна,  
Сенга ишонмайман батамом,  
Сен инсон фикрига бегона!  
Сен даҳшатли мағрур ақлига!  
Йўлчи шундай юксақдан боқар  
Алып сувларин мангу ваҳмига,  
Ва жарликка нигоҳин қадар  
Ногоҳ у қўрқувда қолди-да  
Тебранди ва титрар: олдида  
Нарсалар қораяр, қимирлар,  
Қалбда совуқ ҳислар симиллар.  
Суянч излаб аланглар нохуш  
Бари ғойиб, липиллар, учар  
Ва совуқ туш шу топда беҳуш  
Уни тоғнинг пойига отар...  
Менинг руҳим абадий ҳаёт.  
Аммо учиб ўзга оламда  
Мотам либос эгнимда, наҳот

---

\* Ёшлигимни қайтиб бер менга! (нем.)

Замин ҳиссин йўқотган дамда  
 Ёт бўларми бу олам бирдан;  
 Балки, унда, бари товланган  
 Боқий шараф, чирой-ла бирам,  
 Чин оловнинг тили ямлаган  
 Унда турмуш чаласин, камин,  
 Таассуротнинг оний ҳаётин  
 Сақламагай ўртанган қалбим,  
 Афсус чекиб ўтирмам, токим  
 Унутгумми муҳаббат дардин?

Севги! Нима, қабр ортида  
 Яшайдими қалбимда ҳамон?  
 Мендан қолгай мангу хотира  
 Усиз ҳечдир қалбим у замон?  
 Нега ишонмай, сизга шоирлар?  
 Шарпалар тўдаси яширин  
 Маънос Лета соҳилларидан  
 Учишар ер соҳилига жим  
 Ва хабарлар олишар ғамгин  
 Азиз бўлган барча хилқатдан  
 Ва тушларда беради таскин  
 Дўстлари тарк этган қалбларга;  
 Мангулик бориб етгандай,  
 Элизейда кутар барини,  
 Қадрдон уйида кутгандай  
 Кечга қолган меҳмонларини...

Гузал шеърятнинг дилрабо  
 Худо суйган ўйларисиз!  
 Севгум сизнинг хира рўё  
 Ҳамда сирли гулларингиз,

Шундай, агар ажралмоқ мумкин  
Мангу жойдан, ёғдулар қучар,  
Бахт абадий, яшнаган жойдан  
Менинг руҳим Юрзуфга учар.  
Бахт улкаси, жилвали тўлқин,  
Силар бўлиқ қирғоқларни,  
Ҳашаматли табиат ёрқин —  
Яшнатар қир, ўтлоқларини,  
Ҳов, хумрайган қояга яқин.

.....

Яна сен мен билан, ҳаловат;  
Дилда нохуш хаёллар сўнди:  
Зерикарли изтироб, ҳасрат!  
Фикрим тиниқ, туйғу уйғонди.  
Қандайдир бир навозиш бисёр,  
Қандайдир ғуссага кўмилдим;  
Далаларнинг сеҳрида кўнглим,  
Таврида қирлари, эй зебо диёр —  
Яна келдим сизни деб хушвақт...  
Симираман ҳумор хуш ҳаво,  
Садо берар яқиндан гўё  
Қачонлардир унут бўлган бахт.

.....

Тоғ бағирлаб, унинг ортидан,  
Мен нотаниш йўллардан юрдим,  
Ва журъатсиз нигоҳ-ла, бирдан  
Гўзалимнинг изини кўрдим —  
Нечун журъат этмадим, изга  
Қайноқ лабим босмадим нечун,  
Қайноқ, кўзёш тўкмадим нечун?..

.....

.....

Йуқ, ҳеч қачон бетин ёшлиқда,  
 Жушқин кунлар ҳам бебошлиқда  
 Истамаган эдим бу қадар  
 Ёш Цирцея\* лабидан буса  
 Ва сийналар, мисли кабутар...

.....  
 Ёлғиз, ёлғиз қолдим бир ўзим.  
 Базмлар, маҳбуба, дўстларим  
 Ҳавойи орзудай бўлдилар ғойиб, —  
 Сўниб битди менинг ёшлигим  
 Бевафо армуғон, туҳфасин олиб.

Узун тунда шундай ёниб шам  
 Шўх йигитлар, шўх қизлар учун,  
 Телба зиёфатлар ўтган дам  
 Рангсиз бўлар нур сочганда кун.




---

\* Цирцея — қадимги юнон мифологиясида сеҳргар маъ-  
 буда, Одиссейнинг маҳбубаси.

**В.Ф. Раевскийга\***

Фурурланмам бунга мен, шоир,  
Шеърим билан ром этганимга —  
Олов қалбни мисоли соҳир  
Шод этиб ё ёш тўкканимга,

Фурурланмам бунга мен, гоҳо,  
Тинглаб маккор созим сасини  
Қизлар дилда этганда адо  
Қўрқув билан ҳаё ҳиссини,

Фурурланмам, ҳажв дорида  
Фаҳш, ғазабни қатл этганим он,  
Лирамнинг зўр, жаранг торидан  
Даҳшатларга тушганда ёлфон,

Матонатли руҳим мусаффо  
Ҳамда жушқин ёшлигим сабаб  
Эрк ишқида, қувфинлар аро  
Элга дoston бўлдим мен, ё, Раб, —

Ўзгачадир инъоми олий  
Менга тақдир ёзмиш туйғуси —  
Таъби нозик саркаш хаёли!  
Беҳуда тушларнинг орзуси!...

.....

---

\* Раевский Владимир Федосеевич (1795—1872), Пушкиннинг дўсти.

## Юнон қизга

Туғилгансан олов ёқмоққа  
Шоирларнинг дунёларига,  
Асир этиб, ташлаб фироққа  
Нозли таъзим этиб барига,  
Ажаб валаат сўйлаб шарқона,  
Кўзгудай ял кўзлар мастона  
Ва бу шаддод оёқлар беор...  
Яралгансан нозли ва хумор,  
Эҳтирос завқига жанона.

Айт, Лайлини, куйчи бир замон  
Этганида самовий тасвир  
Қалбидаги вафодор жонон —  
Сенми, куйлаб ёнганми, ахир  
Ошиқ шоир, бечора шоир?

Балки, олис бир ўлка томон,  
Юнонлар осмони остида,  
Жўшқин ошиқ сени аслида  
Билганми, кўрганми тушсимон,  
Унутолмай, сиймонг аслида  
Сақлаганми юрақда пинҳон?

Балки, қўлда сайроқи сози  
Сени йўлдан сеҳргар урган;  
Беихтиёр титроқлар турган  
Сийнанг ичра, шундан дил нози.



Ва кўксига бошингни қўйиб...  
Рашкнинг ўти, йўқ, дўстим, рости,  
Бу оловни ёққим йўқ, куйиб:  
Кўпдан бахтга бегона бағир,  
Янги лаззат уни ҳис этмоқ,  
Сирли ҳасрат хуморин тотмоқ,  
Қўрққум: алдар, не гузал, охир.



### Я.Н. Толстойга\* мактубдан

Чароғимиз, ёнаяпсанми,  
 Бедорлик, базмлар дўстидай?  
 Олтин қадах, тошаяпсанми,  
 Сўзга чечанларнинг дастидая?  
 Ушандайми, дўсти ҳамдамлар,  
 Киприда ва шеърга ошнолар?  
 Карахт дамлар,  
   ишқ, жушган дамлар  
 Фидомилар, берса садолар  
 Эркинлик,  
   Эркалик, Беғамлар?  
 Ёқиб ҳавас ўтида ўзни,  
 Зерикарли қувғинда шу дам  
 Қани энди, сиз сари учсам,  
 Хаёлимда кўраман сизни:  
 Мана, меҳмоннавоз ошён,  
 Муҳаббат ва илҳом ўчоғи,  
 Бу ерда онт ичгандик шоён  
 Тузиб мангу дўстлар иттифоқи,  
 Шунда бахт деб дўстликни билдик,  
 Бир дастурхон узра биз шунда  
 Давра қурдик — муқаддас Тенглик,  
 Саркаш, қайсар уйимиз шунда  
 Ўрнин босган шароб, суҳбатлар,

---

\* Яков Николаевич Толстой (1791 – 1867) — рус шоири ва театршуноси, «Яшил чироқ» жамияти раиси.

Гурунгару масрур қўшиқлар:  
Баҳсимизга қўр ишқ, рағбатлар,  
Аланга-ю майдан жўшиблар.  
Эшитгум боз, шоири азал,  
Сўзларингиз мафтункор, янгроқ...  
Учар юлдуз майин қуй аввал,  
Соғлиқ тила менга, эй қалмоқ!



### Ажнабий қизга

Сен тушунмас сўзлар, оҳларда,  
Битадирман видо ашъорим;  
Аммо дилкаш иштибоҳларда  
Эътибор сўрайман, дилдорим:  
Азизим, қалбим ҳеч сунмагай,  
Туйғум тўниб фироқларда жим,  
Илтижо қилмоқдан тинмагай  
Сенга, фақат сенга, азизим.  
Боқсанг ҳамки ўзга ҳар кимга,  
Фақат менинг қалбимга ишон.  
Аввалгидай ишондинг унга,  
Эҳтиросим англамай, жанон.

\* \* \*

Сеҳргар ўтмишда сирдошим ўзинг,  
Ўзинг шоду ғамгин ўйимга ошно,  
Баҳорим кунида англадим сўзинг,  
Овунч лаҳзалари, илк тушлар гўё.  
Сокин оқшомларда кутганда кўнгил,  
Аён бўлдинг мисли меҳрибон момо,  
Бошимда ўтирдинг, эгнингда камзул,  
Кўзойнагинг катта, жонсарак, фидо.  
Куйладинг бешигим тебратиб, тинмай,  
Мурғак қалбим куйга айлаблар мафтун.  
Йўрғам қатида қолдирибсан най  
Сеҳру сирга чулғаб, ўқиблар афсун.  
Болалик ҳавойи туш каби ўтди.

Сен эса, бепарво ўсмирни севдинг,  
Шўх созлардан бир у сени ёд этди,  
Ва унинг қошига оҳиста келдинг:  
Лек сиймонг, либосинг ўзгами ногоҳ?  
Қандай соз, нақадар ўзгардинг шу зум!  
Қандай ўтли эди гўзал табассум!  
Қандай ўтли эди мафтункор нигоҳ!  
Бурканибсан, ҳарир либосинг ёнмиш,  
Самовий қаддингта сал соя солмиш;  
Чамбаргул чирмаркан зулфинг тўлқинин,  
Гўзал, бошинг узра таратар ифор;  
Зар инжу остида оқ сийна тўлин  
Қизарар ва аста титрар беозор...

## Тутқун

Зах зиндон, панжара ичида қолдим.  
Асранди полопон бургутдай ёндим.  
Менинг хомуш дустим, қанотин қоқиб  
Ва дарча остида қонли гушт чуқиб,


Чуқиб ташлайверар, дарчага боқиб,  
Худди мен уйлаган уйларга ботиб,  
Чорлайди қичқириб, имлайди нигоҳ,  
Ёлвормоқ истайди: «Учайлик, тезроқ!

Биз озод қушлармиз, пайт келди, оға!  
У ёққа, булутлар орти, оқ тоққа,  
У ёқ, яшил ўлка, соҳиллар, денгиз  
У ёққа, бир шамол... ва мен, кезамиз!..»

**1823****Қушча**

Ёт юртда ҳам қилиб эзгу иш —  
Асраб юртим қадим урфини:  
Озод қилдим, учди митти қуш,  
Порлоқ баҳор байрами куни.

Таскин топдим ушал фурсатда;  
Нечун кукка зорланай нолон,  
Жилла қурса, битта хилқатга  
Эта олдим озодлик инъом!



\* \* \*

Тулқинлар, ким бас келди сизга,  
Ким банд этди тошқинингизни,  
Ким жимжит ва мудроқ ҳовузга  
Бурди асов оқимингизни?

Кимнинг сирли афсуни урди  
Умидимни, қайғум, бахтимни  
Ва жушқин қалб, ёшлик шахдимни  
Ялқовликнинг лойига қорди?

Чарх ур, шамол, уйғон, эй тўфон,  
Завол мисол тўфонни бузгил!  
Эй эрк рамзи, қайдасан бурон?  
Тутқун сувлар устидан сузгил.





...

Ширин умид ила мисоли гўдак,  
Агар ишонсайдим, бир кун жон бешак  
Танани тарк этар, қолади фикрат,  
Севги ва кечмишни ютади зулмат.  
Онт ичгум! Кетардим, дунёни ташлаб:  
Ҳаётни парчалаб, орзумни ғашлаб,  
Учардим озод ва ҳур ўлкаларга,  
Ўлим йўқ, хурофот йўқ ўлкаларга,  
Соф самода фақат ўй сузган баланд...

Лек бенаф орзуга берилдим ҳарчанд:  
Ақлим қайсар, пучдай умидлар бари...  
Нотавонлик кутар қабрдан нари...  
Бари абас! Фикр ҳам илк муҳаббат!  
Қўрққум!.. Мунгли боқиб ҳаётга фақат,  
Узоқ умр кўрсам, азиз сиймоим  
Қалбим сири бўлса ва ёнса доим.



**Кн. М.А. Голицынага**

Купдан унинг хотиралари  
Сақланади қалбимда порлоқ,  
Қараб қўйса бир бор мен сари  
Дилга таскин буларди узоқ.  
Шеър уқисам, буларди мафтун,  
Шеърим эса, жушқину ғамгин  
Такрорларди ажиб ва гулгун,  
Ҳайратларга солганда қалбин.  
Яна созда кўз ёш, изтироб  
Меҳри ийди, балки илтифот —  
Ҳозир унга бўлди мукофот  
Юрагимдан оташин хитоб...  
Етар! Мағрур бўлсам-да, майли  
Энди меҳрим жуш урар бирам:  
Шон-шуҳратим унинг туфайли,  
Балки завқим, илҳомларим ҳам.

## Ҳаёт араваси

Юки зилдай бўлса-да ҳарвақт  
Арава енгилдир, юрса гар;  
Ёмчи ёвқур, қари чолдир вақт,  
Ўз жойидан тушмайин элтар.

Аравага эрталаб чиқиб;  
Бизга ёқар бошни қотирмоқ,  
Ором, уйқу баҳридан кечиб,  
Қичқирамиз: ҳайда! ....

Бироқ тушда қолмас иштиёқ;  
Эс киргандай; қўрқиб, ҳоли вой,  
Қия, жарда юракда титроқ,  
Қичқирамиз: секин, тентаквой!

Ҳали-ҳануз арава елар;  
Қўникамиз шомда барига,  
Ва мудраймиз манзилга қадар —  
Қамчи босар вақт отларига.

### А. Пушкинга\*

Укажоним, мен кетганда ўсмир эдинг,  
Айрилиқда имиллади қанча йиллар.  
Йигитчасан энди — тулиб-тошиб қалбинг  
Улғаярсан: эрк, нур, иқбол сари йўллар.  
Қай бир соҳа эшик очиб сени чорлар,  
Сен кўрмаган қанча ҳайрат, гўзал чоғлар  
Ширин ташвиш ва ёқимли иштибоҳлар!  
Купиртирар юрак қонинг чуғлар, оҳлар!  
Синагайсан умидларда қалбинг шошқин,  
Чорлагайсан ишонч билан дўстлик, ишқни.

.....



---

\* Лев Сергеевич Пушкин (1805–1852) — А.С. Пушкиннинг укаси ва адабий котиби, зобит, форсларга қарши уруш қатнашчиси, орденлар соҳиби. Лев Сергеевичнинг хотира-си кучли бўлиб, дostonларни бир ўқишда ёд олган.

\*\*\*

*(Парча)*

Суйла, мен эмасми, сени илғаган,  
Иболи қизларнинг ичидан ўзинг.  
Менмасми, нигоҳинг илк бор чулғаган,  
Мен эмасми биринчи дўстинг?



1824

\* \* \*

Ҳаммаси тугади: орамиз очик,  
Пойингга тиз чўкиб сўнгни бор,  
Аламли сўзларим айтолдим, дилдор.  
Ҳаммаси тугади — жавобинг аччиқ,  
Алдамасман яна ўзимни минбаъд,  
Соғиииб ортингдан бормам изма-из.  
Балки, унутарман барини, шаксиз —  
Мени адо қилар экан муҳаббат.  
Сен навниҳол: тоза қалбинг гузалдир,  
Ҳали сенга кўшлар бўлгайдир асир.

## Кемага

Денгиздаги қанотли хилқат!  
Чорлагайман — сузақол, сузгин  
Ва асрагин, бебаҳо неъмат —  
Севги, умид, илтижо учун.

Субҳи сабо ила сен, шамол,  
Бахт елканин қанотини ёз.  
Ногоҳ тўлқин тебратиб алҳол,  
Унинг кўксин ўртамагин боз.





...

Ярим-милорд, ярим тожир,  
Чала дониш, чала жоҳил,  
Чала разил, умид бор ахир,  
Бутунича ким булар охир!?



## Язиковга\*

(Михайловск, 1824 й.)

Ҳузурбахш иттифоқ қадимдан  
 Шоирларни этмиш муштарак:  
 Битта созни чертарлар дилдан;  
 Бир оловда ёнар ҳар юрак;  
 Илҳом боис бирдир қавмимиз,  
 Гарчи ўзга-ўзгача тақдир.  
 Онт ичаман, Овидий\* ҳаққи:  
 Язиков, қон-қариндошмиз биз.  
 Аллақачон Дерптга тараф  
 Чиқар эдим субҳидам, саҳар  
 Очиқ эшик, остона ҳатлаб  
 Зилдай ҳассам босиб муқаррар,  
 Ва қайтардим яна руҳланиб  
 Беғам кун тасвири ёдимда,  
 Эрк, илҳомбахш гурунждан ёниб  
 Ва жарангдор созинг қалбимда.  
 Бахт устимдан кулмоқда ёмон:  
 Кўндан сарсон, йўқдир бошпанам,  
 Мустабид зулм учирар қаён,  
 Ухлаб, қайда уйғонгум, билмам.  
 Мудом таъқиб, энди-чи қувфин  
 Судрайман занжирбанд кунларим.  
 Эшит, шоир, даъватимни жим,

\* Язиков Николай Михайлович (1803–1846) – шоир, бу вақтда Дерпт университети талабаси.

\* Публий Овидий Назон (милоддан олдинги 43 – милоднинг 17 ё 18 й.) қадимги рим шоири.

Пуч қилмагин, бас, умидларим.  
 Бу қишлоқда Пётр шогирди\*  
 Малика-ю шоҳга суюк қул  
 Араб бобом\* бекиниб юрди,  
 Уз юртида унут бўлган ул,  
 Елисаветани унутиб у дам  
 Саройни ҳам, базмларни ҳам,  
 Жуказорлар соя солганда  
 Ёзнинг салқин куни хотиржам  
 Африқосин ёдга олганди, —  
 Сени кутгум. Мен билан сени  
 Қишлоқдаги чайлада қучгай  
 Қондош, дилдош оғам унутмай,  
 Сен ҳавойи дер эдинг уни;  
 Шоирларнинг улуғи, ҳамроз  
 Бизнинг Делвиг\* этгай армуғон.  
 Учлигимиз этади бўстон  
 Қувғин кунлар зулматини соз.  
 Қоровулни қилиб шамғалат,  
 Улуғлаймиз эрк армуғонин  
 Телба ёшлик жушар ва фақат  
 Авж олади базмимиз, шовқин,  
 Жур этгаймиз дўстлик торини  
 Қадаҳ ва шеър жарангига биз,  
 Қиш оқшоми ғусса, зорини  
 Шароб, қушиқ ила қувгаймиз.

\* *Пётр шогирди* — Ибрагим Ганнибал, Пушкиннинг катта бобоси, эфиопиялик.

\* *Араб бобом бекинган чоқда* — «Михайловская губа» мулки Ганнибалга қиролича Елизавета томонидан 1746 йилда хатлаб берилган.

\* *Делвиг, Антон Антонович, барон (1798–831)* — рус шоири, ношир, Пушкиннинг дўсти.

## Маккорлик

Агар дўст хитобинг садоларига  
 Гумон сукут сақлаб айласа жавоб;  
 Қўлингдан қўл тортса илкис нарига  
 Илон ушлагандай сесканиб шитоб:  
 Ўткир нигоҳини санчиб юзингга,  
 Беписанд бош чайқаб қўйганда,

албат, —

Дема: «У хаста, ёш, келгай ўзига,  
 У азобда қолган, ҳасрати беҳад»,  
 Демагил: «Билмайди яхшиликни у;  
 У ожиз, дўстликка арзимади ҳам;  
 Ҳаёти қандайдир беором туш-ку...»  
 Наҳотки, сен ҳақсан?

Наҳот, хотиржам?

Оҳ, шундайин бўлса, ўзи ерпарчин,  
 Сенга ярашай деб ёлборгай беун.  
 Аммо сен дўстликнинг муқаддас ҳукмин  
 Ўқидинг ғазабнок таъқиблар учун;  
 Аммо, сен чиройли тўқиб ёлғонлар,  
 Озор берсанг ҳуркак хаёлларига  
 Ва ҳавойи эрмак топсанг бу онлар  
 Унинг ҳасрат,

фигон, малолларида;

Аммо сен, гар қабих, туҳмат қилсалар  
 Сен унга пинхона бўлсанг акс садо;

Ўзинг қўлларига кишан солсанг гар,  
Ва мазахлаб сотсанг душманга бежо,  
У сўзсиз қалбингни ўқир кўз ташлаб,  
Асрорингни ғамгин нигоҳида жим —  
Унда йўлдан қолма, сўзларинг бенаф —  
Сенга ўқилгандир энг сўнги ҳукм.



## Узум

Атиргулдан сира йўқ арзим,  
Нозик баҳор билан хазон ул;  
Новдасида ёқимли узум,  
Тоғ пойида етилган шингил.

Олтин водий зийнати, ахир  
Олтин кузнинг дилхуш боғидай,  
Узунгина, шаффоф ва ҳарир,  
Буйи етган қиз бармоғидай.

\* \* \*

О, гулпари, банддаман ногоҳ;  
Лек уялмам, тушса ҳам нигоҳ;  
Булбул чекар дафна узра оҳ,  
Ўрмондаги куйчиларга шоҳ,  
Мағрур атиргулнинг қатида  
Тутқунликда яшайди тотли  
Ва куйлайди унга баётли  
Эҳтиросли тун зулматида.

— ❦ —

## Қуръонга назира\*

### I

Жуфт ва тоқнинг ҳаққига қасам,  
Қилич ва жанг ҳаққига қасам,  
Тонг юлдузи ҳаққига қасам\*,  
Аср намози ҳаққига қасам:

Йуқ, мен сени кетмадим ташлаб.  
Кимни таскин паноҳига жим  
Раҳнамодай, бошини силаб,  
Таъқибли кўзлардан яширдим?

Мен эмасми сен ташна замон  
Сахро сувларига қондирган?  
Менми, тухфа айлаган забон —  
Ақлларни буйинсундирган?

---

\* «...кофир булган кимсалар: «Бу (Қуръон) фақат аввалгилардан қолган афсоналар, холос», дейдилар. («Анъом» сураси, 25-оят) Бу кофирларнинг фикрлари, албатта, шунга қарамай, Қуръонда кўплаб ахлоқий ҳақиқатлар кучли ва поэтик образларда берилган. Бу ерда бир неча эркин назиралар тақдим этилади. Аслиятда Аллоҳ ҳамма жойда ўз номидан гапиреди, Муҳаммад ҳақида эса, фақат иккинчи ёки учинчи шахс номидан эслатилади.

\* Қуръоннинг бошқа ўринларида анжир меваси, Макка шаҳрининг озодлиги, фазилат ва иллатлар, фаришталар ва одам ҳаққига оғт ичилади.



Дадилроқ бўл, ёлғондан ҳазар,  
Ҳақ йўлида қатъи, қоим бўл,  
Ғарибни сев, Қуръон, сарбасар  
Титраган жонзотга кўрсат йўл.

## II

О, Расулнинг пок завжалари,  
Бошқа хотинлардан ўзгасиз:  
Сизга даҳшат айб шарпалари.  
Ширин сукут паноҳида сиз  
Яшагайсиз хокисор: ҳурлар  
Юзингизга ҳарир тутурлар.  
Садоқатли қалбни асрангиз,  
Хаёли ва шаърий ҳузурга,  
Бетавфиқлар кўзи бу нурга —  
Чехрангизга тушмасин ҳаргиз!

Сиз-чи, о, Муҳаммад меҳмони,  
Келиб оқшом чоғида фақат,  
Ташвишини қилманг дунёни,  
Пайғамбарим этиб хижолат.  
У мўмин ўйларга ошино  
Сергапларни хушламас асло,  
Нокамтарни ва пуч сўзларин:  
Базмида сиз шукрона этиб,  
Ҳурмат қилинг, бошингиз эгиб,  
Унинг ёш-ёш асираларин\*.

---

\* «Менинг Пайғамбарим, қушимча этади Аллоҳ, буни сизга айтмайди, негаки, у жуда ҳам назокатли ва камтар: аммо мен сиз билан барпо этишга эҳтиёж сезмайман...» ва ҳоказо. Араб рашки ўша оятларда намоён бўлади.

## III

Қошин чимирди пайғамбар ғоят  
 Сезиб, яқинга келганда сўқир\*:  
 Кетар, қилмайди гуноҳга журъат  
 Унга ҳайрон ҳам бўлмайди ахир.

Буюрилгандир самовий китоб  
 Шаккоклар эмас, сенга, Пайғамбар;  
 Қуръонни ўқиб, айлайвер хитоб,  
 Мажбур этмагин муртадни магар!

Нега одамзод такаббур бунча?  
 Дунёга урён келган учунми,  
 Узоқ ҳам яшай олмайди унча,  
 Ожиз туғилиб-ўлган учунми?

Олганигами жонини Худо  
 Этганигами жонини ато?  
 Битганигами тақдирин само,  
 Гоҳи қувончли, ташвишли гоҳо?

Берганигами унга неъматин  
 Ризқу рўзин ҳам, хурмо, зайтун ҳам,  
 Яна улуғлаб меҳнат, заҳматин,  
 Боғлар, экинзор, дала-ю дун ҳам?

Лек икки бора фаришта чалар;  
 Тушади ерга кукдан қалдироқ;  
 Шунда оғаси инидан қочар,  
 Кетади ўғил онадан йироқ.

\* «Абаса» сурасидан.

Ҳамма тенг, Худо олдидан утар,  
Қурқув, даҳшатдан юзлари бужур:  
Гуноҳ қилганлар чоҳ, ичра қулар.  
Олов ва тузон қаърида қолур.

#### IV

Сен билан қадимда, о, эгам,  
Баҳс этмоқни ўйлади ҳоқон\*,  
Ақли қосир, мағрур жуда ҳам;  
Аммо тийиб қўйдинг ўша он.  
Дединг: «Бергум оламга ҳаёт,  
Ва жазойим — албатта, мамот,  
Қўлим етар қайга узатсам».  
«Мен ҳам, дер у, нажот берурман,  
Ва жазолаб — жонин олурман:  
Мен сен билан, тенгдирман, эгам».  
Лек мақтанчоқ мот бўлганди, жим,  
Сенинг қаҳҳор сўзингдан бирдан:  
«Мен қуёшни Шарқдан кўтардим;  
Чиқариб кўр сен кунботардан!»

#### V

Замин собит; осмон гумбазин,  
Эгам, тутиб турарсан мудом,  
Ер-у сувга қуламас вазмин  
Бизни босиб, қилмайди яксон\*.

Олам узра ёқиб қўйдинг шамс,  
Ёритади ер-кўкни бирдай,

\* Подшоҳ Намруд ва Пайғамбар орасидаги суҳбатга ишора. (Тарж.)

\* Қолоқ физика; аммо қанақанги мардонавор поэзия.

Биз-чи аранг милтирармиз маст,  
Дур чироқдон ичида нурдай.

Эгамга сифининг; у кучли:  
Шамолларга ҳоким; оташ кун  
Кукка булут ёяди, қутли  
Дов-дарахтга беради салқин.

У раҳмдил: У Муҳаммадга  
Аён қилди мунаввар Қуръон,  
Нурга биз ҳам интилсак аҳд-ла,  
Очилади кўзлар бегумон.

## VI

Кирмадингиз тушимга бежиз:  
Тақирбошлар билан жанг борур,  
Қонли қилич кўтариб мағрур,  
Бўсағада, минорларда сиз.

Эргашингиз, қутлуғ даъватта,  
О, оташ чўл фарзандлари, сиз!  
Ёш чўрилар асир олингиз,  
Бўлинг уруш ўлжасин мардга!

Сиз ғолибсиз: сизга шараф-шон,  
Масхарага лойиқ қўрқоқлар!  
Жанговор жиҳоддан йироқлар  
Сирли тушга қилганлар гумон.

Ўлжаларга тикиб кўзларин,  
Энди бўлиб бенаф пушаймон  
Дерлар: қўшиб олинг бизларни;  
Сиз дегайсиз аммо: ҳеч қачон.

Хушбахт эрур шаҳид кетганлар:  
Энди жаннат боғида хуррам,  
Ҳузур-ҳаловатга етганлар,  
Аталурлар жаннати одам.

## VII

Тур, қалбада титроқ:  
Форинг ичра зар  
Муқаддас чироқ,  
Тонггача ёнар.  
Ибодат айлаб,  
Даф эт, Пайғамбар:  
Андух, уйлар-у  
Ёлғон тушларни!  
Тонггача дуо,  
Намозлар ўқи;  
Самовий китобни  
Тонггача ўқи!

## VIII

Виждон сотиб ночор йўқчилик замон  
Тежамкор қўл билан сочмагин эҳсон:  
Саҳийлик матлубдир чексиз самога.  
Сўроқ кун, далада мисоли булут,  
Ихлос билан сочгувчи уруғ!  
Берган биринг қайтар юз бор зиёда.

Аммо таъмагирилик қилиб топсанг мол,  
Қашшоқларга хасис бўлсанг, хомхаёл,  
Ҳасад билан очиқ тутмай қўлингни —  
Бил: сочган неъматинг бир ҳовуч чангдай,

Шаррос ёмғир тошни ювгандай,  
Тангри бeбарака этгай мўлингни.

## IX

Худога зорланди йўловчи\* ҳорғин:  
Ташналиқдан ёниб, утинди салқин.  
Саҳрода уч кеча-кундуз саргардон,  
Кўзни очирмади гармсел, тўзон,  
Умидсиз, ҳасратда чор тараф юрди  
Ва дарахт тагида бир қудуқ кўрди.

Ва чопди у саҳро дарахти томон,  
Ва ютоқиб ичди зилолдан чунон,  
Ёрилган лаб, кўзи сувга қонди-да,  
Чўзилиб вафодор эшак ёнида  
Ухлади — ва утди йиллар орада —  
Шундай аён бўлди Ҳақдан ирода.

Йўлчи уйғонар вақт етган ҳамоно:  
Турганда ғойибдан келди бир садо:  
«Узоқ ухладингми саҳрода қотиб?»  
У жавоб айлади: қуёш нур сочиб  
Тонгги само узра чиққанди кеча:  
Мен узоқ ухлабман — тонгдан тонггача.

Аммо, овоз:


«Йўлчи, чўзилди уйқунг;  
Қара: ёш ёнбошлаб, чол бўлиб турдинг;  
Дарахт чириб битди, муздай қудуқ ҳам  
Қуриб қолди, сувсиз саҳрода бу дам,

\* Узайр Пайғамбар ҳақидаги масалга ишора. (Тарж.)

Аллақачон қумнинг остида ётиб:  
Эшагинг суяги оқарди, қотиб.

Ғам-ғуссага ботди бир лаҳзада чол,  
Буздади, титради, бош эгди беҳол...  
Ва саҳрода содир бўлди муъжиза:  
Ўтмиши тирилиб қайтди ўзига;  
Яна боши узра дарахт салқини:  
Яна қудуқ ичра зилол ёлқини.

Ва туриб эшакнинг чирик суяги,  
Тани ҳам қопланди ва ҳанграр ҳанги;  
Ва йўлчи ҳис қилди қудрат, бахтини;  
Қонида жуш урган ёшлик шаҳдини;  
Кўкси тўлди қутлуғ ҳайратлар билан:  
Худо паноҳида йўл кетди илдам.



\* \* \*

Сен маъюссан ва жимсан: адо қилар сени ғам:  
 Покиза лабингдаги табассумингда алам.  
 Кўпдан тиккан каштангда нақш ва гуллар ҳаргиз  
 Кўринмайди. Жимгина хуш кўрасан сен ёлғиз  
 Ғам чекишни. О, ўзим билгичи қиз ғамларин;  
 Кўпдан менинг кўзларим ўқир  
қалбинг дафтарин.
 Ишқни яширолмайсан: биз севгандай, бегумон  
 Дилбар қизлар, сизга ҳам муҳаббат солур туғён.  
 Бахтиёр йигитчалар! Аммо ким улар аро  
 Чиройли-ю навқирон, кўзлари мовий само,  
 Сочи қора, жингалак?.. Қизардингми? Бўлдим дам,  
 Аммо билдим, биламан: агарда мен хоҳласам,  
 Исмини айтар эдим. Ўшами, доим кезар  
 Уйингнинг атрофида, дарчангта ташлаб назар?  
 Сен пинхона кутарсан. Келса, қочиб қоларсан  
 Ва изидан билдирмай аста назар соларсан.  
 Ажойиб май байрами айёмида ҳеч кимса,  
 Чиройли аравада чопа олмайди унча,  
 Ўсмирлар орасида у қадар эркин, чаққон  
 Бошқаролмас отини, тантиқ бўлса ҳам ёмон.



...

Уйланиш дардида шоҳнинг хабаш<sup>\*</sup>,  
Боёнлар ичида юрди кўп хабаш,  
Боён қизларини кўрди хўп хабаш.  
Хабаш келин топди, битирди ишни:  
Қора қарға топди сутдек оқ қушни.  
Хабаш-чи, қоп-қора кучукча ўзи,  
Хоним-чи, оқ кучук — боённинг қизи.

— — — — —


---

\* Пушкиннинг катта бобоси Ибрагим (Абрам Петрович) Ганнибал.

### Чақалокқа

Ҳаддим сифмас, болажон, сенга  
Оқ фотиҳа бермоққа алҳол.  
Нигоҳларинг, сокин руҳ ила  
Овуттувчи фаришта мисол.

Тулсин умринг кунлари нурга,  
Нигоҳингдай тиниқ, ушбу чоғ.  
Дунёда зур тақдирлар ичра,  
Булсин сенинг тақдиринг порлоқ.



**(Парчалар)**

\* \* \*

Кулиб қўйди йигит бепарво  
Она маслаҳатин эшитар асно...

\* \* \*

Худди тутқун мисол, Байрон мадҳ этган,  
Хурсинди, зиндонни тарк этар экан.

## 1825

## Ёқилган мактуб

Алвидо ишқ мактуби, алвидо! Амр этди ёр\*...  
 Ортга сурдим қанчалар, қилмадим ҳеч ихтиёр  
 Ўз қўлим билан борки қувончим ўтга отмоқ!...  
 Аммо, бас, вақти етди: севги хати ёнгил, оҳ,  
 Мен тайёрман; дардимга ҳеч нарса  
 бўлмас малҳам.  
 Юҳо олов саҳифанг ямлаётир ушбу дам...  
 Бир лаҳза!.. оловланди.. ловулар... енгил тутун  
 Ёниб борар илтижо, умидим билан бутун.  
 Аҳду вафо узуги оловга тушди, даҳшат,  
 Эриган сургуч қайнар сув мисол... О, башорат!  
 Содир бўлди! Қорайиб буралади қоғози;  
 Унинг енгил кулида битилган аҳд, дил рози  
 Оқарар... Кўксим сиқар. Бебаҳо кул, бўл рози,  
 Шўр қисматимнинг ожиз тасалиси дардимга,  
 Сен мангу қолажаксан менинг куйган бағримда...

---

\* *Воронцовадан (Одессадан)* келган узук билан муҳрланган хат таъсирида ёзилган. Воронцова Пушкинга тумор-узук совға қилган.

\* \* \*

Айтишдики бир гал шоҳга, ниҳоят,  
Риэго осилди, исёнчи сардор.  
Ялтоқ шошиб деди: «Хурсандман ғоят,  
Дунёда камайди яна бир ғаддор».  
Ҳаммаси ер чизиб қолди, ҳамма жим,  
Ҳаммани кулдирди бу кескин ҳукм.  
Фердинанд олдида Риэго осий,  
Розиман. Шу боис қўйдилар осиб.  
Одобданми, айтинг, қизишиб чандон  
Жаллод улса, бунга кулмоқлик хандон?  
Ҳукмдорнинг ўзи дўстликка — бундай  
Кулиб қўйгиси-да келмади шу дам:  
Ялтоқлар, ялтоқлар! Сақлангиз шундай  
Олижанобликни қабиҳ ишда ҳам.

— 2758 12/20

**Козловга**

*(Ундан «Роҳиб»ни олганим  
муносабати билан)*

Шоир! Куз олдингни тутганда,  
Ер юзини зулмат ютганда,  
Ўша лаҳза даҳонг уйғониб  
Неки ўтди, унга бўйлади,  
Нур шарпалар ичра тўлғониб  
Сеҳрли қўшиқлар куйлади.

Оғажон, қандайин оҳанг бу!  
Кузда ёш ҳис этдим барини:  
Самовий қўшиғи билан у  
Босди ернинг азобларини;  
Сенга янги яратди олам,  
Унда сен курарсан, учарсан,  
Яна жўшиб, яна қучарсан  
Сўнган ёшлик орзусини ҳам.

Мен-чи, битта сатрим, мабодо  
Сенга таскин берса бир нафас,  
Ўзга туҳфа асло керакмас —  
Бенаф бўлмас, зулмат йўл аро  
Ўтганим дунё даштидан ёлғиз;  
О, йўқ! Соз-у ҳаётни бежиз  
Тақдир менга этмаган ато!

## EX UNGUE LEONEM\*

Яқинда шеър билан шундай урдимки,  
Эълон қилган эдим имзосиз, бесас;  
Журнал ҳазилкаши танқид, кўрдимки,  
Ёзибди, исмини қўймай, ярамас.

Не бўлди? Мен ҳам, у ҳазилкашим ҳам  
Яшира олмадик буни, бир куни:  
Панжамдан таниди у мени бирдан,  
Қулоғидан таниб қолдим мен уни.



---

\* *Ex ungue leonem.* — Шерни панжасидан (танийдилар)  
(лот.).

### П.А. Осиповага\*

Балки, кўп қолмади менга ҳам  
 Қувфиннинг осуда кунлари,  
 Хўрсиниб хотирлаш, дилда ғам  
 Ва қишлоқ созига сокин дам  
 Бахш бўлажак қалбим унлари.

Аммо олис, ўзга юртда ҳам  
 Шунда бўлгай хаёлан кўнглим:  
 Тригорскни кезгум дам-бадам —  
 Ўтлоқ, дарё, қирларга ҳамдам,  
 Боғлар, жўка сояси сўлим.

Ёруғ куним топса интиҳо,  
 Бир қабрнинг қаъридан ногоҳ,  
 Қадрдон бу гўшага гоҳо  
 Келгай қўмсаб бир шарпа, танҳо  
 Гузаларга ташлай деб нигоҳ.




---

\* Прасковья Александровна Осипова (1781 – 1859) — Пушкиннинг яқин дўсти, Тригорскдаги мулк эгаси.



\* \* \*

Асра мени, менинг туморим\*  
Асра мени қувғин кунлари,  
Изтиробли, мискин кунлари:  
Сен андуҳли кундан ёдгорим.

Қукка сапчиб уммон ҳам, борим  
Наъра тортиб қуршаса тўфон,  
Булут билан қутурса бўрон, —  
Асра мени, менинг туморим.

Фурбатларда, юракда зорим,  
Дилгир дамлар уртаса бағир,  
Утли жангда босса хавотир,  
Асра мени, менинг туморим.

Илоҳий саробим, дил торим,  
Қалбимнинг сеҳрли ёғдуси...  
Ғойиб бўлди, алдаб туйғуси...  
Асра мени, менинг туморим.

Майли, дил ярасин, озорим  
Тирнамасин хотира, хаёл.  
Хайр, умид; орзу, ором ол;  
Асра мени, менинг туморим.

---

\* Воронцова совға қилган тумор.

\*\*\*

**...га.**

Соҳир лаҳза мудом ёдим нақшида:  
 Кўз олдимда сен бўлдинг пайдо,  
 Гўё оний туйғу этиб бахшида,  
 Соф гузаллик даҳоси гўё.

Чорасиз ғам-ғусса азоби аро,  
 Бенаф сурон, таҳлика они,  
 Келиб турди менга меҳрибон садо  
 Ва туш кўрдим гузал сиймони.

Йиллар кечди.

Жўшқин бўронли исён  
 Парчалади ўшал хаёлим.  
 Ва нозик сасингни унутдим, жонон  
 Ва самовий гузал жамолинг.

Сургунда, зимистон овлоқда танҳо  
 Чўзилдилар кунларим сассиз,  
 Илоҳсиз, илҳомсиз, ишқдан мосуво,  
 Кўз ёшисиз, ҳаётсиз, ҳиссиз.


Насиб, яна қалбим уйғонишида:  
 Мана, яна сен бўлдинг пайдо,  
 Гўё оний туйғу этиб бахшида,  
 Соф гузаллик даҳоси гўё.



\*\*\*

Сунгги гуллар ёқимли бирам  
Даланинг илк лоласидан ҳам.  
Улар маъюс уйларни, мискин  
Қалбимизда уйфотар жушқин.

Гоҳ шундай — айрилиқ-ку, бироқ,  
Ширин висолдан ҳам жушқинроқ.



**19 октябрь\***

Арғувон тўнини ташлади ўрмон,  
Хазон далаларни кумушлар аёз,  
Кундузлар ночордай кўринади боз,  
Гирдо-гирд тоғ узра бўлади ниҳон.  
Ҳувиллаган кулбам ўчоғи, ёнгил;  
Сен-чи, май, изғирин куздаги ҳамдам,  
Кўксимга сархушлик сурурин сунгил,  
Унутилар андух, бир дам бўлса ҳам.

Хафаман: ёнимда дўстим йўқ бирон,  
Айрилиқ дамлари бўлғувчи улфат,  
Чин дилдан қўлини сиқаркан, фақат  
Тиласам узоқ йил қувонч, бахт шодон.  
Мен ёлғиз ичаман; беҳуд хаёлим  
Ёнимга дўстларни чорлаган асно:  
Таниш қадамларнинг саси келмас, жим,  
Кўнгил суйганин ҳам кутмайди ҳатто.

Мен ёлғиз ичаман, Нева\* бўйида  
Мени эслаяпти дўстларим бутун...

---

\* 19 октябрь – 1811 йил 19 октябрда Царско селодаги Лицей Александр Пушкинга ўз эшиklarини биринчи марта очган. Ҳар йили 19 октябрда шу ерда битирувчиларнинг анъанавий учрашуви ўтказилган. 1825 йил кузида Пушкин Михайловск қишлоғида сургунда эди.

\* Нева — Россиядаги дарё, Санкт-Петербурдан оқиб ўтади.

Кўпчилик келганми базмга гулгун?  
 Яна ким кўринмас, тўрда, қуйида?  
 Ким гузал одатга қилмади вафо?  
 Қай бирингиз асир этди хира чўғ?  
 Дўстлар йўқловида кимдан йўқ садо?  
 Ким келмади? Кимлар орангизда йўқ?

Келмади у, сочи жингалак шоир,  
 Кўзидан ўт чақнар, хушсоз ёнбошда:  
 Гузал Италия чамбари бошда  
 Жимгина ухлар у, дўст қалам, ахир,  
 Рус мозори узра битмади битик  
 Бир неча сўзгина она тилида,  
 Бир замон оларди алқов, дил сўник,  
 Шимолнинг ўғлони, ғурбат йўлида.

Дўстлар даврасида кўрингил бизга,  
 Ўзга самоларга беором ошиқ?  
 Ё яна жанубга кетарсан жўшиб  
 Ё мангу муз ярим тунги денгизга?  
 Оқ йўл!.. Сен лицейнинг остонасидан  
 Ҳазиллаб кемага қадам босган он,  
 Денгизга туташган йўлинг ўшал дам,  
 О, тўфон, бўронга арзанда ўғлон!

Сақладинг, дарбадар қилса-да тақдир,  
 Болаликнинг гузал расму йўриғин:  
 Лицей эрмакларин, лицей шўхлиғин  
 Бўронли тўлқинда қўмсадинг, ахир:  
 Қўл чўзиб денгиздан бизларга бардам,  
 Ёш қалбингда асраб ёдимизни жим  
 Такрорладинг: «Бизни айрилиққа ҳам,  
 Балки, сирли қисмат этгандир ҳукм!»

Дўстларим, қанчалар соз иттифоқимиз  
У жондай ажралмас ва мангу, абад —  
Озод ва мустақкам, беғам, беписанд,  
Улғайган дўст созлар паноҳи боис.  
Қайларга отмасин бизни шум қисмат,  
Қайга амр этмасин бахтимиз, зотан,  
Биз ҳамон ўшамиз: бу дунё ғурбат;  
Царское Село бизларнинг Ватан.

Юртма-юрт изимдан пойлади хатар,  
Аччиқ қисмат чизган чигал йўлимда,  
Янги дўст кўксига, титроқ дилимда,  
Ҳориб, эрка бошим қўйсам мен, агар...  
Қайғули, беором этиб илтижо,  
Болаликнинг содда умиди билан  
Дўстларга кўнглимни очгандим, аммо;  
Ёвқараш қилдилар, ўртади алам.

Ҳозир бунда, унут бўлган ҳилватда,  
Қор бурон, муз саҳро ичида асли  
Менга буюргани ширин тасалли:  
Сизлардан учовлон, ошно, албатта,  
Шу ерда қучдим мен. О, сен Пушчиним\*  
Аввал келдинг қувғин шоир уйига;  
Шод қилдинг, қувдинг сен аламли куним,  
Уни айлантирдинг Лицей кунига.

Горчаков\*, бахтлисан болаликдан сен,  
Балли, сенга нимранг товланар омад,  
Озод қалбинга ҳеч қилмай хиёнат:  
Ҳамон ўшандайсан шонга, дўстга тенг.

---

\* *Пушчин* — Пушкиннинг лицейдош дўсти.

\* *Горчаков* — Пушкиннинг лицейдош дўсти.

Бизга тақдир амри турфа йул, имкон;  
 Ҳаётнинг бошидан айро тушдик тез:  
 Бироқ кесишганда йуллар ногаҳон,  
 Учрашдик, оғадай қучишдик шу кез.

Тақдирнинг ғазаби уртаб қалбимни,  
 Ҳаммага бегона, етим, ломакон,  
 Ҳорфин ва бошимни эганда бўрон,  
 Кутгандим, пермеслик қизлар фолбини —  
 Сен келдинг, завқи жуш урган-эй уғлон —  
 Делвигим: сўзингдан уйфонганда дил,  
 Дил чўфин босганди ғафлат кўп замон,  
 Тақдирга шукрона келтирдим дадил.

Болалиқдан ёққан бизни шеър руҳи,  
 Ва ҳайрат тугёнин туйдик юракдан;  
 Ушанда икки соз тушди фалақдан,  
 Тақдирга бол инди улар шукуҳи:  
 Мени асир этди қарсақлар, аммо,  
 Сен илҳом, қалб учун куйладинг мағрур;  
 Созимга умримдай бўлдим бепарво,  
 Сен жимликда ақлинг пешладинг чуқур.

Илҳом хизматида ташвиш — бедодлик;  
 Гузаллик улуғвор бўлмоғи даркор:  
 Аммо бизни ёшлик алдайди, маккор  
 Ва ҳавойи орзу бағишлар шодлик...  
 Ақлинг кирганида — кечдир! Умидсиз  
 Орқага боқармиз, кўринмас из ҳам.  
 Айт, Вильгелм\*, шундай бўлмадикми биз,  
 Менинг создош оғам, тақдирдош оғам?

\* *Вильгелм Карлович Кюхельбекер* (1797–1846) — рус шоири, декабрист. Пушкиннинг лицейдош дўсти.



Фурсати! Биз чеккан аламга, бироқ,  
Бу дунё арзимас; хатони ташланг!  
Бирлик паноҳида ҳаётни асранг!  
Кел, кечиккан дўстим, кутарман муштоқ —  
Кел; сеҳрли суҳбат отабини ёқ,  
Хотирани уйғот ёдим лавҳида;  
Жўшқин Кавказ даврин сўйлайлик чақноқ,  
Шиллер\*, ҳақда, шараф, севги ҳақида.

Мен ҳам қайтай... дўстлар, қилингиз базм!  
Дил сезар висолнинг ҳаловатини;  
Ёдда тутинг шоир башоратини:  
Йил утар, сиз билан яна мен ўзим,  
Ниятим ижобат бўлгайдир шитоб;  
Йил утар, келаман, бузилмас аҳдлар!  
О, қанча куз ёшлар ва қанча хитоб,  
Кўкка кутарилгай қанча қадаҳлар!

Биринчисин қуйинг, дўстлар, лиммо-лим!  
Бирлигимиз учун тубгача, токи!  
Дуо қил ҳушчақчақ илҳом илоҳи,  
Тилагил: бизларнинг Лицей яшасин!  
Устозларга — ниҳол боғбонларига,  
Барига, марҳум-у тириклар учун,  
Миннатдор қадаҳни олайлик бирга,  
Аламни унутиб, тилаклар учун.

Лиммо-лим тўлдилинг! Юрак аланга,  
Оқ уринг, тубида қолмасин томчи!  
Ким учун? О, дўстлар, қани, эй топ-чи...  
Яшасин шоҳимиз! Шоҳга! Олинг-а.

---

\* Шиллер, Иоганн Кристоф Фридрих фон Шиллер (1759–1805) — олмон шоири, файласуфи.

У одам! Тобедир замонга ҳар дам,  
У миш-мишу ғийбат қули бўп қолган;  
Кечирайлик, ноҳақ қувғин қилса ҳам:  
У Лицейни очган, Парижни олган!

Уйнаб-кулинг, бунда эканмиз ҳамон!  
Афсус, даврамиз ҳам сийрак тобора;  
Ким қабрда, кимлар олис, бечора,  
Тақдир-да, сўнармиз; кунлар чопагон;  
Қад эгилиб аста, тафтимиз кетиб,  
Ибтидомиз сари борармиз яқин...  
Кексайганда Лицей кунига етиб,  
Ёлғиз нишонловчи орамиздан ким?

Бахтсиз дўстим! Янги авлодлар аро  
Жонга теккан меҳмон, ортиқ, бегона,  
Бизни, бирлик кунин ёдлар ягона  
Титроқ қули билан кўз юмган асно...  
Майли, у қувониб, майлига ғамгин  
У кунни май ичиб ўтказар танҳо,  
Ҳозир мендай зоҳид, сизларнинг қувғин,  
Мана, ўтказдим-ку беғам, бенаво.



## Ҳаракат

Ҳаракат йўқ, — деди серсоқол доно\*.  
Бошқаси жим, унинг олдида юрар,  
Кетар, бундан ортиқ инкор йўқ, билар;  
Олқишлашди тағдор жавобни аммо.

Лекин, жаноблар, бу ғалат аломат  
Ўзга бир ибратни ёдга солади:  
Ахир ҳар кун қуёш ўтиб қолади,  
Бироқ ҳақдир ўжар Галилей\* фақат.

- 83-86 ўқув -

---

\* *Шеър қадимги антик тарихга* (милоддан аввалги V аср) оид Элейлик Зенон (оқсоқол доно) ва Антисфен (бошқаси жим, юра бошлади) ўртасида бўлиб ўтган мунозара ҳақидаги латифага асосланган.

\* *Галилео Галилей (1564–1642)* италян олими. Астроном сифатида катта кашфиётлар қилган.

### Булбул ва какку

Ўрмонда, бекорчи бир тунда,  
Турфа баҳор куйчиси унда  
Гулдирар, чуғурлар, ку-кулар;  
Аммо битта беуқув какку,  
Ўзбошимча, сафсатабоз у,  
Такрор-такрор фақат ку-кулар,  
Шундай қайтар акс садоси ҳам.  
Ёш сановчи ку-куларингдан!  
Қочиб бўлмас. Асрагил, эгам,  
Ғам-қайғули ку-куларингдан!

### Дўстлик

Дўстлик нима? Сархуш бошнинг оғриғи  
Бетакалуф гап-сўзларнинг озори,  
Шухратпараст манманликнинг тортиғи  
Ёки иснод ҳомийлиги, бозори.

\* \* \*

Бари сенинг\* ёдингга қурбон:  
Жушқин лирам нолалари ҳам,  
Йиғлаган қиз жолалари ҳам,  
Ҳам рашким титроғи, беомон,  
Ҳам шаън нури, ҳам зулмат қувғин,  
Гўзал хаёл ёғдулари ҳам,  
Қасос, жушқин орзулари ҳам  
Аёв билмас бу азоб дардин.

---

\* Е.К. Воронцовага бағишланган.

### Қиш оқшоми

Бурон кўкка губор сочар,  
     Қор қуюни чархпалак;  
 Дам йиртқичдай увлаб қочар,  
     Дам йиғлар худди гудак,  
 Дам эски том бўйлаб бирдан  
     Похол сочади, шовқин,  
 Дам, йўлчидай, кечга қолган,  
     Ойнамиз қоқар бетин.

Бизнинг эски кулба ҳозир  
     Ҳам қоронғу, ҳам ғамгин.  
 Нима бўлди, сенга кампир,  
     Дарчага боқасан жим?  
 Ёки бурон увлашидан  
     Чарчадингми, азизим,  
 Ёки урчуқ гувлашидан  
     Мудраб қолдингми бир зум?


Кел, ичайлик, кел, азизам,  
     Шўрлик ёшлигим учун,  
 Қани қадах? Куп ҳасрат, ғам,  
     Кўнгил қувончга тўлсин.  
 Куйла, қандай ювош читтак  
     Яшар денгиздан нари;  
 Куйла менга, тонгда малак  
     Чиққанин сув олгани.

Бурон кукка ғубор сочар,  
    Қор қуюни чархпалак;  
Дам, йиртқичдай улаб қочар,  
    Дам йиғлар худди гүдак.  
Кел, ичайлик, азиз дўстим,  
    Шўрлик ёшлигим учун,  
Қани қадах? Кўп хасратим,  
    Кўнгил қувончга тўлсин.



\* \* \*

Қонда ёнар ишқнинг гулхани,  
Сен туфайли қалбимда титроқ,  
Бўса олгин: мен учун таъми  
Асалу шаробдан тотлироқ.  
Куксимга бош қўяқол, маъюс,  
Майли, ўлай шу ҳаловатда,  
Сўнар экан қувончли кундуз,  
Тун сояси тушар одатда.





## Бўрон

Кўрдингми қояда малакни,  
Оқ либосли, пойида тўлқин  
Қутурганча тўсиб фалакни,  
Соҳил билан уйнашар жушқин,  
Чақмоқ чақиб порлаган маҳал  
Қизни чулғар қирмизи нурга,  
Шамол юлқир ва учади ял  
Либосига қўшилиб бирга?  
Бўрон ичра чиройли денгиз,  
Мовиймас-ку, барқ урар бироқ;  
Аммо инон: қоядаги қиз  
Тўлқин, бўрон, осмондан порлоқ.

\* \* \*

Аҳвол қалай, оғайничалиш?  
Шаккок каби рангинг оқармиш,  
Хурпайибди сочинг ҳам, тикка!  
Ё қиз билан чиқиб бир чекка,  
Тутилдингми девордан нари,  
Шунда сени ўғри сингари,  
Қувишдими қоровуллари?  
Ё қўрқдингми оч арвоҳлардан,  
Ёки оғир, чўнг гуноҳлардан,  
Илҳом дардин чекармисан сен,  
Ҳали шеър ҳам битармисан сен?



### Португалчадан

Зухро нури сочилди,  
Гуллар яшнаб очилди.  
Бизда, бундай чоғларда,  
Дўстга дўст дил боғларди.

Тивит кўрпа ўринда,  
Уйфонган қиз қўлида  
Артар хумор кўзини,  
Тунги хаёл изини.

Пайдо булар шу онда,  
Эшик, дарча томонда,  
Зухродан кўра порлоқ,  
Саҳар гулидан покроқ.

Кўрарман ёлғиз уни,  
Айланиб ўтди мени,  
Таралди тонг сабоси,  
Дилимда эрк навоси.

Қишлоқнинг қўйлари кўп  
Аммо менинг қўйим хўп,  
Суйган қўйим зиёда,  
Ҳайдаб бордим дарёга.

Соя-салқин қирғоқда,  
Ям-яшил, кенг ўтлоқда;

Эркалатдим, сув бердим,  
Олдига гуллар тердим.


Узоқдан ёнимга қиз  
Яқинлашди жим, сассиз,  
Қарши олдим санамни,  
Янгротиб гитарамни:

«Жон қизлар, менинг бахтим,  
Йўқ! Улардан авло ким!  
Ким бас келар ойдинда  
Бахтиёрликда менга?»

Ҳавас қилмам шоҳларга,  
Ҳавас йўқ илоҳларга,  
Хумор кўзни истар дил,  
Нозик қад, қора кокил».

Унга шундай куйладим,  
Аmmo менинг гўзалим  
Қушиқни севди ортиқ,  
Бахтимни этмай тортиқ.

Гўзалим қайда, ахир!  
Ёлғиз уртайман бағир —  
Қушиқлар ўрнин олди  
Дардли оҳ, жола қолди.



\* \* \*

Ой ялтирар, денгиз ором олар, жим,  
Ҳасаннинг муҳташам боғи осуда.  
Аммо дарахтзорда утирибди ким,  
Ғамгин фавворанинг мраммртошида?  
Кекса посбон, ҳарам оғаси хабаш,  
Ёнида ёш надим, иккита дардаш.

«Мизрур\*, ғамга тулибди қалбинг,  
Мендан уни тутмассан пинҳон.  
Ғамгин нигоҳ, ғазабнок дардинг,  
Сенинг ваҳший уйинг беомон,  
Менга ошкор этди борини.  
Биладирман — аҳволинг оғир.  
Айт, андуҳинг гуноҳкорини?  
Уғлим, чолга қулоқ сол, ахир».

---

\* *Мизрур* — «Минг бир кеча» қаҳрамонларидан бири.





## 4

**Мақолнинг ҳикмати**

Кулбани ғира-шира ёритарди битта шам;  
 Яна бирин ёқдилар — ёруғ бўлди чунонам.  
 Эскидан қолган матал ҳақиқати шундадир:  
 Бир калла яхши, аммо иккитаси яна ҳам.

## 5

**Қасоскорлик**

Асалари айиқнинг манглайига ниш урадир,  
 Мумкатагини бузган зўравондан қасд олди;  
 Хулоса не? Нишидан айрилиб, ўзи ўлди  
 Қасоскорман деганнинг жойи қай? Гўрдадир.

## 6

**Қудрат**

«Билиб қўй, шавкатли шер,  
   ғала-ғовур оқибат, —  
 Дейди фил, — халқда исён!  
   Ҳар ёнда фитна, шовқин!»  
 «Босилади, — деди шер, —  
   ёлимни силккан фурсат!»  
 Хавф-хатар чўт эмас қудратли хоқон учун.

## 7

**Куч билан кучсизлик**

Бургут лочинни олар, лочин фозга ташланар;  
 Чўртанбалиқлар учун очофат тимсоҳ офат;  
 Йўлбарс ғажир бўрини,  
   сичқон мошдан ғашланар.  
 Ҳар доим кучсизлардан устун келади қудрат!



## 8

**Оққуш билан ғоз**

Масхара қилай деб, бир кун ғоз тентак  
Оққушни балчиққа булагани чоқ;  
Оққуш чумилди-да, яна бўлди оқ.  
Булғанган не қилар?...

Ювиниш керак.

## 9

**Маймунча**

Маймунча болалиқдан сакрашни севар, қара,  
Қартайган чоғида ҳам чамбаракка отилди;  
Оқибати не бўлди? — йиқилиб, оёқ синди.  
Шоир!

Қартайганда ўзингни асра!

## 10

**Ўхшаш қисмат**

Чиройли бўтакуз унди бир замон,  
Баҳорда кўкарди, ёзда очди гул,  
Ниҳоят, кеч кузда у бўлди ҳазон.  
Қисматнинг битиги шу!

## 11

**Безиён жанжал**

Кўппаклар талашиб қолишди суяк,  
Аммо, ортларига қайрилдилар жим,  
Уя-уясига тарқалдилар жим.  
Талашсиз жанжал ҳам буларкан, демак.

## 12

**Табиат қонуни**

Бинафша ҳаволарга ифорини таратар,  
Бури эса очофат, элнинг подасин қирар,  
У қонхур эди-да, бинафша дилга ёқар:  
Ҳар ким экканин урар.

## 1826

## Вяземскийга

Денгиз шундай, қадимги қонхўр,  
Наҳот сенга бахш этар илҳом?  
Олтин лиранг шарафлар мудом  
У Нептунни, паншахаси зўр.

Шарафлама. Разил замонда  
Ер билан дўст қария Нептун.  
Инсон ўзи бу ғалаёнда —  
Ё ҳоким, ё сотқин, ё тутқун.

## Эътироф

*Александра Ивановна Осиповага*

Сизни севдим, вужудим ёна,  
Гарчи офир, наф бермас уят,  
Шундай бахтиқора, девона  
Тиз чукиб, дил ёрай, ниҳоят!  
Ярашмас ё унутиб бўлмас.  
Келган ақлим йиғмоқ фурсати!  
Лекин сездим аломатин, бас,  
Юрагимда муҳаббат дарди:  
Сизсиз дил хун, — девонамисол;  
Ёнингизда маъюсман — сабр;  
Журъатим йуқ, айтмоққа алҳол  
Фариштам, мен севаман, ахир!  
Эшитсам гар меҳмонхонадан  
Енгил қадам ё либос сасин,  
Ёки маъсум сўзингиз, шул дам  
Телба бўлиб, буйсунмас ақлим.  
Жилмайсангиз — дилга тасалли;  
Юз бурсангиз — беадад фироқ;  
Бир кунлик азобга — тухфангиз  
Нозиккина қўлингиз ўпмоқ.  
Кашта тикиб ёнимда гоҳо  
Ўлтирсангиз бош эгиб барно,  
Нигоҳингиз, сочингиз ташлаб,  
Мен меҳр-ла, жим, нафис, аммо  
Бир боладай севгум, дил яшнаб!...

Айтсаммикан бахтсизлигимни,  
Юрагимда рашк-у аламлар,  
Ёмғирларда очсам қалбимни,  
Сиз олисга чоғланган дамлар?  
Ёки ёлғиз тўкканда жола,  
Ё хилватда суҳбат чоғи соз,  
Ё Опочка сафари, йўлда,  
Ёки оқшом сиз чалганда соз?  
Алина! Раҳм этинг ҳолимга  
Журъатим йўқ севинг, демоққа,  
Балки гуноҳ тўлган қалбимга,  
Арзимаيمان мен севилмоққа!  
Лек юз бурманг! Мана шу нигоҳ  
Барин ажиб этолур изҳор!  
Мени адаш қийинмас, эвоҳ!..  
Алданмоқдан ўзим бахтиёр!

## Пайғамбар

Руҳан ташна,  
азоб, ташвишда  
Сарсон эдим зулмат саҳрода —  
Олтига қанотли фаришта  
Аён бўлди чорсу, арода.  
Қўли енгил, мисли ёруғ туш  
Кўзларимга тегиб ўтди хуш:  
Кароматли кўз очдим, тийрак,  
Бир полопон бургутдай ҳуркак.  
Қулоғимга теккан ўшал чоқ  
Оҳанг туйдим, шовқин овозин:  
Ва ҳис этдим самовий титроқ,  
Ва тоғдаги ҳурлар парвозин,  
Ҳам сув ости мавжудотини.  
Ҳам дунёнинг набототини.  
Ва у тегди лабимга, билдим,  
Суғурганин гуноҳкор тилим,  
Шу вайсақи, шу сўзлар ёлғон,  
Ва найзадай, донишманда илон  
Тилин сездим карахт оғзимда,  
Қонли қўли солди бир зумда.  
Сўнг қилични кўксимга урди,  
Титраган юрагим суғурди,  
Кўмир солди, ёнарди лов-лов,  
Ёриқ турган кўксимга дарров.  
Мурда мисол ётардим, саҳро  
Ва тангридан келди бир садо:


«Тур, Пайғамбар, қара, ёдда тут,  
Амрим бажар:

борки, инсондир,  
Ер-сувни кез, чорла, ташла ут,  
Юракларни сўз билан ёндир».

**Ф.Т. га жавоб**

Йўқ, йўқ,  
черкес қизимас, шаксиз  
Гуржи водийсига, чоғидан.  
Тушмаганди бунча гўзал қиз,  
Ваҳимали Казбек\* тоғидан.

Йўқ, унинг кузида ақиқмас  
Лекин Шарқнинг хазиналари,  
Арзимайди, чақнаса бирпас  
Бу кўзларга, чошгоҳ дамлари...



\* Казбек — Кавказдаги тоғ.



### Қиш йули

Чунг тұлқинли туманлараро  
Нурланиб қамар утар,  
Ғамгин дала узра шу асно  
Паришон ёғду тўкар.

Зерикарли, қиш йули\* буйлаб,  
Учта бедов от елар.  
Қунғироқча бирдек жаранглаб,  
Дилгир оҳанглар келар.

Қулоғимга ёқар қадрдон,  
Ёмчининг хиргойиси:  
Гоҳи мардлар базми-ю, жонон  
Гоҳ дилда ҳижрон ҳисси...

На гулхан бор, на бирон кулба...  
Оvloқ ва қор... қаршилар —  
Олабайроқ кўрсаткич йўлда,  
Йулиқар фақат шулар...

Зерикарли... Эртага, Нина  
Эрта қайтиб қошингга,  
Исиниб унутгум, жимгина,  
Боқиб юз — қуёшингга.

---

\* 1826 йил декабрь ойининг иккинчи ярмида Псковдан Москвага қайтиш таассуротларига бағишланган. Нина — номаълум қиз.

Чиққиллайди соат миллари  
Айланар йули бутун,  
Зерикарли кун ўтгач ҳали,  
Айиролмас бизни тун.

Андух, Нина: безор бўлди дил,  
Ёмчи мудрар, йўқ саси,  
Қўнғироқча жаранги бир хил,  
Туманда ой орази.

**Энагамга\***

Машаққатли кунимда ошно,  
Мункиллаган азизим ўзинг!  
Қарағайзор хилватда танҳо  
Купдан менга интизор кўзинг.  
Меҳмонхонанг дарчасида жим  
Куярсан, ғам қалбинг тирнайди,  
Секинлайди каштангдаги сим,  
Буришган қўлларинг титрайди.  
Унут бўлган эшикка хомуш  
Боқарсан қорайган йўлимга:  
Соғинч, укинч, хавотир, ташвиш  
Дам сайин йиғилар дилингда.  
Гоҳ сенга туюлар...

---

\* Энага – Пушкиннинг энагаси Арина Родионовна, деҳқон аёл. Халқ қўшиқларини, ижодини яхши билган.

## 1820–1826

\* \* \*

У ёқда, қутлуғ урмон мудрар қирғоқда,  
Такрорладим сенинг исмингни;  
У ёқда, тез-тез ёлғиз кезганим чоқда,  
Олисларга боқдим... кутдим васлингни.

\* \* \*

Омадингиз келмади ҳаргиз,  
Юришмади сира бахтингиз:  
Қолаверса, гузал эмассиз,  
Ақлли ҳам бўлолмадингиз.

1827

**Булбул ва атиргул**

Баҳор, намозшомда, сокин боғ ичра,  
Шарқ булбули куйлар атиргул узра.  
Аммо гул билмайди, парво қилмайди,  
Ошиқ дил розидан масту, мудрайди.

Куйлармисан ҳиссиз чиройга шундай?  
Эсинг йиғ, о шоир, ниятинг қандай?  
У тингламас, туймас шоирни ҳаргиз;  
Қарайсан, гул яшнар;  
чорлайсан — сассиз.



**Ек.Н. Ушаковага**

Қадим замонларда мабодо  
Куринса гар арвоҳ, руҳми ё,  
Даф этарди уларни гўё  
Оддийгина мана шу дуо:  
«Омин, омин, даф бўл!».  
Бизнинг шу кунлар  
Шайтон, жин камнамо, кўринмас доим;  
(Худо билар, қайга гум бўлди улар!).  
Сен, менинг ёвуз ё эзгу даҳоим,  
Қаршимда ўзингни англасам —  
Жамолинг, зар сочинг, мовий кўзларинг  
Сенинг овозингни тингласам,  
Ҳушчақчақ ва жушқин сўзларинг —  
Маҳлиёман, ёнади кўнгил,  
Жисму жоним тутади титроқ,  
Ва юракда ўтли иштиёқ,  
Дейман: «Омин, омин, даф бўлгил!».

### Арион\*

Қайиқда кўпчилик эдик биз;  
Елкан тортар эди кимлардир,  
Бошқалар зўр беришиб, аҳил  
Чуқур эшкак эшар. Жимликда сассиз  
Чамбарга эгилиб доно дарғамиз  
Бошлар оғир қайиқни сокин;  
Мен-чи — беғам, ишонч-ла, секин  
Куйлардим уларга... ногоҳ зўр тўлқин  
Бағридаги гирдоб босди барчамиз...  
Ўлди дарға билан сузувчи!..  
Фақат ўзим, мен, сирли куйчи,  
Қирғоқ сари отганда тўфон,  
Ўша мадҳни куйлардим ҳамон,  
Хўл ридомни яхшилаб чайиб,  
Қоянинг тагида, офтобга ёйиб.

---

\* Арион — Арион ҳақидаги қадимги юнон афсонаси асосида ёзилган.

## Фаришта

Жаннат эшигидан Фаришта\* майин  
Бош эгиб, нурланиб аста ўтарди,  
Ғаддор Иблис бўлса, исёнкор, хоин  
Жаҳаннамнинг қаъри узра учарди.

Инкор руҳи, шубҳа, гумон шарпаси  
Соф, покиза руҳга нигоҳин қадар.  
Шунда жаҳаннамнинг оташ лаҳчаси,  
Илк бора борлигин ғашлайди, англар.

«Кечир, — дер у, — сени мен кўрган эдим,  
Айтмаган экансан бежиз, бегумон:  
Самода ҳаммадан нафратланмадим,  
Дунёда ҳаммадан қилмадим гумон».

---

\* Мазмунан «Демон» шеъри билан боғланган.



\* \* \*

Қандай кеча! Совуқ қаҳратон,  
Ҳаво очиқ, булутсиз осмон;  
Нақшин ҳарир мисоли гумбаз  
Турфа рангин юлдузлар сочиқ.  
Уйлар зулмат. Эшиклар бесас  
Темир қулф — қўрғонлар ёпиқ.  
Эл тинчиган, сокин бу нафас;  
Тинган шовқин, расталар, бари;  
Фақат ҳурар уй посбонлари  
Занжирлари жаранглар жуда.

Бутун Москов сокин уйқуда...  
Қўрқув ваҳимасин унутиб.  
Тунпардада майдоннинг юзи  
Кечаги қатл азобин ютиб.  
Атроф тўла қийноқлар изи:  
Қайда мурда, ташланган чопиб,  
Қайда дор, паншаха; дошқозон,  
Совуб қолган лиқ тўла қатрон;  
Кунда эса, тўнтариқ қолиб;  
Темир тишлар тиккайган пастда,  
Кулда қолган тўш суяк тутар,  
Қотиб қолган ўликлар аста  
Серраяр ва қорайиб турар...  
Ҳар тарафга сачраб оққан қон  
Қизартирган оппоқ қорни ҳам,  
Таралганди ингроқ ҳар томон,

Худди тушдай, ажал беомон  
Ўлжасига чангал солган дам.  
Нарида ким? Кимнинг оти жон  
Чекиб изғир дўзах қаърида?  
Ким чақирар, сўзлар ким пинхон,  
Овоз келар туннинг бағридан?  
Ким ўзи у? — Жангари ботир.  
Шошар, елар учрашувга у,  
Юрагида тошиқар туйғу.  
Хитоб этар: «Тулпорим, ҳозир,  
Вафодорим! Ўқдай, бўл хозир!  
Тезроқ, тезроқ!..» Аммо туриқ от  
Бежо силтар туқилган ёлин.  
Устунларни оралар, ҳайхот,  
Осиқ эман харида секин  
Тебранади мурда. Чавандоз  
Остидан от елмоққа шай боз.  
Аммо, бедов қамчини кутар,  
Пишқирар ва яна чекинар  
Ортга. «Қайга? Эй, учқур отим!  
Нега қўрқдинг? Нега бўлдинг жим?  
Чопгандик-ку кеча бу ерда,  
Ғазаб билан топтадик ерга,  
Қасос ўти ёниб, барини —  
Шоҳнинг ёвуз хоинларини?  
Улар қони ювган эди-ку  
Пулат туёғингни гўё сув!  
Танимадинг уларни, наҳот?  
Учқур отим, эй бедов, қайсар,  
Ел, уч!..». Шунда ҳориб кетган от  
Мурда осиқ устунга сакрар.

**Екатерина Николаевна Карамзинага  
акафист\***

Етиб келиб ерга ниҳоят,  
Бўронлардан асраб шарпалар.  
Маликага денгизчи ғоят  
Таъзим билан тухфасин тутар.  
Меҳрим шундай бахшида, жушар  
Оддий, сўлган гултожим сизга,  
Сизга, юксақдаги офтобга —  
Само сукути ичра жим сизга,  
Меҳр нурин сочган шу тобда  
Ихлос тўла кўзларимизга.

---

\* *Акафист* — бирон муқаддас воқеа муносабати билан айтилган мадҳ.

\*\*\*

Зарафшон Венеция салтанатига яқин\*,  
 Тунги эшкакчи танҳо, бошқараркан қайиғин,  
 Веспернинг ёғдусида денгизни бўйлаб сузар,  
 Ринальдо, Годфред ва Эрминни куйлаб сузар.  
 У севар қўшиғини, дилхуш куйлар бу нафас,  
 Шон-шарафга интилмас; юлдузларни кўзламас,  
 Қўрқмас, нажот тиламас,

сокин куйлар мавжида,  
 Билади ўз йўлини, тубсиз тўлқин авжида.  
 Ҳаётнинг денгизида, тўфонлари бешафқат  
 Гира-шира туманда сузар елканим фақат,  
 У каби акс садосиз таскин топиб куйлайман,  
 Ва дилимда шеърларни яхши кўриб ўйлайман.

— — — — —

---

\* Пушкиннинг ёзишича, бу шеър француз шоири Андре Шеньенинг эълон қилинмаган асари таржимасидир. Ринальдо, Годфред, Эрминия... — *Торквато Тассо (1544–1595)* нинг «Қуддуснинг халос этилиши» асари қаҳрамонлари.

\* \* \*

Жуда ҳавас қилгулик боён сайисхонаси\*:  
Озода, хизмат бисёр, тулпорлар кошонаси;  
Марҳаматли тулпорлар ҳаммасидан миннатдор:  
Назорат, парваришдан —

ҳар отга бир булма бор.

Дубёғочдан қилинган булмада жабдуқ, эгар,  
Бедов отлар ялтирар, мисли самога учар.  
Отхонада фақат бир безовталиқ бор андақ —  
Ажина оралабди бу ерларга, ё фалақ.  
Ярим тунда отхона сари сассиз келади,  
Боённинг отларини парвариш ҳам қилади,  
Ёлини майда-майда қилиб ўриб қўяди  
Думларини авайлаб, ихчам туғиб қўяди.  
Аммо қорабайирни кўзи йўқдир кўргани.  
Оқшом ёғду сочганда отларга сув бергани  
Айланиб чиққайман мен боённинг отхонасин  
Шунда кўриб ўтаман қора тулпор хонасин —  
Тулпор турар жойида, беташвиш ва хотиржам.  
Аммо тонгда, саҳарлаб тулпорга кўз ташласам,  
Безовта жонивор-эй, чангга ботган, терлаган  
Қонли кўпик томади тумшуғидан, шўрлаган.  
Тун бўйи чоптирибди гўё уни ажина  
Тоғу тошда, ўрмонзор, ботқоқликда жимгина,

---

\* Бу эртак мавзуси Пушкин томонидан деҳқон шоир Федор Никифорович Слепушкинга (1763—1848) ҳам тақдим этилган.

Ярим тундан то саҳар, ҳаттоки тонг отгунча —  
Токи ой ҳам ботгунча .....


Эҳ, сен қари отбоқар, эсини еб қўйган чол.  
Билмайсанми қадимги бу топишмоқ, бу не ҳол?  
Гузал қизни севибди отбоқаринг, навқирон —  
Ишқибоз ёш синчи бу, бебош йигит, бегумон,  
У тунда отхонани тозалар, отга боқар,  
Ҳеч кимсага билдирмай, шу бедовни эгарлар,  
Аста олиб чиқади дарвозадан нарига,  
Асов отга ўтириб, шамол каби еларлар,  
Гузал қиз ҳузурига, меҳмон бўлиб парига.

— Ҳади Қўли —

**19 октябрь, 1827**

Эй, дўстларим, худо ёр бўлсин,  
Тирикчилик, шоҳ хизматида,  
Ҳам шўх улфат зиёфатида,  
Ҳам севгида, сирли ва ширин!

Эй, дўстларим, худо ёр бўлсин,  
Ҳам бўронда, турмуш ғамида,  
Ўзга юртда, денгиз комида,  
Ҳамда тупроқ зулматида жим!



## Тумор

Денгиз мангу ювар ёқларда  
Бум-буш тақир қоя қирини,  
Ой меҳрли сочган чоғларда,  
Тотли оқшом пайти нурини,  
Ҳарамларда ҳаловат ичра  
Яшайди мусурмон бахтиёр,  
Уша ёқда, менга соҳира,  
Эркалатиб, тутқазди тумор.

Эркаланиб деди, меҳрли:  
«Асраб юргин туморим албат:  
Унда ботин қудрат — сеҳрли!  
Сенга тухфа этгай муҳаббат.  
Дард-оғриқдан, бевақт ўлимдан,  
Бўронда ҳам, чанг солса тўфон,  
Бошгинангни, азизим, зимдан  
Туморим асрамас ҳеч қачон.

Ва Шарқнинг бор дур-зарларини  
Сенга тухфа қилмагайдир ҳеч,  
Пайғамбарнинг умматларини  
Сен тарафга бурмагайдир ҳеч,  
Дўстлар ҳамдам бўлмас дардингга,  
Чексанг ўзга юртларда озор  
Ва жанубдан шимол юртингга  
Йўлинг очмас бебаҳо тумор...



Аммо маккор кўз ногаҳонда  
Этганида қалбингни асир,  
Ёки лаблар тун, зимистонда  
Бўса олса севгисиз, тахир —  
Азизим! Бу жиноятлардан,  
Қалбга солмай янги жароҳат,  
Унутишдан, хиёнатлардан  
Асрагайдир туморим абад!»



\* \* \*

Баҳор, баҳор — муҳаббат фасли,  
Қандай офир сен келганинда,  
Интизорлик уйғонар асти  
Қалбгинамда, қону танимда...  
Юрагимни тарк этар ором...  
Ҳар не шодлик, ёлқин — жонимга  
Уйғотгуси дилгирлик, ҳижрон.

-----  
Менга беринг изғирин, бўрон,  
Аёзли узун тун, зимистон.

\* \* \*

\* \* \*

Бир ўлка\* бор: соҳил томонда  
Хилватларда денгиз чайқалар;  
Қор ташлайди гоҳ, онда-сонда,  
Соф самода қуёш ярқирар  
Қовжироқ ўт-ўлан ҳар ёнда;  
Дарахтлар йўқ — тап-тақир саҳро  
Денгиз узра ёйилган танҳо.

\* \* \*

---

\* Одесса табиати манзаралари.

## 1828

## Дўстларимга

Мадродҳмасман, йўқ, шох шаънига\*  
 Тизсам холис олқишларимни:  
 Кунглим очиб дангал барига,  
 Айтсам қалбим ёнишларини.

Шунчаки хуш кўраман: бизни  
 Бошқаряпти тийрак ва ҳалол;  
 У уйғотди туйқусдан Русни\*,  
 Уруш, умид\*, меҳнат-ла алҳол.

У, гарчи ёш, қони кўпирар,  
 Шафқатсизмас, ҳукмдор руҳан;  
 Кимни ошкор жазолар, кўрар,  
 Яхшиликлар қилади зимдан.

Сургунларда ўтди умр йўлим:  
 Айрилиқда ёр-дўстан, ёна,

---

\* Пушкин 1826–1827 йилларда Москвага қайтганда «Станслар»ини эълон этгани учун тўхматларга дучор бўлади. Унга жавобан ушбу шеър ёзилган.

\* У Русни уйғотди — афтидан Миср билан 1826–1828 йиллардаги уруш, шунингдек, Россиянинг Наваррия жанги (1827) да Туркияга қарши, Юнонистон мустақиллиги учун уруш назарда тутилмоқда.

\* ...умид, меҳнат билан — А.А. Аракчевнинг 1826 йил 30 апрелда истеъфога чиқиши билан ички сиёсатда умид қилинаётган ўзгаришларга ишора.

Лекин менга шоҳона қўлин  
Чўзган эди, биргамиз яна.

У менга завқ, руҳ берди, ахир,  
Озод этди тутқун фикратим,  
Мен-чи, қалбада жўш урмай меҳр,  
Алқамасдан турайинми жим?

Маддоҳман! Йўқ, маддоҳ ҳийлакор  
Шоҳни ғамга қилгай гирифтор,  
Шоҳ ҳуқуқин ичидан зинҳор  
Бир шафқатни айлайди бекор.

У айтади: халқдан қил ҳазар,  
Табиат сасига бер барҳам,  
У айтар: маориф, алҳазар\* —  
Яралгай фаҳш, исёнкор руҳдан.

Юртнинг шўри: маддоҳ, кул, ахир,  
Тахт гирдида парвона бўлса.  
Аммо само алқаган шоир\*  
Бир сўз демай, ер чизиб қолса.



---

\* « ... У айтар: маориф, алҳазар — Яралгай фаҳш, исёнкор руҳдан...». — Бу сўзлар Бенкендорфнинг 1826 йил 21 декабрда Пушкинга ёзган мактубидаги сўзлар такрори.

\* Пушкин «Дўстларимга» стансларини Николая I цензурасига тақдим этганда, подшоҳ шундай кўрсатма беради: «Буни тарқатиш мумкин, аммо нашр этишга рухсат йўқ».

## TO DAWE ESQ\*

Нега ахир, соҳир қаламинг  
 Чизар ҳабаш қиёфам? Аммо  
 Асрлаб чиз, оқибатда, чин  
 Мефистофель\* бўлади пайдо.

Оленина\* ҳуснин чиз — ҳилқат.  
 Олов юрак, завқу шавқ аро,  
 Гўзаллик ва ёшликка фақат  
 Сажда қилар аслида даҳо.




---

\* *Шеър 1819–1828 йилларга* Россияда яшаган англиз мусаввири Жорж Дау (1781 – 1829)га бағишланган. У қишки саройнинг Ҳарбий галереясига 1812 йилги уруш қаҳрамонларининг суратларини чизган.


\* *Мефистофель* — шимолий Европа Тикланиш даври адабиётида иблис, ёвуз руҳ тимсоли.

\* *Оленина, Анна Алексеевна (1808–1888)*, Петербургдаги оммавий кутубхона директори А.Н. Олениннинг кенжа қизи. Пушкиннинг 1828 йилдаги кўплаб шеърлари у билан боғлиқ.

## Сен ва Сиз

Қуруқ *сизни* самимий *сенга*  
Янглиштириб қўйганда гўзал\*,  
Барча ширин орзулар менда —  
Ошиқ қалбда жўшди шу маҳал.

Қошига паришон келаман:  
Кўз узмоққа мадор йўқ, ҳаргиз;  
Дейман: «Бунча дилрабосиз *сиз!*»  
Ўйим: бунча *сени* севаман!



---

\* А.А. Оленина.

\* \* \*

*26 май, 1828.\**

Эсиз тухфа, тасодиф инъом,  
 Ҳаёт, нечун берилдинг менга?  
 Ёки нега шум тақдир пинҳон,  
 Раво кўрар ўлимни сенга?

Қай бир ғаним, соҳиби қудрат,  
 Йўқликлардан чорлаб қалбимни,  
 Эҳтиросга тўлдирди қат-қат,  
 Шубҳа билан қийнаб ақлимни?..

Олдимда йўқ мақсад-у матлаб:  
 Ақлим ҳайрон, юрагим бўм-бўш,  
 Гусса билан юракни ўртаб  
 Зерикарли ҳаёт урар жўш.




---

\* 26 май — аввалги йил ҳисоби бўйича Пушкин туғилган кун.



\* \* \*

Ҳали эсар совуқ шамоллар  
Ва келтирар тонг аёзларин.  
Фақат қорлар чекинган ерда  
Кўринибди эртанги гуллар,  
Муъжиза мум салтанатидан,  
Хушбўй асал катакларидан  
Учиб чиқиб илк асалари  
Қўнди эрта очилган гулга.  
Гўзал баҳор дилни хушларми,  
Тез келарми қадрли меҳмон,  
Кўкарарми ўтлоқлар тезроқ,  
Оқ қайиннинг марварид мисол  
Ёзиларми шира куртаги,  
Гулайдими хушбўй шомуртлар.



\* \* \*

Ҳали жилов кўрмаган байтал\*,  
Кавказ тамғасининг шонисан,  
Нега чопдинг бебош, бемаҳал?  
Вақтинг кепти, бунча ёнурсан;  
Пирпиратма ҳуркак кўзларинг,  
Оёқ силтаб кишнама кўкка,  
Дала-тузда босиб изларинг,  
Ўз ҳолингча чопмагин тикка.  
Шошма; сени тутиб оларман,  
Миниб, қўлга ўргатиб илдам:  
Айлантириб, изга соламан,  
Калта қилиб тортаман юган.

---

\* Анакреон асарлари таъсирида ёзилган шеър.

## Унинг кўзлари

(Князь Вяземскийнинг шеърига жавоб)

У воят дилрабо — айтай ўзаро —  
 Сарой ботирлари ичра ҳаяжон,  
 Жануб юдузига ўхшатсанг аъло,  
 Айниқса шеърингда, қанчалар шаҳдо,  
 Черкес қиз кўзлари бир жаҳон.  
 Нигоҳига бахш этар маъно,  
 Ўтдай чақнар, сочиб зарини;  
 Аммо, тан ол, кўрганмидинг ё  
 Оленинам\* шўх кўзларини!  
 Қандай ўйчан ундаги даҳо  
 Қандай содда, боладай беғам,  
 Қандай хумор боқади гоҳо,  
 Қанчалик ноз, орзу мужассам!...  
 Ерга боқса, Лелядай\* кулиб,  
 Сипо бўлиб қозонар зафар;  
 Кўкка боқса — Рафаэл\* ҳури  
 Санам шундай маҳлиё айлар.



\* «Унинг кўзлари» шеъри Вяземскийнинг «Қора кўзлар» шеърига жавоб тарзида битилган. Оленина кўзларига таққослайди.

\* Леля (Ляля) — шарқий славянларда афсонавий қаҳрамон.

\* Рафаэл фариштаси // Нозанин шундайин телбалар қилгай — «Сикстин мадоннаси»га ишора. Рафаэль Санти (1483—1520) — буюк итальян рассоми.

\* \* \*

Куйлама, нозанин, ёнимда  
Гуржистоннинг мунгли баётин:  
Солиб қўяр улар ёдимга  
Олис соҳил, ўзга ҳаётим.

Эвоҳ! Солар ёдимга, дилдор,  
Шафқат билмас таронанг саси:  
Чўлни, тунни, ойдинда бедор  
Олис, ночор қизнинг чехраси!..

Кечмишдаги гўзал тимсолни  
Унутарман сени кўрсам, ҳур;  
Гар куйласанг, ўшал жамолни  
Яна қайта қилгум тасаввур.

Куйлама, нозанин, ёнимда  
Гуржистоннинг мунгли баётин:  
Уйғотади улар ёдимда  
Олис соҳил, ўзга ҳаётим.



## Портрет

Қалби оташ, ловулар туйғу,  
Эҳтироси жўш уриб бежо,  
О, шимоллик аёллар, гоҳо  
Орангизда пайдо бўлар у.

Четлаб турфа қоидаларни,  
Қуригунча мадори, чунон,  
Тасодифий сайёра каби  
Атрофини этар чароғон.



## Сирдош

Иқрорларинг, мулойим арзинг  
Ҳис этаман ҳар не хитобинг:  
Телбавор ва исёнкор тарзинг  
Завқу шавққа тўлуғ шитобинг!


Гапни бас қил, ошмагин ҳаддан,  
Яшир, айтма ўйларингни, жим:  
Мен қўрқаман оташ иллатдан,  
Билганларинг билишдан қўрққум!



\* \* \*

Бахтлидир, танладинг кимни сен ўжар\*  
Фирофингда орзу қилиб, бегумон,  
Кимга маҳлиёсан ошкора, дилбар,  
Кимнинг нигоҳлари сенга ҳукмрон;

Аммо ачинарли, ким сукут сақлар,  
Севги оловида куйиб бесамар,  
Рашк бошини эгиб, дилини доғлар,  
Сенинг иқрорингни тинглайди бесар.



---

\* «Бахтлидир, танладинг кимни сен ўжар» ўзининг бидъатчилиги ва эҳтиросга берилувчанлиги билан танилган Аграфена Федоровна Закревскаяга (1800 – 1879) бағишланган.

### Сезгирлик\*

Яна бошим узра булутлар  
 Йифилишиб келди жимгина;  
 Такдир ҳасад офатин тутар —  
 Менга таҳдид бошланди яна...  
 Сақларманми қисматга нафрат?  
 Чиқарманми мен унга пешвоз  
 Матонат ва сабот, қатъият  
 Бўлиб мағрур ёшлигимга хос?

Жўшқин ҳаёт ҳукмидан нолон,  
 Лоқайд кутгум бўронни, эвоҳ;  
 Балки, яна қоларман омон,  
 Топарманми яна бандаргоҳ...  
 Лекин дилда жудолик, алам,  
 Муқаррар бу таҳликали он,  
 Сиқмоқ учун қўлинг, фариштам  
 Шошаман сўнгги бор сен томон.

Жон фариштам\*, хотиржам, рози  
 Аста ёлбор ўзимга: кечир,  
 Маъюс бўлгил: нигоҳинг нозик,  
 Кўкка тиккил ё ерга тушир;

---

\* «Сезгирлик» шеъри Андрее Шенье ишининг якунига бағишланган (11 июн, 1828 й.).

\* *Фариштам* — Оленина.



Шунда сенинг ёдинг учқуни  
Уйғотиб қалб ҳароратини —  
Ёққай умид, гурур кучини  
Ва ёшликнинг жасоратини.

\* \* \*

Учар қузғун қузғунга,  
Сайрар қузғун қузғунга:  
«Қузғун! Қайда тушлик бор?  
Емақдан не дарак бор?»

Қузғун айтар қузғунга:  
«Бордир емак бутунга;  
Толнинг тагида ҳозир,  
Ўлиб ётибди ботир.

Ким ўлдирган ва нега,  
Бир лочин гувоҳ бунга,  
На билар қора бия,  
Ёш бека билмас-куя».

Лочин ўрмонга учди,  
Байталга бир дард тушди,  
Бека кутар ботирин,  
Ўлигинмас, тиригин.



\*\*\*

Қашшоқ шаҳар, шукуҳли шаҳар,  
Руҳан тутқун, биноти шинам,  
Оқиш-мовий кўк гумбази ҳам,  
Дилгирлик, рутубат ва мрамор —

Ачингайман сизга барибир,  
Чунки бундан гоҳи-гоҳида  
Ўтар жажжи оёқлар бир-бир,  
Олтин зулфи еллар оҳида.

— ❦ —

**19 октябрь, 1828**

Қилиб обдон ибодат дилда,  
Лицейга ҳам «ура» дедик биз,  
Хайр, дўстлар, мен чиқай йўлга,  
Сизнинг эса, ухлар вақтингиз.

— ❦ —

\* \* \*

Фарахбахш фаввора салқинларида  
 Атрофга ёйилган эпкинларида,  
 Хонни ром этган қалб ёлқинларида,  
 Шоир янгроқ шеъри тўлқинларида.

Беҳуда хушвақтлик ипига моҳир  
 Абжир бармоғида шодалар чизган:  
 Шаффоф мақтовлардан марвариду, дур,  
 Ва донолик олтин тасбеҳин тизган.

Қримни севганлар Саъдий авлоди\*,  
 Давру давронида шарқ суҳандони,  
 Сирли дил дафтарин очган заҳоти  
 Боғчасарой бўлган лолу ҳайрони.

Унинг қиссалари ёйилган, машҳур,  
 Эриван гилами каби муҳташам.  
 Шундан обод бўлди, файзиёб, пурнур  
 Гаройхоннинг тўкин базмлари ҳам.

Аммо бунда ҳеч бир сеҳргар ошиқ,  
 Аҳли донишманддан ўша маҳаллар  
 Унингдек тафаккур этмаган жўшиб,  
 Битолмаган теран эртақ, ғазаллар,

---

\* Саъдий Шерозий — машҳур форс-тожик шоири, адиб ва мутафаккир. Унинг «Бўстон» (1257) ва «Гулистон» (1258) асарлари Европа тилларига таржима қилинган.

Қандай баландпарвоз, мукаммал, олим,  
Шоири варойиб юртнинг — авлиё,  
У ёқларда эрлар серсоқол, золим,  
Аёллари эса ҳурлардан аъло.

## Гул

Ифори йўқ, қовжираган гул,  
Унут, китоб қатида кўрдим;  
Бир орзиқиш уйғотдими ул,  
Тўлиб кетди лаҳзада кўнглим:

Қайда гуллаб, қачон? Қай баҳор?  
Яшнадингми узоқ? Узган ким,  
Бегонами, таниш у дилдор?  
Ва бу ерга қўйилдинг нечун?

Ёдгормикан нозли висолдан,  
Ёки тақдир битмиш ҳижрондан,  
Ёки ёлғиз сайр этган ёрдан —  
Сокин дала, салқин ўрмонда?

Йигит борми, қиз борми омон?  
Паноҳи қайда бу замона?  
Ёки улар бўлдими ҳазон,  
Шу гул каби сирли, пинҳона?



\* \* \*

*Tel j'etais autrefois et tel je suis encor\**.

Бир пайтлар қандай бўлсам,  
шундайман ҳали-ҳамон:  
Девона ошиқдирман. Биласиз, дўстлар, аён,  
Гўзалликка бемехр боқармидим мен ҳеч он,  
Иштиёқим журъатсиз, пинхона дилда туғён.  
Не кўйларга солди-ку, ахир, мени муҳаббат?  
Қарчиғайдай топдим-ку неча бора ҳалокат,  
Киприданинг алдамчи домига тушиб минбаъд:  
Малҳам топмай юз бора аламимга, оқибат,  
Янги санамларга илтижо қилдим...



---

\* «Аввал қандай бўлсам, мен шундай ҳануз». Андрей Шенъе.

\* \* \*

Бийдай дала, яшиндай учар  
Тақаланди яна отим, боқ!  
Туёқлари тушган ер кўчар  
Тарақлайди муз қотган тупроқ!  
Кони фойда рус сиҳатига  
Бизнинг аёз, чиниқтирар тан:  
Гулдан алвон юзлар тафтида,  
Совуқ ўйнар олов қон билан.

-----

Ўрмон хомуш, водий кимсасиз,  
Кун чиқар-у тушиб қолар шом,  
Ва кечиккан йўлчидай ёлғиз,  
Деразамиз қоқади бўрон...





1829

Ел.Н. Ушаковага

## Альбомга

Сизни эркалатган табиат;  
Сизга ихлос билан қилган шаҳд,  
Бизнинг мақтов азалдан фақат  
Туюлади сизга оддий мадҳ.  
Биласиз-ку кўпдан, ҳар нафас,  
Сизни севиб қолиш ажабмас,  
Сиз Армида\* — маънос кўзингиз,  
Сиз Сильфида\* — шамшод бўйингиз.  
Бунча чўғдай лабингиз асл,  
Атиргулдай чиройли, уйғун...  
Битганимиз шеърми ё наср,  
Сиз учун бу шунчаки шовқин.  
Гўзал эрур хотира, аммо  
Титроқ солар пинҳона бизга —  
Содда сатрим битгум шу асно  
Тавозе-ла альбомингизга.  
Ёдингизга, эҳтимол, ёраб,  
Мадҳингизнинг куйчиси келгай,  
Пресненский даласин ўраб  
Туришгунча деворлар урмай.

---

\* *Армида* — Торкавато Тассонинг «Халос бўлган Қуд-дус» поэмаси қаҳрамони, жуда гўзал.

\* *Сильфида* — Француз адиби Шарл Нодъенинг «Триль-би» (1822) новелласи қаҳрамони.

**Е.П. Полторацкаяга**

Бизни кечирганда парвардигорим,  
Дорга осилмасам, ниҳоясида,  
Тиз чўккайман пойингизга, дилдорим,  
Украина гилослари соясида.





Ижорага яқинлашган дам,  
Ташлагандим самога нигоҳ,  
Ёдга тушди нигоҳингиз, ҳам  
Тиниқ мовий кўзингиз ногоҳ\*.  
Гарчи маъюс мафтун бўлибман  
Соф чеҳрангиз малоҳатига,  
Гарчи золим бўлиб қолибман,  
Ўша Тверь вилоятида,  
Лекин чўкиб тиз қошингизда  
Бош эгмоққа журъат бўлмади.  
Илтижолар қилмадим сизга,  
Хавотирга солгим келмади.  
Маст бўлганча беҳуда, беҳол  
Киборлигим этдими сархуш,  
Унутарман дедим, эҳтимол  
Жамолингиз, мисоли бир туш,  
Нозик қомат, нафис ҳаракат,  
Эҳтиёткор суҳбат, сўзларни,  
Бундай сипо, оҳиста рағбат,  
Ним табассум ва қув кўзларни.  
Йўқ десангиз... ўтган изимдан  
Қайтиб сизнинг тинч диёргача,  
Келадирман, йил ўтиб чиндан  
Ва хушторман ноябргача.

---

\* *Екатерина Васильевна Вельяшевага мурожаат.* Пушкин уни Тверда учратган. Ижора – Торжка – Петербург йўлидаги охирги бекатлардан бири.

## Аломатлар

Сиз томон борарим: жўшқин туш  
Эргашди шўх, мисли оломон,  
Ўнг ёнимдан тўлин ой ҳам хуш  
Ёғду сочиб чопарди шодон.

Ортга қайтдим: бу тескари туш...  
Ғамга ботди қалбим, интизор,  
Чап ёнимда ой ҳам боёқиш  
Эргашарди хира ва зор-зор.

Мангу орзу оғушида жим  
Биз шоирлар топармиз ором;  
Мана шундай аломат, ирим  
Туйғуларга монанддир мудом.



\* \* \*

Қора тун ястанган Гуржи\* қирлари;  
Арагва шарқирар олдимда.  
Маъюсман, руҳ енгил: ғам нур сингари;  
Сен боис ғам тўла қалбимда.

Боис сен\*, ёлғиз сен... Менинг ҳасратим,  
Ҳеч не қийнаб, азоб беролмас,  
Юрак яна ёнар, ишққа лиммо-лим,  
Чунки у севолмай туrolмас.



---


\* Гуржи – Грузия.

\* М.Н. Волконскаяга бағишланган.



Нима керак? — Роса ярим соатда,  
Отга аравани қўшишгунича,  
Асир этди эсу ҳушимни бунча  
Нигоҳларинг, асовсан-да латофатда.  
Дўстлар!

Ахир бари барибирмасми:  
Ихтиёринг олса кўнгилнинг изми  
Дабдабали сарой ё кулба, пастми,  
Ёки кўчиб юрган ўтовимизми?



\* \* \*

Қашшоқ, рицарь ўтган бир замон,  
Камсуқум ва соддадил, оддий,  
Ранги бир ҳол, афтода, ёмон,  
Аммо руҳан жасуру жиддий.

Юрагида ғаройиб туйғу,  
Ақл бовар этмас сирли нур,  
Муҳрланиб қолганди мангу,  
Дил тубида муқаддас сурур.

Женевага қилиб саёҳат,  
Йўлда хочга қараган куни —  
Кўрди Биби Марямни, албат,  
Исо Масих волидасини.

Шундан буён юраги ёниб,  
Қиз зотига боқмади ҳаргиз,  
Ўлгунича ҳеч кимга бориб,  
Сўз айтмади, яшади ёлғиз.

Шундан буён пулатдан ниқоб  
Очилмади юзидан асло,  
Бўйнига шарф ўрнига, ҳисоб,  
Тасбеҳ осиб олди мутлақо,

На Ота, на Ўғил ҳаққиға,  
Сифинмади азиз Руҳға ҳам,



Бундоқ, рицарь йўқдир, аслида,  
Хўп ғалати эди бу одам.

Ўтказарди тунларни маҳзун,  
Муножот-ла, санам қошида,  
Унга тикиб мунг тўла кўзин,  
Сўзсиз дарё қилиб ёшин-да.

Юрак тўла ишонч, муҳаббат  
Самовий ул орзуга содиқ,  
Қон-ла Are, Mater Dei\* дея хат  
Қалқонига ёзди у аниқ.

Ҳолбуки, рицарлар, аслида,  
Қўрқоқ ёвни қаршилаб шитоб  
Елганда Фаластин даштида,  
Қизлар номин этарди хитоб,

«Lumen coelum, sancta rosa!»\*  
Хитоб қилди ёниб ҳар чоқда,  
Ҳамда унинг таҳдиди роса  
Мусулмонни қувди ҳар ёқда.

Олисдаги қасрига қайтиб,  
Махбуслардай яшади танҳо;  
Муҳаббатга, ғамларга ботиб  
Ва тинчгина қилди у қазо.

У оламдан ўтгандан кейин,  
Ҳийлакор руҳ келди ўшал он,  
Рицарь руҳин мулкига секин  
Олиб кетмоқ истади шайтон:

---

\* Шод бўл, Биби Марьям (лот.).

\* Самовий нур, муқаддас гул (лот.).

У Худога сиғинмаганмиш,  
Тутмаганмиш рўза аслида,  
Ўзгачароқ сиғинган эмиш  
Исо Масих, волидасига.

Обдон поклаб, айбин аритди,  
Тарафини олганча уни  
Ва боқий дунёга киритди  
У ўзининг Паладинини\*.



---

\* Паладин – Ўрта асрларда сарой аъёни, жасур рицарь.

**Ҳофиздан\***

*(Фурот яқинидаги лагер)*

Ҳарбий шонга бўлма асир,  
О йигитча, расида!  
Қонли жангга кирмоқ, надир  
Қорабоғ тўдасида!  
Билгум: сенга етмас ажал;  
Қиличзорда Азроил  
Ҳуснинг пайқар ва шу маҳал  
Шафқатга бўлар мойил!  
Қўрқаман, аммо: урушда  
Сендан кетгай тоабд —  
Тортиниш, сипо юриш ва  
Хотиржамлик ҳам уят!



---

\* «Ҳофиздан» шеъри оққа кўчирилган ҳолда «Шеър I. Фаргат-Бекка» деб номланган. Хофизда бундай шеър учрамайди.

## Этиқдўз

(ривоят\*)

Этиқдўз суратга боқиб бир замон  
 Пойабзалдан топиб кўрсатди хато;  
 Рассом мўйқаламда тузатди чаққон.  
 Давом этди уста гердайган асно:  
 «Менингча, юзлари андак қийшиқроқ...  
 Бу сийна жуда ҳам очикми, қани?..»  
 Апеллес шошилмай гап бўлди шу чоқ:  
 «Этиқдан тепага чиқма, офайни!»

Бир ошнам бор менинг, бунга у нишон:  
 Билмайман, қайсидир соҳада, бирон  
 Билимдон бўлганин, лек сўйлар ўйлаб,  
 Дунё ташвишин қил дер унга шайтон:  
 Қани, этик ҳақда айтсин-чи бир гап!




---

\* *Эпиграммада рим ёзувчиси Катта Плинийнинг (I аср) «Табий тарих» китобидаги Апеллес (милоддан аввалги IV асрда яшаган юнон мусаввири) га ишора этилмоқда.*

## Дон

Чексиз дала аро товланиб,  
Ана оқар!.. Эй, Дон, ассалом!  
Олис ўғлонларингдан ёниб,  
Олиб келдим мен сенга салом.

Шон-шарафга лойиқ биродар  
Билишади тинч Донни мудом:  
Аракс ҳам, Фурот ҳам йўллар\*,  
Олиб келдим мен сенга салом.

Ёвуз қувғин ўтган дамлари,  
Ҳис этиб юртининг бағрини,  
Қониб ичар дон тулпорлари  
Арпачойнинг тўлқинларини.

Ҳозирлагин, эй, шарафли Дон,  
Чавандозлар учун борингдан,  
Кўпирган ол шарбат тут — дармон,  
Ўзинг сахий узумзорингдан.



---

\* Аракс — Кавказорти дарёларидан бири. Фирот, Евфрат (турк. араб.) Фарбий Осиёдаги энг катта дарё.

## Йўл азоби

Кезарманми ҳали дунёда  
Гоҳ извошда, гоҳи файтонда,  
Гоҳи отда, гоҳи пиёда,  
Гоҳ арава, гоҳ соябонда?

Уйим — ўлан тўшакмас, йўлим  
Ота мозорлардан кўп йироқ,  
Катта йўлда тошгумми ўлим,  
Худо билар, билмайман, қай чоқ.

Туёқ янчиб, ғадир тошларда,  
Тоғда, филдиракнинг остида,  
Ё сел ювган чоқ, ёнбошларда,  
Вайрон бўлган кўприк пастида.

Ёки ўлат етарми бошга,  
Ё қаҳратон тошдай музлатар,  
Ё манглайим урилгай тошга,  
Мажруҳ бўлиб ўтгумми, батгар.

Ёки ўрмон ичида бадкор  
Биқинимга тиф урар келиб,  
Ўларманми ё кутиб безор —  
Қаердадир карантин бўлиб.

Ҳали кўпми қолиб оч-наҳор  
Нафл рўза тутайми, қара,

Бузоқ гүшти — совуб қолган, хор  
Эслаганим Трюфли Яра\*.

Ўз ерида бўлиш бошқа-да,  
Кезадирман Мясницкий бўйлаб,  
Қишлоқ ҳақда ё келин ҳақда  
Бекорчилик, ётарман ўйлаб!

Бу бошқа гап, бир қадаҳ шароб,  
Тунда уйқу, тонг-сахарда чой.  
Бошқача-да, дўстлар уй тараф!..  
Қани, ҳайда, қамчини бос, ҳой!..



---

\* Яра — жой номи, Кузнецқда.

## Қиш эртаси

Аёз ила офтоб; ажойиб сахар!  
 Сен ҳали уйқуда, нозанин дилбар,  
 Уйғон энди, тура қолгин, эй жонон:  
 Нозли кўзлар сочсин шарорасини  
 Қарши олиб шимол Аврора\*сини,  
 Шимол юдузидай бўлгин намоён!

Оқшом ёдингдадир: бўроннинг қаҳри,  
 Туманлар осилган хира кўк бағри;  
 Ой худди бўзариб қолган доғ мисол,  
 Булут ичра аянч сарғарган эди,  
 Шунда сен хафаҳол ўтирган эдинг —  
 Ҳозир-чи... ойнадан ўзинг қарай қол:

Зангор осмон гумбазининг остида  
 Товланиб муҳташам гилам, ростида,  
 Қуёшда ярқираб ётибди оқ қор;  
 Фақат қора шаффоф ўрмон, мудраган,  
 Қарағай кўкарар, қиров сирлаган,  
 Ва ярқираб оқар муз ичра анҳор.

Қаҳрабо шуъладан хона нурафшон,  
 Чарсиллайди олов, гуриллар чандон  
 Ўтнинг ҳароридан чўғланади печ.

---

\* Аврора — Қадимги римликларда тонг, нур маъбуди.  
 Гелиос (Қуёш маъбуди) нинг сингласи.



Хаёл суриб ётиш ёқимли яна.  
Аммо биласанми: чақирай чана,  
Қорамтир бияда кезсакми то кеч?

Субҳидам қорида сирғаниб, учиб,  
Азизам, завқ билан дунёни қучиб,  
Отни гижинглатиб, чоптириб шодон,  
Бўм-бўш далалардан хабар олайлик,  
Қалин эди ҳали ўрмон, кўрайлик,  
Соҳилни ҳам, менга азиз, қадрдон.



## Эпиграмма

Қария Свистов! Сурдинг хўп даврон;  
Вақт етди. Ол энди бошингдан чамбар:  
Шогирдинг барқ урган, соғлом, навқирон,  
Бизнинг буюк шоир, ўрнингни босар!  
Мана: қулоқ тутди донфил суҳбатдош,  
Тақдирнинг битиги битилди, шартта,  
Унинг меросхўри\* навқирон ва ёш:  
Свистов II ўлтирди тахтга!



---

\* Пушкинга замондош шоирлар Надеждин ва Хвостов-га бағишланган. Улар бир-бирларини қўллашдан ташқари ҳамоҳанг шеърлар ёзишганлигига ишора.

\* \* \*

Сизни севар эдим: севги, эҳтимол,  
Сўниб бўлмагандир қалбимда мани;  
Аммо энди сизга келмасин малол;  
Истамайман бошқа хафа қилгани.

Сизни севар эдим унсиз, умидсиз,  
Гоҳ журъатсиз, рашқда ўртаниб гоҳо;  
Сизни севар эдим самимий, нафис,  
Ўзгага ҳам шундай суйдирсин Худо.

\* \* \*

Кетдик, мен шай: қайга десангиз, дўстлар,  
Сиз истаган ерга; эргашай, агар  
Қочиб кетай, қолсин кибр ва ситам;  
Хитой деворининг пойи бўлса ҳам,  
Қайнар Парижгами, ниҳоят, қайдам,  
Тассага, қайиқчи куйламай қўйган,  
Мурдани кул босган кўҳна кентларга.  
Сарви хушбўй сочган ўрмон ерларга,  
Ҳамма ёққа шайман. Кетдик... лек, дўстлар  
Айтинг: изтиробим босарми сафар?  
Унут бўларми у — жафокор дилдор,  
Ё яна пойига, берса-да озор,  
Бош эгиб келгумми, мен амри маҳол?

.....



## Кавказ

Кавказ пойимдадир. Юксақда ўзим  
Қор узра турибман, жарлик лабида;  
Бургут парвоз қилган тоғлар ҳаддида,  
Рўпарамда қанот қоққанин кўрдим.  
Кўрдим кучли оқим туғилишини,  
Илк ваҳшатли кўчки сурилишини.

Пойимда булутлар сузишар қатор;  
Орасидан энар шовқин шаршара,  
Ости яланг қора қоялар, қара;  
Пасти пуч йўсинлар, қуруқ бутазор;  
Ундан нари яшил ўрмонзор кетган,  
Қушлар чуғурлаган, буғулар елган.

Одамлар ҳам макон тутган ҳов ёқда,  
Яшил қирда ўтлар ёйилиб қўйлар,  
Чўпон ҳайдар яйдоқ водийни бўйлаб.  
Арагва\* ҳайқирган сўлим қирғоқда,  
Юпун отлик ғойиб бўлар дарада,  
Терек ўйнаб жўшган жойда, панада;

Ўйнар ва увлайди, ташланар гўё  
Йиртқич ўлжасига темир қафасдан;  
Қирғоққа урилар бенаф ғазабдан,  
Оч тўлқинлар ялар қояни, аммо...  
Беҳуда! На ўлжа, на тасалли бор:  
Уни бўғар соқов қоя пурвиқор.

\* Арагва — Шарқий Грузиядаги дарё.

## Кўчки

Ўшшайган қояни парчинлар,  
 Гувиллар, кўпирар тўлқинлар,  
 Ва устимда бургут солар жар,  
     Қарағай саси,  
 Хира мавж ортида ярқирар  
     Тоғлар тепаси.

Бирдан кўчки сурилиб учди,  
 Гумбурлади, ҳайбатли кўчди,  
 Қоя аро дарага тушди  
     Мисоли девор,  
 Кучли Терек\* тўлқининг тўсди,  
     Бўғиб қўйди қор.

Бирданига ҳайқирдинг, толдинг,  
 Ў, Терек, сен тинчланиб қолдинг;  
 Ортдан келди асов тўлқининг  
     Суриб қорингни...  
 Қутурганча қаърингга олдинг  
     Чўнг қирғоқингни.

Ётаверди кўчки кўп узоқ,  
 Муз кўкраги ерпарчин, ингроқ,  
 Ёвуз Терек остидан бироқ,  
     Қор пуркаб ҳар ён  
 Тиклар шовқин, кўпик-ла шу чоқ,  
     Муз, гумбазсимон.

\* Терек — Шимолий Кавказдаги дарё.

Ва устида йўл тушди алҳол:  
От ҳам ўтди, ўтди хўкиз, мол,  
Туясини ўтказди дарҳол  
    Дашт савдогари,  
Ҳозир бундан ўтгай бир Эол\*.  
    Само сарвари.



---

\* Эол — қадимги юнон мифологияси қаҳрамонларидан бири, «Эол йўлаги».

\* \* \*

Бўлдим мен ҳам донликлар ичра,  
Қувдим ҳам усмоний қўшинни;  
Жангу чодирлардан хотира —  
Уйга олиб келдим қамчинни.

Сафарда ҳам, жанг-суронда ҳам  
Балалайкам асраб, суяман —  
Деворга соз ёнига, ҳамдам  
Қамчинни ҳам илиб қўяман.

Дўстлардан яшириб нетардим —  
Бекамни севаман — хотинни,  
Уни тез-тез ўйлаб кетардим —  
Шунга асраб қўйдим қамчинни.



\* \* \*

Елена, ҳуркаксан, бунчалар,  
Бунчалар рашкчисан, шошқалоқ,  
Кузатасан ортимдан ҳар чоқ  
Бунча тез-тез ташларкан назар,  
Ҳар қадамим?...  
Сеники мутлоқ.





\* \* \*

Терек оқар тоғ деворлар оралаб,  
Қайрар ваҳший қирғоғини поралаб,  
Улкан қояларнинг гирдида қайнар,  
Гоҳ бунда, гоҳ унда йўлни ўпириб,  
Тирик йиртқич каби увлаб, ўкириб —  
Туйқус жимиб қолар ва мавжи ўйнар.

Тобора қуйига оқиб бораркан,  
Аранг тирик қолган жонзотдек чопар.  
Шундай, бўрондан сўнг, ҳолдан толаркан  
Дарё ёмғир каби томчилар сочар.  
Ва мана ..... очилди охир,  
Унинг чақир, тошлоқ ўзани — тақир.



### Фозил Хонга\*

Янги жасоратинг лойиқ шарафга,  
Йўл солибсан бизнинг шимол тарафга,  
Бунда баҳор қисқа бўлур ҳукмрон,  
Аммо Ҳофиз, Саъдий номлари дoston.

Ярим тунда бизнинг ўлкамиз сари,  
Келибсан, энди из қолдир, дил очгил.  
Мисли хаёлотдир шарқнинг гуллари,  
Шимол қорларининг устига сочгил.



---

\* Фозил Хон — форс шоири, Тифлисга кетаётган А.С. Пушкин Казбек яқинида Петербургга йўл олган Фозил Хон билан танишади («Арзрумга саёҳат»).

## 1830

\* \* \*

Сенга нени англаггай исмим?  
У ўчгай, ғамгин бир шовқиндай  
Олис, соҳил ютган тўлқиндай,  
Тун сасидай, ўрмонзорда жим.

У ёднома тахтачасида  
Ҳиссиз излар қолдиргай, гўё  
Қабртошга битилган жило  
Англаб бўлмас тилда, аслида.

Унда не? Унут қачонлар, ахир,  
Янги, жўшқин туйғулар ичра  
Қалбингга бахш этолмас соҳир  
Мусаффо ва дилбар хотира.

Аммо ғамли кун, сукунатда,  
Қўмсаганда номим эт такрор;  
Айт: хотирлар мени, албатта,  
Дунёда мен яшовчи қалб бор...



\* \* \*


Дилхуш ёки дилгир дамларим  
Созим олиб, ўт нафасларда  
Телбалик, изтироб, ғамларим  
Куйлар эдим нозик сасларда.

Ўшанда ҳам шўх, ўйноқи тор  
Беихтиёр тиниб қоларди,  
Чунки сенинг сасинг — улуғвор,  
Мени ҳайратларга соларди.

Ёш тўкардим, шашқатор кўзим,  
Ва виждоним ярасига ҳам  
Сенинг айтган муаттар сўзинг,  
Тасаллидай, бўларди малҳам.

Ва ҳозир ҳам рух, самосидан  
Чўзадирсан менга қўлларинг,  
Ва меҳрли, куч, ҳаё билан  
Тиндирасан асов ўйларим.

Оловингда ёнган қалб тунлар,  
Қувди дунё зулматин, охир,  
Ва фаришта арфасин тинглар  
Илоҳий ваҳм ичида шоир.



### Янги ошён

Шу янги ошёнга\* шукрона,  
Хонадонга ажиб файз кирмиш,  
Файз келтирдинг — яна шодиёна,  
Озод меҳнат ва тотли турмуш.

Бахтиёрсан: ошёнинг шинам,  
Донолик урфини сақлабон,  
Даф этибсан вам, сустликни ҳам,  
Асрагандай оловдан омон.



---

\* Михаил Петрович Погодин (1800–1875) га аталган.

## Жавоб

Танидим, о кароматгўйим!  
Хатнинг нақш-у жилосиданмас  
Имзоси йўқ, жўшқин ёзувким,  
Ўша шодлик, шаддодликдан, бас,  
Ўша ёлфон хушомадлардан  
Ва аёвсиз истехзолардан,  
Гиналардан... ошиқча ҳаддан,  
Ва бу шўхлик, ноз-адолардан.  
Хижрон куни ҳайратим ошиб,  
Хатни қайта ўқиб чиқибоқ,  
Сабр қилмай, ҳайқирдим жўшиб:  
Фурсат! Москов, Московга тезроқ!  
Бу ер совуқ шаҳар, умидсиз,  
Бунда гаплар — муз, юрак — тошдан;  
Бунда йўқдир шаббода ҳаргиз,  
Завқу шавқ йўқ, Пресни\*, бахт ҳам.

---

\* Пресни — Е. Ушакова яшайдиган мулк.

\* \* \*

Кар карни судга берди, қаранг, ҳакам ҳам гаранг\*

Кар бақирди: «Молимни у билар, обдон сўранг!»

«Раҳм қилинг, —

қичқириб унга гаранг жавоб дер, —

Марҳум бобомдан қолган

шу бир парча қўриқ ер».

Ҳакам ҳукми: «Бўлингиз оға-ини, ҳурматда,

У ҳам эмас, бу ҳаммас, қиз айбдор, албатта».



---

\* Француз шоири Пелисоннинг (1624–1693) «Уч гаранг» асарига ўхшатма.

## Видолашув

Гўзал қиёфангни ботиниб  
Хаёлда суярман сўнгги бор,  
Қалб амри-ла орзум уйғотиб,  
Журъатсиз гашт, ғуссага ботиб  
Муҳаббатинг эслай деб такрор.

Давримиз ўзгарар, чопағон,  
Янгилайди сени ҳам мени,  
Сен шоиринг учун бегумон  
Кафан кийиб бўлгансан бу он,  
Сен учун ҳам дўстинг йўқ энди.

Қабул этгил, олис шафиқам,  
Сенга видо йўллар қалбидан.  
Мисли бева қолган рафиқам,  
Дўст дўстини қучгандай маҳкам,  
Бир сўз демай, қувғин олдидан.





**Хизматкор ўсмир ёки  
ўн беш ёш**

*C'est l'age de Cherubin\*...*

Ўн бешдан ўтаман ҳадемай;  
Ўшангача сабрим етарми?  
Ошиқтирар у мени тинмай!  
Лек ҳозир ҳам назарга илмай  
Бировлар ёнимдан ўтарми.

Энди бола эмасман — мўйлаб  
Сабза урган, силайман лабим;  
Сипо, камшик чоллардай сўйлаб;  
Овозим ҳам қолди дўриллаб,  
Қани, менга тирғалади ким.

Хонимларга ёқаман, қурғур,  
Аммо улар ичра бири бор...  
Кўзи хумор, бунчалар мағрур,  
Қорачадан келган, юзда нур,  
Жоним берсам арзийди, дилдор.

У қаттиққўл ҳам ҳукмфармо,  
Мен ақлига қоламан ҳайрон —  
Рашки ёмон — жонимга бало;  
Ҳеч кимсага қилмайди парво,  
Фақат менга мойил, бекажон.

---

\* Бу Керубино ёши... (фр.)

Оқшом мағрур, соларкан гапга  
Ялиндики, агарда яна  
Кўз ташласам ўнгла ё чапга  
Заҳарларкан мени шу тобда,  
Муҳаббати қанақа, мана!

У мен билан тайёр чўлга ҳам  
Қочар, қўрқмас миш-мишдан, ҳатто.  
Айтайми ким менинг маъбудам,  
Севильялик гўзал маҳбубам?..  
Йўқ! Айтмайман кимлигин асло!



**Уйқусизликда,  
кечаси ёзилган сатрлар**

Олов ўчган, уйқум келмас;  
Зерикарли, теграм зулмат.  
Чиққиллар бир хилда соат  
Ёнгинамда дилгир бу сас.  
Боғда сувнинг жилдираши  
Мудроқ туннинг дилдираши,  
Сичқонларнинг милдираши...  
Бузасан тинчимни тунда?  
Сен нимасан, шивир-шивир?  
Ғам-андухми ё гинадир,  
Мен йўқотган, ўтган кундан?  
Ўзи мендан не истарсен?  
Чорлармисан ё хабар сен?  
Сени тушунмоқ истарман,  
Сендан бир маъни изларман...



\* \* \*

Олис ватан соҳили учун  
 Ўзга юртни тарк айладинг сен;  
 Унутилмас кун, аламли кун  
 Сенга узоқ кўз ёш тўқдим мен\*.  
 Совуқда муз қотганди қўлим,  
 Сени тутмоқ, учун талпиндим;  
 Айрилиқдан ўртанди дилим  
 Зоримни бўлма, деб ялиндим.

Аmmo сен бу аччиқ бўсадан  
 Титроқ лабинг тортдинг бешафқат;  
 Қувфиндаги зулмат ўлкадан  
 Ўзга юртга чорладинг фақат.  
 Дединг: «Дийдор насиб бўлсами,  
 Зангор осмон сари кетамиз,  
 Зайтун соясида, бўсани  
 Яна, дўстим, давом этамиз».

У ёқда, оҳ, осмон тўлганда  
 Мовий рангга, товланган замон,  
 Зайтун сувга соя солганда,  
 Кетдинг сўнги уйқуга, тамом.  
 Жамолинг, азобинг, дил сасинг —  
 Қабр тоши остига олди —  
 Ҳамда ширин висол бўсаси...  
 Аммо кутгум; у сенда қолди...

\* Шеър Амалия Ризнич хотирасига бағишланган.

\* \* \*

Испан қиз қошида мард  
Турибди икки рицарь.  
Икков ҳам эркин, жұмард  
Қиз кўзига тик боқар.  
Икковлон — олов дилли,  
Иккиси ҳам келишган,  
Иккисин кучли қўли,  
Қиличга суянишган.

Этмоққа шай жон фидо,  
Шону қадр, ёр учун:  
Аммо танлар, дилрабо  
Икковдан қайси бирин?  
«Кимни дейсан, айт шу дам?» —  
Икковлон дейди қизга,  
Навқирон умид билан  
Тик боқиб қора кўзга\*.

\* \* \*

---

\* Қўлёзмада учинчи банд қуйидагидай ёзилган, аммо ўчирилган:

*Бирингиз севгум, албат,  
Жавоб беради дилдор ...  
Аммо бир сирим абад  
Сиздан сақлашим даркор.*

## Лўлилар

### ИНГЛИЗЧАДАН

Ўрмонзор соҳиллар ёқалаб,  
Оқшомги сокинлик бағрида,  
Чодирлар остида ўт қалаб,  
Қўшиқлар, шўхликлар авжида.

Ассалом, бахтиёр қабила!  
Гулханинг ҳарори қадрдон;  
Чодирларни гоҳо қалб ила  
Кузатганман ўзим ҳам шодон.

Эртага, илк қуёш нури-ла  
Ғойиб бўлар эркин изингиз,  
Кетарсиз, изма-из, сиз ила  
Кета олмас лек, шоирингиз.


У йўлларда тунаш одати  
Ва қадимги шўхликни бу кун  
Унутди қишлоқнинг роҳати  
Ва уйининг тинчлиги учун.





Шитирлар бугазор... Қоятош томон  
Қувноқ буғу учиб ўтди жонсарақ,  
Нигоҳлари хуркак, пойида ўрмон  
Тарафга чўққидан кўз ташлар тийрак,  
Ям-яшил товланган яйловга боқар,  
Боқар кўк тоқига, йироқ-йироққа...  
Ҳу пастда, шовқинли Днепр\* оқар,  
Дарахтлардан чамбар кийган қирғоққа.  
Қилт этмас, тош қотган кўйи қолади,  
Борлиққа туйғун, жим қулоқ солади...

Аммо титради у — туйқусдан товуш  
Унга тегиб кетди — буғу аланглаб  
Бўйинини чўзди ва бирдан боёқиш  
Чўққидан сакради .....




---

\* Днепр — Россия, Белоруссия ва Украина хуудларидан оқиб ўтадиган дарё.

\* \* \*

Икки туйғу муқаддас бизга,  
Қалб куч олғай улардан ҳар чоқ;  
Она юртга меҳр ила бирга  
Оталар қабрига сиғимоқ.

Ҳаётбахшдир бу қадамжолар!  
Жонсиз қолур уларсиз тупроқ,  
Худди ..... саҳролар  
Гўё меҳроб, санамсиз бироқ.





\* \* \*

Хотиралар уйғонса, гоҳо  
Сукутда ўртанар юрагим  
Изтироблар олисдан гўё  
Шарпалардай чошиб келар жим;  
Одамларни кўрсам яқиндан  
Яширингим келар саҳрога,  
Пуч гапини эшитсам, чиндан,  
Унутиб, учарман самога —  
Зангор само, нур юртигамас  
Мовийлиги таърифга сиғмас,  
Илиқ денгиз суви басма-бас  
Ювган сарғиш мрамарни элас,  
Дафна ва сарвлар сўйлаган,  
Эркин бўлиб, бўлиқ бўйлаган,  
Торковато мадҳ этган уни,  
Ва ҳозир ҳам тунда чўнг соя  
Олисдаги жарангдор қоя  
Қайтаради денгизчи унин.

Интилгум орзуга доимо  
Илвироқ шимолий тўлқинлар  
Оқбошларин тўдаси аро  
Яйдоқ орол ўзига имлар.  
Фамгин орол — ёввойи қирғоқ,  
Турфа гиёҳ қоплаган ўтлоқ,  
Турар сўлгин қора тепалик  
Уни ювар музлаган кўпик.

Сузиб келар гоҫо бу тараф  
Шимоллик мард балиқчи яна,  
Шу ерларга тўрини тараб  
Ва ўзига тикар бошпана.  
Шу ёққа хаёлий тўлқин жим  
Келтирди омонат қайиғим.



\* \* \*

Шеър ўқиди унга қиз фақат,  
Ёноқлари ёнарди қизнинг,  
Нафасини ютганча, албат:  
«Келгил, қалбим, қайлиғим ўзинг,  
Хумор лирам чорлар афтода!  
Орзуларга етармикан қўл?  
Ва ким англар мени дунёда?»  
Англамади аммо Анатоль\*...



---

\* *Анатоль* — француз ёзувчиси Ж. Жаненнинг «Иқрор» (1830 й.) романи қаҳрамони.

## 1831

\* \* \*

Азиз қабр бошига келиб  
 Жим турарман, бошимни эгиб...  
 Атроф борлиқ ухлар;  
   чироқлар фақат  
 Қасрга зар сочади тунда,  
 Мармар устунлари солади ваҳшат,  
 Ва туғлари, тикилган унда.

Ором олар ўша ҳукмдор,  
 Шимолий лашкарга чўнг сардор,  
 Улкан салтанатга мўътабар посбон,  
 Ёв боши хам эди қаҳридан,  
 Шу қолди шавкатли тўла бир осмон,  
 Екатерина бургутларидан.

Қабрингда ҳайратлар яшайди!  
 Бизга рус ҳайқира бошлайди;  
 Сабоқ берар ҳамон ўша замондан  
 Халқ даъвати, ишончи қалбинг  
 Муқаддас бурчингга чорлаган ондан:  
 «Бор, халос эт!»

Турдинг — қутқардинг.

Содиқмиз, садомиз эшитгил,  
 Шоҳни, бизни, тур, халос этгил,  
 О, даҳшатли қария! Бир онга фақат

Аён бўл қабрнинг бошида,  
Аён бўл: бағишла ғайрат-у ҳайрат  
Сендан мерос қўшин қошида!

Аён бўл ва қўлингни узат,  
Сардорлардан шахд этиб кўрсат,  
Ворисинг ким бўлар,  
танлаганинг ким!  
Аmmo қаср сукутга чўмган,  
Ва сенинг жанговор сағананг ҳам жим,  
Осойишта, абадий тинган...



### Акс садо

Ўкирарми йиртқич ўрмонда, овлоқ,  
Чалинарми бурғу, чақарми чақмоқ,  
Ё гўзал куйларми адирда янгроқ —  
    Ҳар садо, ҳар сасга  
Ҳаволар ичида жавобинг муштоқ,  
    Янграйди бирпасда.

Тингларсан: қалдироқ нидоларини,  
Бўронлар, долғалар садоларини,  
Қишлоқ чўпонлари наволарини —  
    Ва жавоб қиларсан;  
Лекин сенга жавоб йўқ... Қани  
    Шоир, не тиларсан!

\* \* \*

Қанча тез-тез қилса тантана  
Лицей ўз таваллуд кунини,  
Эски давра шунча тор яна  
Сиқилар оила йиғини,  
Шунча сийрак; шунча байрамлар  
Қувончи кечади қайғули;  
Шунча сассиз қадаҳ жаранглар,  
Қўшиғимиз шунчалар мунгли.

Шундай эсар азалий бўрон  
Ва бизларга туюлар ногоҳ,  
Навқиронлар базмида нолон  
Қалбимизни қиймалайди оҳ;  
Биз улғайдик; тақдир зарбаси,  
Турмуш синаб борар беомон,  
Орамиздан ўлим шарпаси  
Тошиб олар ўзига қурбон.

Бўш турибди олтига ўрин,  
Олти дўстни бошқа кўрмасмиз,  
Бир-биридан олис ухлар жим —  
Ким бунда, ким ҳарбийда ёлғиз  
Ким уйда, ким бегона ерда;  
Кимни касал, ҳасрат кимнидир  
Тортиб кетган қора, зах ерга,  
Барин эслаб, йиғладик, ахир.

Ва ўйлайсан, навбатим, чоғи,  
Чорлар азиз Делвигим оҳи,  
Ёшлигимнинг жўшқин ҳамроҳи  
Ёшлигимнинг ғамгин ўртоғи,  
Ёшлигимиз шўх қўшиқлари  
Ва соф фикр, базмга ошно,  
Аждодларнинг шарпаси сари  
Бизни абад тарк этган даҳо.

Яқинроқ, ў, азиз дўстларим,  
Яқин давра қурмоқлик керак,  
Марҳумларга битди сўзларим,  
Тирикларга умид муборак,  
Умид ила қачондир яна  
Лицей базми бўлган замонлар,  
Қучайлик, ким омондир яна,  
Қўрқитмасин янги қурбонлар.





1832

## Нозанин

(Г\*\*\* альбомига)

Бунчалар келишган, бунча, ажабо  
Олам, эҳтиросдан юксак бариси;  
Ибо, ҳаё ила этгай таманно  
Сипо, салобатли чирой париси;  
Атрофига аста наззора этар:  
Унга\* рақиб а йўқ, йўқ ўртоқлари;  
Рангпар даврамизда гўзаллар бари  
Унинг ёғдусига кўмилиб кетар.

Қаерга бўлса-да, ошиқсанг ҳамки,  
Ҳаттоки ёр билан висолинг томон,  
Ҳар не бўлсин, дилдан тошиқсанг ҳамки  
Сен асраган орзу, хаёлинг томон, —  
Аммо уни кўргач, ҳайрат ичра лол  
Ногоҳ, беихтиёр тўхтаб қолгайсан,  
Азиз билгайсан-у сажда қилгайсан  
Муқаддас гўзаллик қошида алҳол.



\* Петербургнинг гўзал аёлларидан бири графиня Елена Михайловна Завадовская (1807—1874)га бағишланган.


\* \* \*

...га

Йўқ, йўқ, керак эмас, журъатим етмас  
Севги тугёнига тушмам телбадай;  
Кўнглимнинг тинчини сақлагайман, бас,  
Юрагимни ёқмай, яна эсламай;  
Бас, севиб бўлганман; баъзида аммо  
Учқур хаёлларга топмай тоқатлар,  
Олдимдан ўтганда ногаҳон барно,  
Навниҳол, беғубор, гўзал хилқатлар,  
Ўтар, ғойиб бўлар?.. Мумкинмас, наҳот  
Мунгли завқ-шавқ ила ҳавасда боқсам?  
Жимгина ортидан кузатган заҳот  
Иқболини тилаб, дилимни ёқсам,  
Ниятим — бир умр бўлсин бахтиёр,  
Қалбига шодлигу беташвиш олам,  
Барига — ҳатто бахт, қиз танлаган ёр —  
Шу қизни рафиқа атаганга ҳам.

### Альбомга

Хукмдор хукми-ла қувғинда  
Дабдабали Московдан йироқ,  
Эслагайман сиз боис унда  
Чаман бўлган жойларни, бироқ,  
Пойтахт шовқинидан дил зада;  
Доим ғамгин яшарман унда —  
Фақат сиздан қолган хотира  
Эслатади Московни менга.



\* \* \*

Боргим келди кўнгил майлига,  
Қайтиб ўтган кунлар сайлига  
Дўстлар ила хотирлаш ширин,  
Ўтиб кетган ёшлигим сирийн.

-----

Кетдим олис ўлкалар томон\*;  
Шовқинга... йўқ иштиёқ ҳамон,  
Изламадим олтин, шон сира,  
Қилич-қалқон ёлқини ичра.



---

\* 1829 йилдаги Тифлис ва Арзирумга сафар ёдномаси.

## 1833

\* \* \*

Худойим, ақлимдан оздирма.  
Йўқ, авлодир таёғу тўрва;  
Йўқ, яхшиси, тинчлик ва меҳнат.  
Йўқса, менинг бу ақлим бирлан  
Қадр этганим; йўқса, улардан  
Айро тушмоқ хуш келмас, албат:

Мени қолдиришса ушбу дам  
Озодликда, саркаш бўлсам ҳам,  
Кетар эдим ўрмонга кириб!  
Куйлармидим алаҳлаб, ёниб,  
Унутилиб, мастона, қониб  
Турфа ширин хаёллар суриб.

Тўлқинларни тинглармидим мен,  
Бахтга чўмиб бўйлармидим мен  
Бўм-бўш осмон кенглиklarига;  
Кучли, эркин бўлармидим мен,  
Қуюн каби елармидим мен  
Сурон солиб ўрмон қаърига.

Кўргулик шу: ақдан озсанг,  
Ўлат каби қўрқинч, ҳолинг танг,  
Қилишади сени қатағон,  
Аҳмоқнинг занжирин боғлашар,  
Қафасда ҳайвонга чоғлашар,  
Мазах қилиб қийнар беомон.

Тунда эса, эшитгум абас  
Булбулларнинг шўх созин эмас  
Ё ўрмоннинг шовқин оҳангин —  
Дод-вой солар дўстларим тинмай,  
Тунги нозир сўкинар жилмай,  
Кишан сасин, занжир жарангин.

\* \* \*

Шаффоф дала, кумушланади  
Ҳам чипор, ҳам тўлқинсимон қор,  
Ойдин, учта тулпор елади  
Йўл четида устунлар қатор.

Куйла: жонга тегса йўл агар,  
Йўл-йўлакай, зулматли тунда.  
Қадрдон сас менга руҳ магар,  
Мард йигитнинг қўшиғи унда.

Куйла, ёмчи! Мен ташна, сассиз  
Хиргойингни аста тинглайин.  
Чароғон ой нурланар беҳис,  
Олис шамол увлаши ғамгин.

Куйла: «Пайраха, пайраҳажон,  
Ёнмагайсан нега чароғон?»

.....



\* \* \*

Қўнғироқлар жаранглар,  
Ноғоралар даранглар,  
    Одамлар-чи одамлар —  
    Боғда битган бодомлар!  
    Одамлар-а, одамлар  
Лўли қизга аланглар.

Лўли қиз ўйнар дилбар,  
Ноғорасин чалар гоҳ,  
Алвон этагин силтар,  
Ёқимли куйлар, оҳ-оҳ:  
    «Қўшиқчи, раққосаман,  
    Аврашга хўп устаман».





## 1834

\*\*\*

Хайр, дўстгинам\*, хайр!

Бу юрак истар ором —  
Кун ортидан кун учар, ҳар лаҳза юлар мудом  
Умримиздан бир чимдим,  
биз — сен билан иккимиз —  
Яшашни режалаймиз...

Боқсак — ўтмиш умримиз.  
Бу оламда бахт йўқдир, аммо эрк бор, бор ором.  
Кўпдан дилда ниятим осойиш топсам тамом —  
Кўпдан, қочмоқ ўйи бор дилда, ҳорғин қул каби,  
Меҳнат ва фароғатнинг олис ошёни сари.



---

\* Шоирнинг рафиқасига мурожаати, афтидан 1834 йилда истеъфога чиқиш борасидаги муваффақиятсиз уринишдан кейинги кечинмалар.

\* \* \*

Қабристонда\* турибман ғамгин.  
Чор атрофга боқсам — яланглик.  
Ўлимнинг муқаддас мулкиким,  
Қуршаб олмиш қум, чўли малик.  
Мангу оромгоҳдан нарида  
Қишлоқ йўли чўзилиб ётар,  
Баъзида юк ортган арава  
..... тарақлаб ўтар.  
Теп-текисдир, ўнг-у чап, қара.  
На анҳор, на тепа, на дарахт.  
Бир ерларда бута, оғочлар.  
Соқов тошлар, қабрлар фақат  
Ва ёғочдан қилинган хочлар.  
Бари бир хил, ғамгин, мусибат.

---

\* Болдинодаги қишлоқ қабристони.

\* \* \*

Мовий тоғ боши оқ, нимдир асти?  
Қор эмасми ёки оқ-оппоқ қушлар?  
Қор бўлса — эрирди, ҳозир қолмасди,  
Учиб кетар эди — бўлса оқ қушлар.  
Бўлмаса ўшал оқ на оққуш, на қор,  
Ҳасан оға тиккан оқ чодир эрур.  
Унда ётар ўзи оғир ярадор  
Кўргани онаси, опаси келур.  
Севгани келолмас, уялади у.  
Оғриқ азоблари кетиб нарига  
Амр этди севикли вафодорига:  
«Менинг оқ уйимдан излама мени,  
На уй, на қавмимга сўзлама мени».  
Эрининг гапини эшитган замон  
Фам-андухга ботди Кадуна нолон.

Ҳовлидан келганда отлар дупури,  
Юрак ёрилгудай, чиқиб югурди,  
Дарчадан тушгудай, бағрини тиглаб;  
Эргаши иккита қизчаси йиғлаб:  
«Ортинга қайт, азиз онажонимиз,  
Эринг Ҳасан оға келмади ҳаргиз,  
Келган аканг экан, ҳа, Пинторович».  
Эшик очди Ҳасан оға хотини,  
Акаси бўйнига осилди бирдан —  
«Оғажон, шарманда қилди-ку мени!  
Сарсон қилди, ахир, беш болам билан».

1835

*(Анакреондан\*)**Парча*

Чопқир отни синарлар  
Тамға, туёқларидан;  
Манман парфни биларлар  
Узун кулоҳларидан;  
Бахтли ошиқ-маъшук гар,  
Билгум нигоҳларидан:  
Чақнайди хумор кўзи —  
Беҳаё лаззат изи.




---

\* Анакреон — милоддан аввалги VI—V асрларда яшаган юнон шоири.

## LVI ода

*(Анакреонган)*

Оқариб, тўкилади  
Сочлар — бошим шукуҳи,  
Тишларим лиқиллади  
Ва сўнди кўзлар чўғи.  
Оз қолди ширин умр  
Энди куним санайман:  
Ҳисобли дунё, ахир,  
Шарпам кутар жаҳаннам,  
Тирилмасмиз биз асло,  
Унутдир у ёқ мангу:  
Ҳаммага очиқ, аммо,  
Борса келмас йўлдир бу.



## LVII ода

*(Анакреондан)*

Нега менинг қадаҳим бўм-бўш?  
Чаққон бола, менга қуйгин май.  
Фақат ўткир май бўлмасин, хўш,  
Тоза сув ҳам қўшгин эринмай.

Биз саклармас, истамайман ҳеч,  
Майхўрлик бу — дўстларим, кулфат:  
Йўқ, май ичиб, куйлайман ҳар кеч  
Ё қургайман чин дилдан суҳбат.



\* \* \*

Қайси маъбуд бахш этди бардош  
Илк бора хужумга ўтганда,  
Сўнгра кўрдик не жанг-у талош  
Эрк шарпасин излаб кетганда  
Бизга ёвқур Брут бўлиб бош?  
Эҳ, ким билан жангга чорловни  
Унутгандим чодирда сархуш,  
Ва пахмоқ сочиму мўйловни  
Шом мойи-ла ёғлаганда хуш?

Эслайсанми ўша қиронни,  
Қўрқиб титраб, бағримни тилиб,  
Қўрқиб қочдим, ташлаб қалқонни  
Тавба қилиб, тавалло қилиб?  
Қандай қўрқдим!

Қанақа қочдим!

Булут чорлаб Эрминий\* зимдан  
Буркаб мени, олисга учдим  
Ва қутқарди аниқ, ўлимдан.

Сен эса, арзанда қалбимга,  
Яна жангда юрибсан ёвқур...  
Ва Рим сари қайтибсан ҳозир,  
Қоронғу ва оддий кулбамга.  
Ўтир, сенга уйимнинг тўри,

\* Эрминий — қадимги олмонларда уруш худоси.

Коса беринг. Қуйгил аямай,  
Сенга хушбўй шаробим зўри.  
Қуй, болакай!

Гулчамбарлар шай.  
Кел, бемалол, энди бошлайлик:  
Ичгим келар ёввойи сақдай.  
Дўстим, қани дийдорлашайлик,  
Ақл-хушим майга фарқ этай.





## Дарбадар

### I

Бир куни мен ғалати водий бўйлаб кезардим,  
Ногоҳ менга офир дард илашганин сезардим  
Ва зилдай юк босгандай дил ғаш, қаддим эгилди,  
Гўё судда мен қотил эканим фош этилди.  
Бошим эгиб азобдан, иккала қўлим титраб,  
Фигон чекиб, қичқириб, қийноқ, азобда йиғлаб  
Ва аччиқ такрорладим, куйдим бемору бесар:  
«Энди нима қиламан? Энди ҳолим не кечар?»

### II

Мана шундай ҳасратда уйимга қайтиб келдим.  
Дарду ғамим ўзгалар тушунмас эди, билдим.  
Болалар, рафиқамга аввало сукут сақлаб,  
Ва қайғули ўйларим яширдим, ўзим оқлаб;  
Аммо дардим тобора кучайиб, ҳолим душвор;  
Ва ниҳоят юрагим тўкиб солдим мен зор-зор.

«О мусибат, мусибат! Болаларим, хотиним! —  
Дедим шунда: билингиз; юрагим тўлди лим-лим  
Ҳасратга ва даҳшатга, дардларим ғоят офир  
Мени эзиб ташлайди. Келяпти! Вақти ҳозир:  
Бизнинг шаҳар ёнғинга, тўфонга бўлган маҳкум;  
Кули кўкка соврулгай, яқинлашди ўша кун  
Ва ҳаммамиз ўлармиз, улгурмасмиз, йўқ фурсат;  
Жон сақлашга жой борми,

уйим куйди, мусибат!»

## III

Менинг уйимдагилар хижолатда қолишди  
 Ва ақддан озган деб мени ҳисоб қилишди.  
 Аммо ўйладиларки, кечаси олсам ором  
 Иситмам тушар аста, совуб даво топар жон.  
 Ётдим, аммо тун бўйи йиғладим, ҳеч тинмадим,  
 Бир лаҳза ҳам, тошдай зил кўзларим юмолмадим.  
 Тонггача ухлолмадим, жойимга ётолмадим.  
 Ёнимга келсалар ҳам айтганимдан қолмадим,  
 Саволга жавоб ўша. Шундан сўнг яқинларим  
 Менга ишонишмади, зарур деб билдилар дим,  
 Қаттиққўлроқ бўлишни. Улар жуда дарғазаб  
 Дўқ — пўписа қилишиб, тўғрироқ йўлга тергаб  
 Солишмоқчи бўлишди. Шунга қарамай аммо,  
 Оҳ-воҳ қилдим, йиғладим, хилватда ўзим танҳо.  
 Ва ниҳоят чарчашди ортиқ бақир-чақирдан,  
 Қўл силташиб ҳолимга, умид узди фақирдан,  
 Худди телбадай ўзи, алжираш, йиғи: демак,  
 Ўйлашдан зерикишди, менга зўр табиб керак.

## IV

Мен яна дайдиб кетдим — елкамда бир дунё ғам  
 Атрофимга аланглаб, кўзимда қўрқув, алам,  
 Тутқун мисол қамоқдан қочишни хаёл қилган,  
 Ё йўлчи, ёмғиргача бир бошпана қидирган.  
 Бир руҳоний заҳматкаш — занжирини судраган,  
 Йигитчани учратдим, қўлда китоб, мудраган.  
 У аста назар солди, сўради ҳолимни ҳам  
 Нега ёлғиз дайдийсан, йиғлайсан, дилда алам?  
 Жавоб айладим: «Тушун, аянч тақдир ҳисоби:  
 Ўлимга маҳкумман мен ва кутар  
 гўрнинг азоби —

Шундан сарсон кезаман; жазога эмасман шай,  
Ва ўлимдан қўрқаман».

— Ҳамонки, тақдир шундай, —

Эътироз билдирди у, — бошингда шунча хатар,  
Нени кутасан? Нега кўчиб кетмайсан бадар?»

Мен дедимки: «Қаерга? Қайси йўлдан кетайин?»

У деди: «Айт, олдингда нимани кўрдинг тайин» —

Менга боқди йигитча, олисларга чўзиб қўл.

Кўзларим катга очиб, назар ташлаб ўнгу сўл,

Табиб кўзини очган сўқирдай эдим ғоят.

«Қандайдир нур кўряпман» — дея олдим ниҳоят.

«Борсанг-чи, — давом этди:

— ўша нурга қараб юр;

Майли, ўша сен учун ягона манзил бўлур,

Токи ўша халоскор дарвозага етганча,

Тўхтама!» — мен шошилдим ўша ёққа кетганча.

## V

Уйдагилар тушишди бу ҳолимдан ташвишга,

Хотиним ва болалар бошлади қичқиришга,

Тезда ортга қайтгин деб. Уларнинг қичқириғи

Майдондаги танишу билишларимни йиғди;

Бири мени, бошқаси хотинимни тергади,

Танбеҳ берди битгаси, бошқаси-чи сургади,

Кимдир мени койиди, яна кимлардир кулди,

Кимдир қўшнига айтиб йўлдан қўймоқчи бўлди.

Бошқалари ортимдан қувди; мен аллақачон

Шаҳарнинг майдонидан чопиб ўтгандим чаққон,

Токи тезроқ кўрай деб — бу ерларни тарк этдим,  
Халоскор тўғри йўлдан дарвоза сари кетдим.



\* \* \*

Менинг кузги кунларим бекор,  
 Ёзмоқ учун қанчалар хуш дам,  
 Сиз, дўстларим, айтасиз такрор  
 Давом этса унут ҳикоям\*.

Гапларингиз тўғри, бегумон,  
 Беадаблик, қоларлик ҳайрон,  
 Роман битмай, тўхтаб негадир  
 Берармилар нашрга ахир.  
 Қаҳрамоним энди не қилсин,  
 Бир йўл топиб уйламоқ даркор,  
 Сўнгги чора, ўлдириш ҳам бор,  
 Бошқалар ҳам ўз ўрнин билсин,  
 Барчасига қилиб хуш таъзим,  
 Чигалиқдан чиқармоқ лозим.

Сиз дейсизки: «Худога шукр,  
 Онегининг ҳозирча тирик,  
 Роман чала, оз-оздан, бир қур  
 Олға босгин, бўлма бунчалик.  
 Довруқ солсин,

бергин рағбат ҳам,  
 Тўлов йиғ дам мақтаб, сўкиб дам —  
 Шаҳардаги пўримларни чиз  
 Ва қолмасин четда ширин қиз,

---

\* «Евгений Онегин» шеърий романини давом эттириш ҳақида дўстларига ёзган уч хатдан бири.

Уруш, базм, сарой ва кулба,  
Чердак, чайла... ҳа, яна ҳарам,  
Бизларга ҳам қилиб сал карам  
Китобни сот, ўртача пулга,  
Ҳар китобга беш сўмдан олгил —  
Худо ҳақи, солиқлар енгил».



\* \* \*

Қашшоқлик! Ниҳоят ҳис этдим, билдим\*  
Сабофингни, аччиқ! Не гуноҳ қилдим  
Бунча жабр, қувфин, тақдир ғазаби,  
Душманлар қувончи, фитна азоби?..  
Мен нималар қилдим, бой бўлганим пайт,  
Мақсадим уларни эслатиш эмас:  
Сукутда эзулик яралиши шарт.  
Ортиқча изоҳлар керак эмас, бас.  
Бу ерда чархлайман ўйларим, дилдан  
Ҳис этгум, бутунлай ўлганимча йўқ  
Бошга тушган кўргулик билан.



---

\* Инглиз ёзувчиси Барри Корнуоланинг «Бургут» дра-  
масидаги Федерико монологидан парча таржимаси.

\* \* \*

— Кўрмадингми, ҳой, гўзал,  
Тулпорим менинг?

— Мен кўрдим, кўрдим ўшал  
Тулпоринг сенинг.

— Ҳой, гўзал, у қаёққа,  
Елиб кетибди?

— Отинг елди, хув ёққа,  
Дунай дарёга.

Қочиб бораркан отинг  
Сени қарғади,  
Сени қарғади.

.....


— Ой кэ —

## 1836

\* \* \*

Саҳройи оталар, маъсум аёллар  
Кўнгилга ғойибдан йўллаб хаёллар,  
Талотўплар аро тутгувчи маҳкам  
Илоҳий дуолар тўқишган бир дам;  
Аммо таскин бермас менга ҳеч бири,  
Гўё такроридай туюлар бари  
Рўза кунидаги руҳоний сўзин;  
Аммо пичирлайман кўпроқ кундан-кун  
Йиқилганни қўллар ғойибдан бу куч:  
Ҳаётим меҳвари! Ҳавойи руҳ, пуч  
Хиёнатдан асра — минг бошли илон;  
Қуруқ сафсатадан кўнглимни мудом.

Бироқ кўрсат, эгам, гуноҳларимни,  
Укам эшитмайди айтган гапимни,  
Итоат, сабр бер, меҳру муҳаббат,  
Тирилтир қалбимда имоним абад.





### Exegi monumentum\*

Ўзимга ҳайкал қўйдим, бундай тиклай олмас қўл  
 Ўт босмас унга борар халқ сўқмоғи устидан.  
 У юксақ, итоатсиз боши кўкка тутган йўл,  
 Александр устунидан.

Йўқ, ўлмайман,  
                     боқийман — қалб табаррук лирамда,  
 Хоким сочилиб кетгай, бебақо бўлгай охир —  
 Шарафга кўмилгайман, ой нур сочган оламда  
                     Тирик экан то бирон шоир.

Мен ҳақимда алқовлар юрар буюк Рус бўйи,  
 Ва унда бор тилларда отим атарлар ҳар чоқ;  
 Мағрур славян набираси, фин ва ҳозир ёввойи  
                     Тунгус, даштлик ошно қалмоқ.

Одамлар меҳри ила замонларга бўйлагум,  
 Мен созимда уйғотиб эзгу туйғулар фақат,  
 Бераҳм асримда ҳам эркинликни куйладим,  
                     Ночорларга тиладим шафқат.

Тангри иродасига, илҳом, бўл итоатда,  
 Гулчамбарга кўз тикма, қўрқма берсалар озор,  
 Мақтов ва тухматларга парво қилма, албатта,  
                     Ва аҳмоққа тенг бўлма зинҳор.

---

\* «Мен ҳайкал тикладим» (лот). Горацийнинг «Мельпоменага» номли одасидан олинган эпиграф.

## Езерский

*(Достондан парча)*

Қоп-қоронғу Петроград узра,  
Булут қувар куз шамоллари,  
Осмон рутубатли хўрсинар,  
Нева шовқин. Тўлқин сарсари  
Бош уради тик бандаргоҳга,  
Даъвогардай, дил тўла оҳга,  
Қоққандай суд эшигин. Ёмғир  
Ойна чертар. Тун қошлар ҳозир  
Ҳаммасини бирдай. Айни дам  
Иван Езерский, ён қўшним,  
Тангу тор уйига кирди жим.  
Қай уруғ, қай қавмдан бу одам,  
Амали не, ким бўлган бу кас,  
Жаноблар, билсангиз ёмонмас...



\* \* \*

Кеча оқшом гўзал Лайло  
Кетиб қолди қилмай парво.  
Деган эдим: «Тўхта, қаён?»  
Деди суриб мени бир ён:  
«Қара, бошинг оппоқ-ку, қор».  
Маҳмадона, билмас не ишқ,  
Жавоб бердим: «Ҳар бошда бор!  
Неки эди қоп-қора мушк,  
Энди бўлди кофур, дилдор».  
Аммо Лайло кулди тугун  
Гапларимга хўп беаёв:  
«Биласан-ку, — деди гулгун, —  
Мушк сепарлар келин-куёв,  
Кофур эса, тобут учун».

\* \* \*

Альфонс\* тулпорига минади шитоб;  
 Узангидан тутар хўжайин шу тоб.  
 «Жаноб, қулоқ солинг гапимга ахир:  
 Йўлга чиқиб бўлмас, бемаҳал ҳозир,  
 Тоғу тош хатарли, кун оғди, бироқ,  
 Кейинги қўналға жуда ҳам узоқ.  
 Бунда қолинг: овқат сузаман дарров,  
 Ўчоққа қаланган, гуриллар олов;  
 Жой солай, озгина ухлаб олингиз,  
 Отхона тарафга тортар отингиз».  
 «Йўл юриш одатим, доим бадастир,  
 Кечами, кундузми, йўл бўлса басдир, —  
 У жавоб айлайди.

— Менга ярашмас,  
 Нелардандир кўрқиб йўлдан қолиш, бас;  
 Дворянман — на ўғри ва на-да шайтон,  
 Ҳеч ким тўхтатолмас бир жойда бир он,  
 Мен ўз хизматимга шошилганимда».  
 Ва дон Альфонс отни ниқтади шунда,  
 От йўрғалаб кетди. Рўпарасидан  
 Чиқди фақат тоққа борар йўл бирдан,  
 Жимжит ва торгина дарадан ўтди.

\* Граф Ян Потоцкийнинг «Dix journées de la vie d'Alphonse Van-Worden» номли француз тилида ёзилган романидаги эпизодлардан бирининг талқини. Бу романни Пушкин юқори баҳолаган.

Мана, водийга ҳам у бориб етди;  
Қандай манзаранинг олдидан чиқар?  
Чор тарафи сахро, овлоқ, яланглик...  
Бир четда қаққайиб дор турибди тик,  
Дорда икки жасад қўйилган осиб,  
Уни кўриб, тўзғиб учишар, қочиб  
Бўккан қузғунларнинг қора галаси,  
Яқин борганида қайтди нафаси...  
Икки алп жасади, икки қаҳрамон  
Иккита оғайни, шарафли ўғлон.  
Кўпдан осиқ дорда жасадалар бироқ,  
Ўғри, каззобларга бўлсин деб сабоқ.  
Осмон ёмғир билан ивитганди хўп,  
Қуёш қуритганди, мисли олов, чўғ,  
Сахро шамоллари тебратгани чоқ,  
Қузғун учиб келди, иши чўқимоқ.  
Одамлар ичида тарқалди миш-миш,  
Тунда бу мурдалар дордан тушармиш,  
Кун чиққунга қадар озод кезармиш,  
Душманлардан қасос олиб келармиш.

Альфонсинг тулпори сапчиди кишнаб  
Дордан ёнлаб ўтди, жиловни силтаб,  
Енгил сакраб, бирдан чошиб кетди у,  
Устида чавандоз, билмас не қўрқув.



### Яковлевга мактубдан

Бир балога йўлиқтирди Смирдин\*;  
Тужжорга ҳафтада жума етти кун.  
Унинг пайшанбаси, аслида ҳам чин  
Пайшанба саналар, ёмғирдан кейин.

---

\* Александр Филиппович Смирдин (1795–1857) – китоб сотувчи ва ношир.

## 1827—1836

\* \* \*

Билмайман қайдадир, аммо биздамас,  
Иззату ҳурматга лойиқ лорд Мидас\*,  
Феъли бузуқ, диди пастроқдир, —  
Сирпанчиқ йўлларда йиқилмай охир,  
Амал зинасидан эмаклаб ҳисоб,  
Ниҳоят, бўлдилар таниқли жаноб.  
Яна икки оғиз Мидас ҳақида:  
У ҳечам асрамас ўйу ақлида  
Теран фикрлару учқур ўйларни;  
Ақли ҳаминқадар, ҳушёр сўйларди,  
Қалби жасоратга мойил эмасдир,  
Аммо расмий, жиддий, одобли, басдир.  
Менинг қаҳрамоним ялтоқилари,  
Уни мақтамоқни эполмай бари,  
Эълон қилишга бир нозик қарор...



---

\* Эпиграмма М.С. Воронцовга бағишланган.

\* \* \*

Нечун жамолига мафтун бўлдим мен?  
Нечун айриламан, энди ўлдим мен!?  
Агарда мен тантиқ бўлмаганимда,  
Лўлидай саргашта юрмаганимда...

-----

Сизга нозли боқар унинг кўзлари,  
Негадир пойма-пой бўлди сўзлари,  
Қандай латофатли, қанчалар қувноқ,  
Бунча тугён тўла кўзлари чақмоқ,  
Кеча оқшом шундай моҳира, муштоқ,  
Безалган столнинг остидан аста  
Оёғин узатди менга у пастдан.





\* \* \*

Ў йўқ, яшаш жонга текканича йўқ,  
Ҳаётни севаман, яшагим келар,  
Кўнгил ҳали тамом чўкканича йўқ,  
Ёшлик ўтса ҳамки, дил ҳисга тўлар.

Ҳали завқу шавқин сақлағай қалбим  
Кўнгилнинг тизгинсиз истакларига,  
Хаёлларнинг гўзал тушлари учун,  
Туйғуларга ..... бари-барига.



\* \* \*

Теран дарёлар  
Оқарлар сокин.  
Чин авлиёлар  
Яшайдилар жим.



## ДОСТОНЛАР

## ЛЎЛИЛАР

Сершовқин лўлилар тўдаси  
 Кўчиб юрар Бессарабияда.  
 Бугун улар дарё ёқаси —  
 Тунар ямоқ чодир — уяда.  
 Қандай эркин, қувноқ бу тунаш,  
 Ширин уйқу осмон остида.  
 Арава-ю филдирак туташ,  
 Яримосиқ гилам пастида,  
 Олов ёнар; гирди хонадон  
 Кечга таом тайёрлар; отлар  
 Ўтлар тузда; чодирдан у ён  
 Ўргатилган айиқ бўш ётар.  
 Чўл кафтида жўшқиндир бари:  
 Тотув турмуш ғам-ташвишлари,  
 Тонгда яқин йўлга шай улар,  
 Аёл куйлар, бола қий-чувлар  
 Йўлга чорлар сандоннинг саси.  
 Аммо, мана кўчманчи табор  
 Узра тушар уйқу шарпаси,  
 Ва тинч чўлда безовталиқ бор:  
 Ит ҳуриши, отлар кишнаши.  
 Ўчирилган гулханлар бари.  
 Атроф сокин, ой сочиб зарни,  
 Кўк тоқида танҳо, сарсари  
 Ёритади жимжит таборни.  
 Бир чол бедор, чодирда танҳо;  
 Кул босган чўғ олдида хомуш,

Қолган тафтдан исинган асно  
Чексиз даштга тикилиб қолмиш,  
Тун ҳовури тушган паллада.  
Унинг қизи, дуркун бўлганди,  
Сайр қилиб чиққан, далада.  
Саркашликка жуда ўрганди,  
Қачон келар; лек тун, орада  
Ҳализамон тарк этар ой ҳам  
Булут босган олис осмонни —  
Земфирадан дарак йўқ, қайдам,  
Совуб қолди чолнинг ёвғоии.

Ҳа, мана у; унга изма из  
Чўлдан шошиб йигитча келар;  
У лўлига ўхшамас ҳаргиз.  
«Отажоним, — қиз изоҳ берар, —  
Меҳмон келди; қўрғондан нари  
Топиб олдим саҳродан уни  
Ва чорладим ўтказ деб тунни.  
Бўлмоқчи биз, лўлилар каби;  
Уни таъқиб этмоқда қонун,  
Дўст бўламан мен ўзим аммо.  
Унинг исми Алеко; букун  
Мен билан шай кезмоққа дунё!»

### Қария

Мен хурсандман. Бўл тонггача то  
Бошпанадир бизнинг чодир, ё  
Кейинча ҳам қолсанг, бизга ўт,  
Хоҳлаганинг. Тайёрман ҳар дам  
Ноним, жойим кўрмоққа баҳам,  
Бизники бўл, тутумимиз тут,  
Қашшоқ, эркин юриб дайдиর্মиз;

Эртага-чи, тонг отганда биз  
 Бир арава кетармиз қайтиб;  
 Бир хунарни ўрган, айна пайт:  
 Темир қуйгил ёки қўшиқ айт,  
 Қишлоқ айлан, айиқ ўйнатиб.

### Алеко

Мен қоламан.

### Земфира

Меники бўлар:

Уни мендан ҳайдаб солар ким?  
 Лек кеч бўлди... ва янги қамар  
 Чикди; зулмат далани қамрар  
 Мени уйқу элтаётир, жим...

-----

Ёруғ тушди. Аста кезар чол  
 Жимжит чодир гирдида қайтиб.  
 «Кун чикди, Земфира: тура қол,  
 Тур, меҳмоним! Уйғониш пайти!  
 Бас, рафлатда қолмагин, қара!..»  
 Ёйилади тўполон табор,  
 Чодир йиғиқ; оту арава,  
 Таппа-тайёр сафарга, қатор;  
 Ҳамма бирдай силжир: ва мана  
 Тўда жўнар дашт бўйлаб шартта.  
 Эшакка ортилган саватда  
 Ўйинқароқ болалар кетар,  
 Эр-йигит, қиз, хотин — барчаси,  
 Қари-ю ёш, изма-из ўтар;  
 Шовқин-сурон, лўли яллеси,  
 Айиқ ўкрар, унинг занжири

Жаранглайди, бесабр ҳайвон,  
Олачалпоқ, ажойиб пахмоқ,  
Болалар ва чоллар юпунроқ,  
Итлар ҳурар ва увлар чунон,  
Арава фижири, миш-мишлар —  
Бари ночор, ғалат, бетартиб;  
Аммо илдам, нотинчлик ортиб,  
Ғафлат оромга бегона ишлар,  
Шунчалар ёт ҳаёт, ёввойи,  
Гўё қуллар қилар хиргойи!

-----

Йигит боқди ортига маъюс  
Ҳувиллаган кенгликлар сари  
Ва дилдаги орзиқиш сири  
Недан, англай олмади ҳаргиз.  
Земфираси, қарокўз ёнда,  
Энди у ҳам озода жаҳонда  
Бошларида чарақлар офтоб  
Чошгоҳдаги чехраси ёрқин;  
Нима ёқар бўз йигит қалбин?  
Қандай дардан безовта шу тоб?

Эгамнинг қушчаси билмас  
На заҳматни, на меҳнатни;  
Жон куйдириб ташимас хас  
Мангу уя қурмоқ шартми;  
Мудрар узун тун бутоқда;  
Алвон бўлиб чиқар офтоб:  
Шукр қилиб қуш шу чоқда,  
Куйлаб, қанот қоқар шитоб.  
Баҳордан сўнг, оламга зар,  
Жазирама, ўтади ёз —

Туман, совуқ изфиринлар  
 Келтирар кеч кузак, аёз:  
 Одам диққат, унга азоб;  
 Қушча олис юртлар томон,  
 Мовий денгиз узра шу тоб  
 Баҳоргача кетар омон.

Мисли беғам қушчадай учиб  
 У ҳам қувфин, кетганди кечиб,  
 Тополмади бир жойда қўним,  
 Кўникмади бир нега кўниб.  
 У ҳар ерда йўлнинг измида,  
 Тўғри келган манзили паноҳ,  
 Тонгда туриб Худо измига  
 Кунларини топширар ногоҳ,  
 Ва ҳаётда ҳеч бир ғам-ташвиш  
 Мудроқ қалбга уролмади ниш.  
 Гоҳо шуҳрат жодуси — илинж  
 Имлар эди юлдуздай, олис;  
 Кутилмаган дабдаба, овунч  
 Унга аён бўларди илкис —  
 Сўққабоши устида баъзан  
 Гумбурлади тез-тез қалдироқ;  
 Лек бўронга парво қилмасдан  
 Очиқ кунда босарди мудроқ.  
 Ҳокимиятни тан олмай ўтди,  
 Маккор, сўқир тақдир измин ҳам —  
 Лекин, Тангрим!

Эҳтирос қўпди  
 Унинг сокин қалбин чинакам!  
 Қанчалар бу изтироб қайноқ,  
 Азобланди юраги қурғур!

Кўзданми, тин оларми узоқ?  
Уйғонади улар: шошмай тур.

-----

**Земфира**

Айт-чи, дўстим: ачинмайсанми  
Бутунлай тарк этганларингни?

**Алеко**

Нени тарк этдим?

**Земфира**

Билмайсанми:

Юртдошларинг, шаҳарларингни.

**Алеко**

Нега ачинайин? Билсайдинг,  
Сен ўзинг бир фикр қилсайдинг,  
Қандай тутқун бу дам шаҳарлар!  
Одамлар зич, тўсиқ ичра дим,  
Симиришмас тонгларда насим,  
Майсалар бўй сочмас баҳорлар;  
Севги уят, соф фикр қувгин,  
Ўз эркини ўзи сотарлар,  
Бош эгишиб санамга ҳорфин  
Пул ва занжир сўраб ўтарлар.  
Недан кечдим? Қалбга хиёнат,  
Бидъатларга ҳукмимдир ушбу,  
Онгсиз тўда, таъқибга нафрат,  
Бу — шукуҳди шармандалик-ку!

**Земфира**

Аммо унда улкан қасрлар,  
Турфа рангин гиламлар гўзал,

Шовқин базм, ўйинлар, сирлар,  
Унда қизлар либоси ял-ял!..

### Алеко

Қувиоқ шаҳар шовқини недир?  
Муҳаббат йўқ ерда қувонч йўқ;  
Қизлар эса... Сен гўзал, ахир  
Қиммат либос киймай ҳам ҳозир,  
Марваридсиз, дурсиз — кўнглим тўқ!  
Сен шундай қол, нозик севгим!  
Мен-чи... қалбда ёлғиз тилагим  
Баҳам кўрсам сен-ла вақт, севгим,  
Ихтиёрий қувғин — маслагим.

### Қария

Бизни севдинг, туғилсанг ҳамки  
Бой одамлар ичида; аммо  
Эрк илтифот қилмас доимо  
Мазахўрак юрганга, балки.  
Бизда бордир қадим ривоят:  
Бир замон шоҳ қилганди сургун  
Мўйсафидни\* биз томон, ҳаҳ, ким...  
(Билар эдим, ҳа, эсим қурсин,  
Лақаби ҳам ғалат, унутдим).  
Ёши ўтиб, қариб қолганди,  
Аммо қалби беғубор ва ёш:  
Ҳофизликни Худо берганди,  
Овози ҳам жилғадай бебош.  
Ҳамма уни яхши кўрарди,

\* Лўли чол римлик шоир Овидий ҳақида эслаяпти: у император Август томонидан Римдан Қора денгиз бўйидаги Томга сургун қилинган эди. Бу ҳақда Пушкиннинг «Овидийга» сарлавҳали шеърига қаранг.



Дунайда бир ўзи турарди,  
Хафа қилмай ҳеч кимни асло  
Қиссасига қилиб маҳдиё.  
Ҳеч нарсани ўйламас ортиқ,  
Қўрқоқ, ожиз боладай, зўрға;  
Бегоналар қиларди тортиқ,  
Ҳайвон, балиқ тутишиб тўрда;  
Саркаш дарё музлади охир,  
Ва қуюнлар қутурган замон,  
Момик тери қилдилар хозир  
Мўйсафидга, қолсин деб омон;  
Аммо қашшоқ турмуш тарзига  
Кўникмади бу чол ҳеч қачон;  
Озиб-тўзди, рангпар ва нолон  
Айтди бир кун,

Худо қаҳрига  
Йўлиққанин, гуноҳи учун...  
Кутди: келар деб халоскор кун.  
Доим бебахт, чекарди азоб,  
Дайдиб Дунай қирғоғи бўйлаб  
Аччиқ кўз ёш тўкиб, ҳол хароб,  
Олис она шаҳрини ўйлаб.  
Ўлар экан, қилди васият,  
Жануб сари элтишсин хокин  
Соғинч синган суягин охир,  
Ўлса агар ғурбатда ҳар ким  
У безовта меҳмон, барибир!

### Алеко

Мана, ўғлонларинг қисмати,  
О, Рим, донғи дoston салтанат!..  
Муҳаббат, маъбудлар куйчиси,

Айтгил менга:

нима шон-шуҳрат?

Қабр видоси, олқиш сасими;

Учқур садо авлоддан ўтган?

Ё чодирда, тутунга ботган,

Дайди лўли ҳикоясими?

-----

Ўтди икки ёз. Ҳамон дайди

Лўлиларнинг аҳил тўдаси;

Тарки одат, ҳар жойда шайдир

Очиқ юзлар, ҳузур нафаси.

Маърифатни билиб занжирдай

Алеко ҳам улардай озод;

Ғам не билмай,

пушаймон қилмай

Кечирарди кўчманчи ҳаёт.

Ўша-ўша туриш-турмуши;

Ёддан ўчган ҳатто кечмиши,

Лўли тутум тутди дилини.

Севар йўлда тунашларни у

Ғам-ташвишсиз абад ғафлат-у

Янгроқ, ночор лўли тилини.

Айиқ қочиб гоҳ уясидан

Чодирда у пахмоқ меҳмон,

Гоҳ қишлоқда, йўл қиясидан,

Молдованлар ҳовлиси томон,

Ҳушёр оломоннинг олдида

Чиқиб ўйнар, бўкирар ғажир,

Жонга теккач, занжирин ғажир;

Ҳассага таяниб олди-да —

Чол чилдирма чертиб қолади,

Йигит куйлаб ҳайвонни тоблар,  
Земфира-чи, қишлоқни овлар  
Ва не берса, шуни олади;  
Оқшом тушар; қайтар учовлон  
Пиширишар тариқдан овқат;  
Чол ухлайди... борлиқда ором,  
Чодир ичи ҳам жим, ҳам зулмат.

-----

Офтобшувоқ, чол исинар жим  
Тўнган қонин илитган асно;  
Беланчақда қиз куйлар ишқин.  
Тинглаб, ранги ўчар Алеко.

### **Земфира**

Қари эр, баджаҳл эр,  
Мени сўй, мени ёндир:  
Мен зўрман, қўрқмайман, кел,  
Ханжару олов надир.

Сени ёмон кўраман,  
Сени жирканч биламан;  
Мен бошқани севаман,  
Севганимча ўламан.

### **Алеко**

Ўчир. Қўшиқ жонга тегди, бас,  
Менга ёқмас бетийиқ ялла.

### **Земфира**

Менга нима, ёқмаса ёқмас!  
Ўзим учун айтгум баралла.

Мени сўй, мени ёндир;  
Айтмайман ҳеч балони;  
Қари эр, баджаҳл эр,  
Билмайсан у болани.

У баҳордан соф эрур,  
Ёзнинг кунидан қайноқ;  
Қанчалар ёш ва жасур!  
Мени севади қандоқ!

Уни қанчалар суйдим  
Тун сукути тушган дам!  
Шунда шунақа кулдик,  
Сенинг оппоқ сочингдан!

**Алеко**

Земфира, етар, бас шу билан ...

**Земфира**

Қўшиғимни англадингми сен?

**Алеко**

Земфира!..

**Земфира**

Хоҳлаганча ғазаблан,  
Сен ҳақингда куйлаяпман мен.

*(Кетар экан, куйлайди:  
Қари эр ва ҳоказо.)*

**Қария**

Ёдимда бу қўшиқ, ёдимда:  
У тўқилган ёшлигимизда.

Овунчга айланган қадимда  
Куйлашарди одамлар бизда.  
Кагула чўлидан кўчганча,  
Қиш оқшоми айтган жонидан —  
Мариула, қизин қучганча,  
Тебраниб, гулханнинг ёнида.  
Кунлар ўтар, ўчар хотира  
Аста-аста... унут дам-бадам.  
Лекин бу тарона соҳира,  
Хотирамга ўйилиб қолган!

-----

Ҳамма ёқ тинч. Нурга кўмган ой —  
Жануб тоқи, ложувард чирой.  
Уйғотади чолни Земфира:  
«Отажон! Алекони, қара,  
Даҳшат! Эшит: туш кўрган ҳамон  
Ҳам инграр, ҳам чекади фиғон».

### Қария

Унга тегма, сукут сақла, тин,  
Эшитгандим рус афсонасин:  
Ярим тунда пайдо бўладир,  
Ухлаганни бўғар нафасин  
Уйнинг руҳи; саҳарда, охир  
Ўзи кетар. Мен билан ўтир.

### Земфира

Ота! Эшит, у дер: Земфира!

### Қария

Сени излар тушида, ҳатто:  
Жонидан ҳам азизсан, қара.

**Земфира**

Жонга тегди севгиси, аммо.  
Зерикдим мен; эрк тилар кўнглим,  
Мен, ахир... Жим!

Эшитдингми? У

Айтаётир бошқа бир исм...

**Қария**

Кимнинг исми?

**Земфира**

Эшит, инграр у  
Ва ишқибоз!.. Қанчалар даҳшат!  
Уйғотаман.

**Қария**

Бефойда, фақат  
Тун руҳини ҳайдама, жим тур —  
Ўзи кетгай...

**Земфира**

Мана, тўлғонди,  
Турди; чақиряпти; уйғонди.  
Тезроқ борай — яхши ётиб тур.

**Алеко**

Қайда эдинг?

**Земфира**

Отам ёнида:  
Қандайдир руҳ сени қийнади;  
Тушингда ҳам қалбинг ёнди-да,

Қўрқитвординг, юрак ўйнади:  
Алахладинг, фикирлатдинг тиш,  
Мени чақирдинг.

### Алеко

Туш кўрдим.  
Сени, гўё ўртамиздамиш...  
Бир даҳшатли ўй, нохуш кўрдим!

### Земфира

Ишонмагин ёлғон тушларга.

### Алеко

Ишонмайман ҳеч нега, ҳечам:  
Тушга ҳам, ишонч-у ҳушларга,  
Ҳатто сенинг юрагингга ҳам.

-----

### Қария

Нега, тентак йигит, бенаво  
Нега хўрсинасан дамба-дам?  
Бунда ҳамма эркин, соф само,  
Ва аёллар ҳусни билан шаън.  
Йиғлама: ғам қилади хазон.

### Алеко

У севмайди мени, отажон!

### Қария

Ўзингни бос, ошна: у гўдак.  
Ғам-андуҳинг беўйлик, охир:  
Сен севасан ғам чекиб, оғир,

Ҳазилакам қизларда юрак.  
 Қара: мовий гумбазда ёниб  
 Сайр этади эркин ой танҳо;  
 Бутун олам ичра айланиб  
 Барчага тенг нур сочар барно.  
 Тўғри келган булутга боқар,  
 Ёғду сочиб, жилвалар бир дам —  
 Мана — бошқа бирига ўтар;  
 Ва қолмайди узоқ унда ҳам.  
 Жой кўрсатар кўкда унга ким,  
 Ёлворганча: тўхта деб абад!  
 Қиз қалбига, ким айтади, ким:  
 Биттасин сев, қилма хиёнат?  
 Тин ол!

### Алеко

О, у қандай севарди!  
 Ноз-адо-ла менга эгиб бош,  
 Дашт сукути ичида дилдош  
 Тунларим нурига тўларди!  
 Болалардай қувончга тўлиб,  
 Қанчалар тез бидирлаб, кулиб,  
 Ё лаззатли ўпичлар олиб,  
 Нохуш ўйим келганди ғолиб  
 Бир лаҳзада соларди қувиб!..  
 Не бўлди? Земфира бевафо?  
 Совудими мендан кўнгли ё!..

### Қария

Энди эшит: сенга айтайин,  
 Бошдан ўтган қиссам, атайин.  
 Қадим, қадим замон Дунайда  
 Ҳали москаль таҳдид қилмаган



(Қара, ёдга олдим шу жойда  
Эски ғам, ўғлим, сен билмаган) —  
Қўрқардик султон чорасидан;  
Бошқарарди Бужакни\* пошо  
Акерманнинг минорасидан —  
Мен ёш эдим: юрагим гўё  
Ўша пайтда ёнарди бахтдан,  
Ва сочимнинг бир толаси ҳам  
Оқармаган эди; мен шаҳдам —  
Гўзал қизлар ичида порлоқ,  
Бир қора кўз... юзидан узоқ,  
Офтоб каби кўз узолмадим  
Ва ниҳоят атадим маним.

Оҳ, ёшлигим ниҳоятда тез,  
Ёнди учар юлдуздай у кез!  
Ундан-да тез севгим сўнганди:  
Фақатгина бир йилча дилдор  
Мариулам мени севганди.

Кагуль суви ёнида бир бор  
Дуч келганди бегона табор;  
Чодир тикди ўша лўлилар,  
Тоғда бизга қўшни бўлдилар,  
Икки кеча бирга тунадик.  
Учинчи тун кўчди, билмадик —  
Ва чақалоқ — қизчамиз ташлаб  
Мариулам кетди дил ғашлаб.

---

\* *Бужак* — Қора денгиз бўйидаги Днестр ва Дунай дарёлари орасидаги (ҳозирги Измаильский области ҳудудида) жойлашган область. Аккерман унинг маркази бўлган, ҳозирги Белгород-Днестровский. Руслар томонидан 1806 йилда босиб олинган.

Тинч ухлабман; кун чиққан онда;  
 Турсам: ёрим кўринмас ёнда!  
 Излайман ҳам бўзлайман — из йўқ.  
 Земфира қон йиғлайди, сўз йўқ,  
 Ўзим ҳам йиғладим; батамом  
 Кўнглим қолди аёл зотидан;  
 Улар ичра кўзларим ҳеч он  
 Танламаган ўзимга ҳамдам —  
 Ёлғизлигим кейинчалик ҳам  
 Ҳеч ким билан кўрмадим баҳам.

### Алеко

Нега излаб топмадинг, занғар  
 Бевафони изидан илдам  
 Йиртқични ҳам, маккорани ҳам  
 Юрагига урмадинг ханжар?

### Қария

Нечун? Эркин ёшлик қушлари;  
 Ишқни тияр қудрат кимда бор?  
 Навбат билан бахтиёр бари;  
 Неки бўлса, бўлмайди такрор.

### Алеко

Мен ундаймас. Баҳс этмай ҳаргиз,  
 Ўз ҳаққимни қилмайман инкор!  
 Ёки қасос дардимга бакор.  
 О, йўқ! Денгиз бўйида, тубсиз,  
 Фафлат босган душманни топсам,  
 Онт ичаман, ўша, ўша дам  
 Ярамасни қўймасдим омон;  
 Денгиз тўлқинига шу замон,  
 Улоқтирар эдим ўйланмай;

Уйғонса даҳшатдан ўнганмай...  
Қаҳрланиб отардим қаҳ-қаҳ,  
Кейин унинг қулаши, узоқ  
Ширин кулгу бўларди бу оҳ.

-----

**Лўли йигит**

Яна битта... яна бир бўса!

**Земфира**

Кетдим: эрим рашкчи, жаҳддор.

**Лўли йигит**

Битта... бўса, видо учун ол.

**Земфира**

Хайр, келиб қолмасин зинхор.

**Лўли йигит**

Айтгил — яна бўларми висол?

**Земфира**

Бугун оқшом; ой ботган ҳамон,  
Ўша қўрғон, мақбара томон...

**Лўли йигит**

Алдайди! Келмас у бегумон!

**Земфира**

Чоп! Ана у!.. Келгум, оғажон.

-----

Алеко ухларди: ҳа, шунда  
Турфа тушлар қилар ғалаён;

Ва қичқириб уйғониб тунда,  
 Рашқдан ёниб, қўл чўзди бу ён;  
 Аммо тортиб олди қўлини  
 Совуқ ёпинчиқни чангаллаб —  
 Ёр узоққа солмиш йўлини...  
 Ирғиб турар, аланглайди у...  
 Ҳамма ёқ тинч: босади қўрқув,  
 Ва иситма аралаш терлар;  
 Туриб, чиқар чодирдан, кезар,  
 Аравани айланар, тентир;  
 Ҳамма ёқ тинч;

далалар тиндир;

Зулмат; туман ичра кирар ой,  
 Милтирайди хира юлдузлар  
 Майсада сал билинар излар  
 Қўрғон тараф кетган, хойнаҳой:  
 Одимлайди бесабр, тезлар,  
 Қайга бошлар бу машъум излар.

Йўл четида турган мақбара  
 Олидан оқариб кўринар...  
 Беҳол ўша томонга қараб  
 Кўнгли нотинч, аста суринар.  
 Лаби учар, тиззаси титрар,  
 Борар... бирдан...

ёки бу тушми?

Икки соя — айроми, қўшми?  
 Овоз келар, боргани сари —  
 Бадном бўлган қабрдан нари.

### Биринчи овоз

Кетдим.

**Иккинчи овоз**

Тўхта!

**Биринчи овоз**

Азизим, хайр.

**Иккинчи овоз**

Йўқ, йўқ, тўхта, тонгни кутамиз.

**Биринчи овоз**

Кеч бўлди.

**Иккинчи овоз**

Бунча ҳуркак бўлма!  
Бир лаҳза!

**Биринчи овоз**

Сен мени ўлдирма.

**Иккинчи овоз**

Бир лаҳза!

**Биринчи овоз**

Менинг йўғимда  
Уйфонса эрим?..

**Алеко**

Мен уйфондим.  
Қайга! Шошманг иккалангиз ҳам;  
Сизга яхши гўр ёнида ҳам.

**Земфира**

Қоч, дўстим, қоч!

**Алеко**

Тўхта!

Қани, барно йигит, қаёққа?

Ёт!

*(Унга пичоқ уради.)*

**Земфира**

Алеко!

**Лўли йигит**

Ўлдим, бу ёққа!

**Земфира**

Алеко! Ўлдириб қўясан ҳозир!

Қара: қонга бўялдинг, ахир!

Нима қилиб қўйдинг?

**Алеко**

Ҳеч нарса

Энди унинг меҳри-ла яша!

**Земфира**

Йўқ, етар, бас, қўрқмайман минбаъд!

Дўқларингдан ҳазар қиларман,

Қотиллигинг қарғайман абад...

**Алеко**

Ўлим сенга!

*(Уни жароҳатлайди.)*

**Земфира**

Севиб ўларман...

-----

Шарқ, шафақнинг нуридан порлоқ,  
Алеко қир ортида маънос,  
Қонга ботган қўлида пичоқ,  
Қабртошда ўтирар ёлғиз.  
Икки мурда пойида ётар;  
Ёвуз эди қотилнинг юзи;  
Атрофида лўлилар қатор,  
Даҳшатлидир оломон кўзи;  
Бир томондан қаздилар қабр,  
Мотам тутган хотинлар бир-бир  
Мархумларнинг кўзидан ўпди.  
Қари ота бир ўзи чўқди  
Ва мархумга қарайди офир  
Сўзсиз, беҳол, ғуссага ботур;  
Жасадарни олишиб шу чоқ  
Совуқ қора ерга бердилар,  
Икки ёшга тортишди тупроқ.  
Алеко узоқдан термулар  
Ҳаммасига. Гўрни ёпишди,  
Сўнгги сиқим тупроқ сепишди,  
Ниҳоят у сассиз эгилди,  
Ва тошдан майсага йиқилди.

Яқинлашиб, чол деди шу дам:  
«Бизни тинч қўй, кибри одам!  
Биз ёввойи; қонун тутмаймиз.  
Биз чавақлаб, қатл этмаймиз —  
Қон тўкмаймиз, на керак фиғон;  
Яшамаймиз қотил-ла бир он...  
Сен асов яшашни билмайсан,  
Эркни бир ўзингга тилайсан;  
Бизга қўрқинч солар сасинг, бил:

Бизлар ювош, кўнглимиз мискин,  
Сен қаҳрли, тап тортмас — кетгил,  
Кечир, Худо хайрингни берсин!»

Деди ва гуриллаб оломон  
Кўтарилди кўчманчи табор  
Машъум манзил, водийдан шу он,  
Чўлга кетди, кўриниб сўнгги бор  
Ғойиб бўлди. Битта арава  
Эски гилам ёпилган, ғамда  
Қолди машъум жойда, хароба.  
Гоҳо пайтлар, қиш келар дамда,  
Туман босган соф субҳидамда,  
Далалардан кўчган палласи  
Кечиккан турналар галаси  
Жануб сари, таратиб нидо,  
Чинқирганча юракни тирнаб  
Қолар ғамгин бир турна танҳо,  
Яраланган қанотин судраб.  
Тун қолади: арава зулмат,  
Ҳеч ким олов ёқа олмади,  
Ҳеч ким қапа остида бу вақт  
Тонгга қадар тунаб қолмади.





## ЭПИЛОГ

Муножотнинг сеҳри-ла улар  
Фира-шира бордир ёдимда  
Жонланиб кетади туйғулар  
Гоҳ ёруғ, гоҳ ғамли онимда.  
Узоқ кечган қўрқинчли жанглар  
Садолари тинмаган юртда,  
Истанбулни русларга имлар\*,  
Амирона кўзлар бир четда.  
Иккибошли чўнг бургутимиз  
Ўтган шон-ла соларкан шовқин,  
Мен саҳрода учратдим ёлғиз  
Кўҳна манзил сарҳадида жим  
Ювош лўли араваларин,  
Эркнинг ройиш оввораларин.  
Ялқов тўда ортидан боқиб  
Саҳроларда тез-тез дайديدим,  
Шерик бўлиб, ёвфонин тотиб,  
Гулханига ташладим ўтин.  
Севдим суст йўл юришин йироқ,  
Шод-у шовқин таронасини.  
Мариула парининг узоқ,  
Айтиб юрдим нозик исмини.

---

\* *Истанбулни русларга имлар* – 1812 йилда, рус-турк урушидан кейин Бухарест тинчлик шартномасига кўра, ўрнатилган янги чегараларга ишора.

Бахт йўқ сизнинг орангизда ҳам,  
Табиатнинг хор ўғлонлари!..  
Йиртиқ-ямоқ чодирда мубҳам  
Яшар офир туш гумонлари,  
Ва кўчманчи бошпанангиз боз,  
Чўлда омон қолмас офатдан,  
Ҳамма жойда қаттол эҳтирос,  
Ҳимоя ҳам йўқдир қисматдан.

1824



## АНЖЕЛО

## БИРИНЧИ ҚИСМ

## I

Гул яшнаган Италия кентларидан бирида  
Қачондир ҳукм сурган раҳмдил Дук, нуроний,  
Ўз халқининг болажон отасидай, умрида  
Тинчликсевар, адолат, санъату фанга ҳомий.  
Аммо кўнгли бўшларни суймас давлати олий,  
У бўлса эзгуликка ортиқча меҳр қўйди.  
Халқи ундан қўрқмасди, балки юракдан суйди.  
Судларда жазоловчи Қонунлари мудрарди,  
Тулаган йиртқич каби ов қилишга ярамас.  
Ҳис этарди Дук буни ич-ичидан, беғараз  
Кўп пушаймон бўларди. Ўзи яққол кўрарди,  
Кундан-кун бобосидан набира феъли баттар,  
Сут берганнинг сийнасин тишлаб олибди гўдак,  
Қўлини қовуштириб одил суд жим ўтирар  
Ва чертмайди бурнига унинг, парвойи фалак.

## II

Дам бадам кўнгилчан Дук афсус чекиб қоларди,  
Қўлдан чиққан тартибни тикламоқчи бўларди;  
Аммо қандай? Ёвузлик ошкора, қилар тоқат,  
Суднинг сукути эса розилиқдан аломат,  
Бирдан уни қатл этса — тамоман ноҳақликдир,  
Ҳам ғалати бўларди — айнан ўшани ахир,  
Ким ўзи аввал уни эркалатиб, қўллади,  
Нима қилиш керак? Дук сабр қилди, ўйлади:

Ниҳоят ўйи пишди, қилди қарор — бир муддат  
 Ўзгаларнинг қўлига берилгай тахт, ҳокимият,  
 Токи янги ҳукмдор янгича жазо берсин,  
 Тартибга солсин шитоб,  
 бўлсин қаттиққўл, кескин.

### III

Анжело дегани бор, моҳир эркак, янгимас  
 Ҳокимлик санъатида, бешафқат удумда, бас,  
 Меҳнатда, илмда ва амалларда чиниққан,  
 Қатъий феъл-ҳўйи билан  
 ҳар ерда донғи чиққан,  
 Ўзини Қонун билан ҳимоя этган маҳкам,  
 Башараси хўмрайган, иродаси мустаҳкам;  
 Ўшани қария Дук ўрнига ноиб қилди,  
 Даҳшат билан қуролаб, марҳамат тўнин илди,  
 Чекланмаган ҳақ-ҳуқуқ ато этди юкуниб.  
 Ўзи бўлса, диққатпаз эътибордан чекиниб,  
 Халқ билан хайрлашмай, *incognito*,\* ўзи якка,  
 Эски аъёнлар каби йўл олди саёҳатга.

### IV

Анжело бошқарувга киришган заҳотиёқ  
 Тартиб ўзгарди тамом, ҳаммаси ўзгача ҳал,  
 Занглаб қолган мурватлар қимирлади ўшал чоқ,  
 Қонунлар ишга тушди, офатга солиб чангал.  
 Ваҳимадан тош қотган лиқ тўла майдон сари  
 Жума кунлари ўтди қатл маросимлари,  
 Одамлар қулоғини қашиб қолди бир нафас  
 Ва дейишди: «Эҳ-ҳе! Бу унга сира ўхшамас».

\* *incognito* — яширин

Салкам роҳиба дейди: «Сизга ким керак, бўтам?»  
 — «Бир қиз (ол ёноғингиз кўриб хулоса этсам,  
 Сиз, аслида, бўй қизсиз, ишончим комил, магар),  
 Гўзал Изабелага, мумкинми берсам хабар,  
 Бахтиқаро укаси юборди, айтинг илдам?»

— «Бахтиқаро?.. Нимага? Нима бўлди? Гапиринг:  
 Менман унинг опаси!»

— «Йўғ-е, чинми? Мамнунман.

Ҳамма умиди сиздан. Ишлар шунақа, билинг:  
 Укангизни қамашди».

— «Нега?»

— «Негаки, ўзим

Ташаккур билдирардим бундай ишга, гўзалим,  
 Унга бошқа жазонинг ўзи лойиқ эмасдир.  
 (Шунда у бошдан оёқ баён қилди, қўймай кам,  
 Андишасиз гаплари агарчи хуш келмасдир  
 Маъсум ёш роҳибанинг қулоғига жуда ҳам,  
 Ҳаммасини тинглади диққатини жамлаб қиз  
 Уят ва ғазаб ҳиссин чучмал тантиқлигисиз.  
 Юраги тоза эди, гўё само ҳавоси.

Довдирата олмасди сирли йигит дунёси  
 Ўзининг ҳовлиқма ва бемаъни гапи билан.)

— «Энди, — жимиб қолди у,

— фақат ёлвориб дилдан,

Анжелонинг кўнглини юмшатсин, дер укангиз».

— «О, Худойим, — роҳиба жавоб берар, —

қарангиз,

Мен қачон гап-сўзимдан наф кутибман дунёда!..

Шубҳам бор, қурбим етмас бу ишга,

мен афтода...»

— «Шубҳалар бизга душман, —

деди йигит қизиққон, —

Сотқинлар омадсизлик билан қўрқитиб ёмон  
 Ҳам муқаррар эзгулик йўлини тўсгай мудом.  
 Анжело томон шошинг,

билиб қўйинг мен кафил,  
 Агар барно тиз чўкиб, сўраса очиб кўнгил  
 Эркак киши олдида ёлборса, йиғласа қон,  
 У худди Тангри каби борини этгай инъом».

## IX

Рухсат олиб доно қиз муҳтарам онасидан,  
 Тиришқоқ Луцио-ла ноибга шошиб борди.  
 Ожизона тиз чўкиб, дилда илтижо билан  
 Ука гуноҳин сўраб ҳукмдорга ёлворди.

— «Эй, қиз, —

шафқатсиз одам жавобан деди шуни, —  
 Қутқариш мумкин эмас;

битди укангнинг куни;

У қатл этилади!»

Изабелла йиғлаб қон

Унга бошини эгиб, қайтмоқчи бўлган ҳамон,  
 Хайрихоҳи Луцио тўхтатиб қолди тезда.

— «Шунчаки чекинмангиз, —

шивирлади у қизга, —

Унга яна ёлворинг; пойига бош урингиз,  
 Тўнин баридан тутиб, хўнгранг;

кўз ёш қилингиз,

Аёлларнинг бор макрин ўзингиз моҳир,

чаққон

Энди ишга солинг-да. Сиз-чи, жуда совуққон.  
 Худди игна ҳақида гап боргандай орада.

Албатта, шундай бўлгач, топилмайди чора-да.  
 Суслик қилманг-да, ахир! Яна!»

## X

Қайта бошдан тез

Ибо ва ҳаё билан ялиниб-ёлворди қиз  
Қонуннинг чин бағритош посбонига ноилож.

— «Менга ишон, — деди қиз, —

на шоҳ бошидаги тож,

На ноибнинг қиличи, на ҳакамнинг либоси,

На саркарда асоси — бор асъаса, ашёси —

Ердаги маъбудларга шон ва зийнат бермайди

Раҳм-шафқат қадарлик.

Мана шу улуғлайди.

Агар ҳокимлигингда ноиб бўлсайди укам,

Клавдио ўрнида ўлармидинг ўзинг ҳам,

Аммо укам бешафқат эмас сендай».

## XI

Гинадан

Анжело хижолатда. Нохуш кўзи ялтираб,

«Тинч қўй мени, илтимос» —

дер аста унга қараб.

Аммо сипо қиз дадил,

жўшиб кетди яна ҳам

Дам сайин қизишарди.

«Ўйла, — деди қиз, — обдон

Ўйла: агарда ўша одил куч бизни мудом

Авф этар, сабр билан, қилса ҳукм нидоси,

Раҳм этмай; айт:

тушарди бошимизга не кунлар?

Ўйла — ва муҳаббатдан сўйлайди қалб садоси

Ва эзгу раҳм-шафқат лабларингда учқунлар,

Ва қайта туғилгайсан».

**ХII**

Жавоб берар кўнгли тўқ;  
 «Кет; сенинг ялинишинг қуруқ гап,  
 бенаф ташвиш.  
 Менмас, Қонун қатл этар.  
 Мумкин эмас қутқариш,  
 Ва эртага ўлар у».

**Изабелла**

Эртага! Қандай? Йўқ, йўқ.  
 У ҳали тайёр эмас, қатл этиб бўлмас ҳаргиз...  
 Наҳот парвардигорга шошилиб юборгаймиз  
 Қурбонни апил-тапил? Ҳаттоки жўжани биз  
 Вақти келмай сўймаймиз. Қатл бўлмас бундай тез.  
 Қутқар, халос эт уни: аслида ўйлаб кўрса,  
 Сенга аён, ҳукмдор, судланди бу балокаш,  
 Ахир шу кунларгача бунақа гуноҳ қилса  
 Кечирилган-ку ҳамма; у биринчи жафокаш.

**Анжело**

Қонун ўлмаган эди, мудраб қолганди бирпас,  
 Энди уйғониб кетди.

**Изабелла**

Марҳамат қил!

**Анжело**

Мумкинмас.

Айбдорга эрк бериш — бу ҳам жиноятга хос,  
 Биттасини жазолаб, кўпларни этгум халос.

**Изабелла**

Сенми илк бор ўқувчи бу даҳшатли ҳукмни?  
 Илк бор қурбон қилувчи менинг бахтсиз укамни.



Йўқ, йўқ! Марҳаматли бўл.

Наҳот, қалбинг олий, хос,  
Бегуноҳ ва топ-тоза? Ундан сўра-чи: наҳот,  
Ҳатто куфр ўйлар ҳам ўтмаганми умрбод?

### ХШ

Бирдан у титраб кетди, боши ҳам бўлиб, шартга  
Нари кетмоқчи эди. Қиз деди: «Тўхта, тўхта!  
Эшит, ортингга қайтгил. Табаррук ҳадя билан  
Кўмиб ташлайман сени... Қабул эт олий тухфам,  
Улар ташвиш келтирмас, аммо соф, ёқимли ҳам,  
Ва уларни кўргайсан самолар билан баҳам:  
Сенга инъом этгайман юрагим ибодатда  
Зухро юлдузи ёнмай, ярим тун, сукунатда,  
Муҳаббат, сомелик ва рўшнолик нурларидай,  
Пирлар дуоси ила, самонинг ҳурларидай  
Ҳилватларда жон берган, бу дунё учун марҳум  
Тангрига тирикларнинг».

Хижолат тортиб ва жим,  
У қизга учрашувни эрта кунга белгилаб,  
Шошилди олисдаги кошонасига қараб.



## ИККИНЧИ ҚИСМ

### I

Уззу кун Анжело жим, паришонлик ҳушида,  
 Хилватларда ўтирди хаёллар оғушида,  
 Ёлғиз истак қийнардн; мижжа қоқмай тун бўйи,  
 Қовоқлари осилди. Ўйлар: «Нима ишқ кўйи?  
 Наҳотки, уни севсам, нега доим бунчалар  
 Сўзларини қўмсайман ва яшнаб кетар кўзим  
 Унинг малоҳатидан? Фамгин эрур қанчалар  
 Руҳим ... ёки муқаддас руҳни тутмоқ бўлар жим,  
 Шайтон йўлдан урдими, шундай илоҳий хўрак  
 Қармоққа туширарми? Беадаб ҳусн, малак  
 Туғилганимдан буён ёт эди бу васваса,  
 Наҳотки, покиза қиз қалбимни мағлуб қилса.  
 Тобакай севган одам менга туюлар эди  
 Кулгили; ва бу телба ҳолига ҳайрон эдим.  
 Хўш, энди-чи?..»

### II

Ўйлашни истар, истар тазарру,  
 Лекин ўйи, дуоси паришон. Сўзи билан  
 Самога сано айтар, лек беихтиёр дилдан  
 Фақатгина уни дер. Вужуди ичра қайғу,  
 Пичирлайди маънисиз тангри дея тилида,  
 Юрагида куфр ўй қайнар. Ваҳима дилда  
 Уни кучдан қолдирди. Ҳокимият у учун  
 Ҳар кунги иш, титилиб кетган китоб экан-да,  
 Чндаб бўлмас. Зерикди; ўтиргандай тиканда,  
 Ҳаттоки мансабидан кечмоққа тайёр букун;

Донолик обрўси-ю қалбга берган сурурни,  
Одамлар ҳеч ўйламай туйган ҳайрат, ғурурни,  
У бир пулга олмасди ва шунчаки шамолда,  
Ҳаволаб учган патга менгзар эди шу ҳолда...

.....

Изабела Анжело қошига келди саҳар,  
Ноиб билан орада ғаройиб суҳбат бўлар.

### III

**Анжело**

Нима дейсан?

**Изабелла**

Ниятинг билгани келдим, мана.

**Анжело**

Эҳ, қанийди, сен уни топа билсайдинг, сен-а!..  
Уканг ўлиши керак... яшарди.

**Изабелла**

Нега, ахир!

Авф этиш мумкинмасми?

**Анжело**

Дунёда бундан оғир  
Қандай қабих гуноҳ бор?  
Қотиллик енгил чандон.

**Изабелла**

Ҳа, самода ҳукм шу, аммо заминда қачон?

**Анжело**

Фикринг шуми?

Кел, демак, фараз қилгин ўзинг бир:

Сенга рухсат берсалар, нима қилардинг ҳозир  
Уканг бошин бергунгми жаллоднинг кундасига,  
Ё товои тўлармисан қурбон бўп бандасига  
Ва тананг қилиб макруҳ?

### **Изабелла**

Албатта, руҳдан кўра,  
Тайёрман таним қурбон этмоққа.

### **Анжело**

Менга қара,  
Мен руҳни айтмаяпман... гап шундаки, бундай иш:  
Уканг ўлимга маҳкум; гуноҳ қилиб қутқариш,  
Олижанобликмасми?

### **Изабелла**

Шайман тангри қошида  
Чин қалбдан жавоб бергум: ҳеч гуноҳ йўқ бу ишда,  
Ишон, ишонмасанг ҳам. Сен укамни қутқаргин!  
Бу шафқат, гуноҳ эмас.

### **Анжело**

Уни сен қутқаргунгми,  
Шафқат тенгми гуноҳга адл тарозисида?

### **Изабелла**

Майли, гуноҳим билан укам халос бўлса, ҳа!  
(Гарчи бу гуноҳ фақат.) Мен ўзим бунга тайёр  
Илтижо қилай тун-кун.

### **Анжело**

Йўқ, гапим эшит такрор,  
Ё менинг сўзларимни англамаяпсан тамом,

Ё тушуниш истаги йўқдир сенда батамом,  
Содда қилиб айтаман: укангга чиққан ҳукм.

### Изабелла

Шундай.

### Анжело

Қонун амри-ла муқаррар унга ўлим.

### Изабелла

Худди шундай.

### Анжело

Йўли бор, уканг озод бўлгайдир.

(Ҳаммаси ўша ишга боғлиқ бўлиб қолгайдир,  
Ва фақат бир савол бор,  
бошқа нарса йўқдир ҳам.)

Дейлик: укангни озод эта олгувчи одам  
(Ҳакамнинг сирдошими, ёки ҳокими мутлоқ  
Қонунни талқин қилар, юмшатар қаҳрин озроқ),  
Сенга маҳдиё бўлиб гуноҳга ботган чунон  
Талаб этар, укангга тўлармисан сен товон  
Ўзингни қурбон айлаб; йўқса — Қонун, биласан.  
Нима дейсан? Фикрлаб, не қарорга келасан?

### Изабелла

Укам ва ўзим учун қарор қилардим тезроқ,  
Ишон, қамчи кертикка зумрад таққандай қандоқ  
Ва юмшоқ кўрпа каби қонли тобутда ётай,  
Ўзни таҳқир этгандан.

### Анжело

Уканг ўлар.

**Изабелла**

Не қилай?

У, албатта, ўзига йўл танлайди муносиб.

Опасин бадбахт этиб,

жон қутқармайди шошиб.

Бир бора ўлим авло, шаънимга доғ тушгандан.

**Анжело**

Нега ғайриинсоний туюлади сенга ҳам

Суднинг ҳукми? Сен бизни айбладинг-ку, ахир,

Бағритошларсиз дея. Шундай эмасми? Ҳозир

Адолатли Қонунни қаттол дея атадинг,

Укангнинг гуноҳини ҳазилакам санадинг.

**Изабелла**

Авф эт, кечиргин мени. Юрагим ихтиёрсиз,

Ўшанда мен алдадим. Ўзимга ўзим... Афсус!

Қарши бордим, укамни қутқарай деб мен атай

Ва манфурни ёқладим ўшанда мунофиқдай.

Биз ожизмиз.

**Анжело**

Мен сенинг иқрорингдан руҳландим.

Аёллар ожизадир, ишончим комил, хоним

Ва сенга айтиб қўяй: аёл бўл, ортиқ эмас —

Ёки ҳеч ким бўласан. Шунга итоат этгин, бас

Тақдирингга тан бергин.

**Изабелла**

Сени тушунолмадим.

**Анжело**

Тушун: севаман сени.

**Изабелла**

Афсус! Не ҳам дер эдим?

Жюльеттани севганди, укам ўлар, у бебахт.

**Анжело**

Мени сев, тирик қолар.

**Изабелла**

Биламан: соҳиби тахт

Бошқаларни синайди, истайсанки...

**Анжело**

Онт ичгум,

Сўзимдан қайтмасман ҳеч,

ҳаттоки жондан кечгум;

Номус билан онт ичгум.

**Изабелла**

Оҳ, бу бир дунё шараф!

Номус иши!.. Ёлғончи! Маद्धоҳ иблисни қара!

Дарҳол Клавдиони озод қил, чеккил имзо,

Ё қилмишинг, юрагинг қоралигини, аммо

Оламга ёядирман — мунофиқлигинг етар

Сени элнинг олдида.

**Анжело**

Ким ҳам ишониб кетар?

Киборларга танилдим қаттиққўллимим боис;

Одамлар тан олишган, мансаб, ҳаётим, шаксиз

Ва укангнинг устидан ўқилган ўша амр

Чақувингни тухматга чиқаради, барибир.

Энди мен эҳтирослар тўфонига бердим йўл.

Айтганимни ўйлаб кўр, сен энди ҳукмимда бўл;

Аҳмоқликни бас қилгин: кўз ёшдан, ёлборишдан  
Ва қўрқоқ ниқобидан.

Ўлимдан, ғам-ташвишдан,  
Уканг қутқаролмайсан бу тахлит. Бир итоат  
Жаллоднинг кундасидан халос этади фақат.  
Эртагача кутгайман сендан жавобингни мен.  
Ва билиб қўй, қўрқмасман,

туҳмат қилсанг ҳамки сен.

Нима десанг деявер, парво қилмасман, хоним.  
Сенинг ҳақиқатингдан устун менинг ёлғоним.

#### IV

Деди ва кетди нари, беайб қизни ташлабон  
Даҳшатларнинг комида. Узалганча кўк сари  
Илтижоли соф нигоҳ ва покиза қўллари.  
Қиз разиллик қасридан шошилди зиндон томон.  
Эшик очилди унга; кўз олдида укаси  
Бўлди намоён.

#### V

У занжирбанд, қуриб тинкаси,  
Киборлик эрмагидан зарра ҳам афсус чекмай,  
Яшашга умид боғлаб, ўлимга-да бўлиб шай,  
Жим ўтирар ва бирга эгнига кенг тўн ташлаб  
Қора қалпоқ остида, қўлида хочни ушлаб  
Букчайган кекса роҳиб қиларди ғамгин суҳбат.  
Чол далиллар навқирон жабрдийдага фақат,  
Ўлим билан мавжудлик тенглигини, шубҳасиз,  
Бу ерда-ю у ёқда ўлим билмас руҳ ёлғиз  
Ва бу дунёнинг ўзи бир чақага арзимас.  
Шўрлик Клаудио жим,

маъюс маъқулар бесас,



Қалбида эса гўзал Жюльетта олар нафас.  
 Роҳиба кирди: «Тинч-у омонмисиз!» — ўзига  
 Келиб боқар — опаси, нур инади кўзига.  
 «Отагинам, — Изабела роҳибга дер, —  
келгандим,  
 Укам билан ўзимиз гаплашволсак, дегандим». —  
 Роҳиб ташқари чиқди.

## VI

### Клавдио

Опажон, нима бўлди,  
 Не дейсан?

### Изабелла

Укагинам, энди паймонанг тўлди.

### Клавдио

Нажот йўқми?

### Изабелла

Йўқ, ёки тўлаш керакмиш товон  
 Бош учун виждон билан?

### Клавдио

Демак, чора бор бирон?

### Изабелла

Шунақа, бор.

Сен яшаб қолишинг мумкин, фақат.  
 Ҳакам ён бермоқчимиш.

Унда шайтоний шафқат:  
 Сенга ҳаёт берилар эвази абад азоб.

**Клавдио**

Нима? Умрбод қамоқ?

**Изабелла**

Қамоқ — деворсиздир ҳам  
Кишанларсиз.

**Клавдио**

Тушунтир, нима ўзи?

**Изабелла**

Жигарим,  
Укагинам! Қўрқаман... Эшитгин, укагинам,  
Етти ёки саккиз йил сенга зиёд бўлдим  
Ҳамишалик номусдан? Қўрқасанми ўлимдан?  
Ўлим ҳисси не? Лаҳза. Келадими қўлингдан?  
Ўлар чоғи ҳис этар эзилган чувалчанг ҳам,  
Нени сезса баҳодир.

**Клавдио**

Опа! Қўрқоқманми ё?  
Ўлимга тик боришга етмайдими ё қурбим?  
Ишон, зарра титрамай кетарман, қолар дунё,  
Ўлишим керак бўлса; қабр тунига боргум,  
Дилбар қизга боргандай.

**Изабелла**

Танидим! Мана, укам;  
Қабрдан келаётир оталар саси. Албат:  
Ҳа, сен ўлишинг керак; ўлим муносиб фақат.  
Эшитгин,  
яширмайман ҳеч нарсани сендан ҳам:  
Ўша даҳшатли ҳакам, у риёкор шафқатсиз,



**Клавдио**

Минг ташаккур, опажон!

**Изабелла**

Хўш, эрта, Клавдио, ўлимга шай бўл бардам.

**Клавдио**

Шундай, де... қони қайнаб, тошибдими шу қадар!  
Ё бунда гуноҳ йўқдир; ё еттита гуноҳдан  
Энг енгили шумикан?

**Изабелла**

Қандай?

**Клавдио**

Бундай гуноҳ-чун  
У ёқда, ҳа, қатл этмас. Биргина лаҳза учун  
Наҳотки булғаса у олий шараф, шаънин ҳам?  
Йўқ, бунга ишонмайман. Фаросатли у одам.  
Эҳ, Изабела!

**Изабелла**

Нима дейсан?

**Клавдио**

Ўлим даҳшатли!

**Изабелла**

Шармандалик ҳам даҳшат!

**Клавдио**

Шундай — бироқ бу... ўлим —  
Кўрмаган жойга бориш ва гўрда чиримоқ жим

Муз қотган зулмат ичра...

Афсус! Ер латофатли

Ва ҳаёт ширин. Унда: губор сукунат томон,  
Қайнаётган қатронга гурсиллаб қулаш ёмон,  
Ёки совуқда қотиш, ё изғирин шамолда  
Учиб юрмоқ, поёнсиз бўшлиқларда малол-ла...  
Ва ҳаммаси умидсиз, етиб бўлмас орзулар...  
Йўқ, йўқ; ердаги ҳаёт — касаллигу қайғулар,  
Ғам, хасталик,

қашшоқлик бўлса-да... эрур жаннат  
Қиёсласанг, қабрда бизни кутар не офат.

### Изабелла

О, Худойим!

### Клавдио

Жигарим! Опажон! Мени қутқар.  
Ғар гуноҳга ботсангда қолгин укангни асраб,  
Табиат кечиргайдир.

### Изабелла

Нима дединг, алҳазар?  
Қўрқоқ! Юраксиз махлуқ!  
Опангни фахшга ташлаб  
Умр тилармисан сен!.. Қони бузилган бало!  
Ўйлагим ҳам келмайди, сенга ҳаёт ва дунё  
Отам ато этганми. Худойим, ўзинг кечир!  
Онам отам тўшагин, йўқ, йўқ, этганми таҳқир,  
Сени яратиб! Ўлгин!

Бўлса имконим мени  
Қутқарсам қани сени, бўлса менда ихтиёр,  
Барибир, сенинг қатлинг рўй бериб бўлди энди.

Ўлимингга илтижо қилайин минг-минглаб бор,  
Омонликка — битта ҳам...

### Клавдио

Опажон, шошма, шошма!

Опажон, мени кечир!

### VII

Навқирон тутқун, мана

Опанинг этагидан тутди. Ва Изабела

Ғазабин босди аранг, кейин ўзига кела

Бахтиқаро укани кечирди, яна такрор,

Эркалаб, жафокашни юпата бошлади зор.

## УЧИНЧИ ҚИСМ

## I

Шу пайт очик қолган эшик ортида роҳиб  
Эшитди опа-ука гапини қулоқ қоқиб.  
Ўша қария роҳиб, энди сизга айтайин,  
Ўзгамас, Дук, бошқача кийим кийган атайин.  
Бегона юртга кетган деб юрарди одамлар  
Адашган сайёрага ўхшатиб ўша дамлар,  
Оломон ичра пинҳон кузатди, ўзи юриб,  
Жосус каби пинхона, барини ўзи кўриб  
Қасрлар, хастахона, монастир, майдонларни,  
Фоҳишалар макони, театр, зиндонларни.  
Дук тасаввур қиларди кўз олдида мулкини;  
Китобларни севарди, балки ҳавас қилдими  
Тақлид қилиб Ҳорун ар-Рашидга\*, қўйиб бино.  
Ёш зоҳида гапини эшитгач борин билди,  
Безовта ақлу ҳуш-ла шу лаҳза азм қилди  
Нафақат ноҳақлик ва жаҳолат олар жазо,  
Аммо баъзи бирларни... Эшиқдан кириб тикка,  
Аста қизни чақирди, олиб ўтди бурчакка:  
«Эшитдим ҳаммасини, лойиқсан таҳсинга ҳам,  
Бурчингни адо этдинг муносиб; энди, аммо  
Маслаҳатимни эшит. Ишон менга хотиржам,  
Ҳаммаси яхшиликка; гапимдан чиқма асло».

---

\* Тақлид қилиб Ҳорун ар-Рашидга — VIII аср Бағдод ҳалифаси; «Минг бир кеча» эртақларида у донишманд ҳукмдор тимсолида тасвирланган; ўз фуқароларининг ҳақиқий ҳаётини ўз кўзи билан кўриш ниятида бошқача кийиниб, мулкини кезганлиги ёзилади.

Дея унга уқтирди ўз нияти-аҳдини,  
Кетар чоғ дуо қилди, тилаб сиҳат, бахтини.

## II

Дўстлар! Ишонасизми,  
шўрлаган қоқ пешона —  
Кўзгу каби дарғазаб, ёвуз дилдан нишона,  
Аёлни кўнгил бермоқ истаги боғлар абад  
Ва маъсум гўзаллик ҳам асир бўларми беҳад?  
Ғалати? Бироқ шундай.

Бу Анжело такаббур,  
Шу бир ёвуз кимсани, шу осийни севибдур  
Покиза юрак чиндан, маҳзун ва ожизона,  
Ўзи таҳқирланган қалб — ажиб гўзал, мастона.  
У уйланган қачонлар. Ҳавойи ва беташвиш  
Унинг ёш хотинига шафқат қилмади

миш-миш —

Далилсиз жазоланди, масхара қилиб, дўқиб  
Ҳайдаб солди уйдан, кибр-ла ўгит сўқиб:  
«Майли, ўзинг ғийбатга бўлиб қолибсан нишон,  
Исботи керак эмас. Ҳатто бўлмасин гумон\*  
Ҳокимнинг хотинига».

Аёл ўшандан буён

Шаҳардан ташқарида, бир ўзи яшар гирён.  
Дук билан Изабелла ўшани эслаб қолди  
Роҳиб ўгити билан бева томон йўл олди.

---

\* Ҳатто бўлмасин гумон Ҳокимнинг хотинига — Помпейда Цезарнинг хотини бевафолиги ҳақида миш-миш тарқалганда, Цезар никоҳни бекор қилади, аммо хотинига қарши айблов эълон қилмайди; уни беайб деб топади, аммо ўзининг ажралишини эса, Цезар хотини ҳеч қандай шубҳа уйғотмаслиги керак деб изоҳлайди.



## III

Марьяна ўтирарди тўқиб дарча олдида  
Сассиз юм-юм йиғларди. Бир паридай олдида  
Изабела бўсафа томон намоён бўлмиш.  
Роҳиба аввалдан ҳам унга аслида таниш  
Ва неча бор берганди келиб бевага таскин.  
Роҳибнинг ўй-фикрини ошкора этди секин.  
Тун зулмати борлиқни қопласаёқ, Марьяна  
Анжелонинг қасрига бориши лозим, яна,  
Тошдеворнинг остида, боғда учрашиб пинҳон  
Ва, унга келишилган совғани берган замон,  
Хайрлашар экан у шивирлаб аниқ дейди  
Фақатгина шу сўзни: *укам унутма энди.*  
Кўзида ёш жилмаяр шўрлик аёл Марьяна,  
Титраб шайлана бошлар, қиз-чи тарк этар, мана.

## IV

Тун бўйи зиндонда Дук кутди оқибат қандай  
Клавдио ёнида, таскин ҳам бериб шундай.  
Тонготар Изабела қошида бўлди пайдо.  
Бари мўлжалдагидай: уйда ўтирган эмиш  
Ранги ўчган Марьяна, уддалабди, битди иш,  
Эрини зап алдабди. Сочганда саҳар зиё —  
Ногоҳ чопар келтирди муҳр урилган фармон  
Турманинг сардорига. Ўқир: нима? Хукмрон  
Ноиб тутқунни дарҳол буюрмиш қатл этишни  
Ва олинган бошини кошонага элтишни.

## V

Янги режа тузиб Дук, ошкора тақдим этди  
Турманинг сардорига, муҳри ва узугини  
Ва қатлни тўхтатди, Анжело томон элтди

Бошқа бошни, қиртишлаб, кесиб ва узиб уни  
 Денгиз қароқчисининг каттакон елкасидан,  
 Ўша кеча турмада безгақдан берганди жон.  
 Ўзи эса йўл олди, ёвуз ноиб қасдидан —  
 Зулматда қабих, ишга қўл урган ўша нодон,  
 Шармандасин чиқаргай.

## VI

Чопқир миш-мишлар бари  
 Клавдионинг қатли ҳақида ёйилмай гап,  
 Бошқа бир хабар келди.

Билдилар, шаҳар сари  
 Дук ортига қайтибди. Халқи уни қаршилаб  
 Тўда-тўда чопишар. Анжело эса ҳайрон,  
 Хижолат, ваҳимада ва қийнар эди виждон,  
 Ўша ёққа шошилди. Жилмаяр Дук меҳрибон  
 Атрофин ўраб олиб олқишлар халқ, қадрдон,  
 Қўл чўзди Анжелого, чўзгандай ўртоғига.  
 Ногоҳ қичқириқ янграр — тўғри Дук оёғига  
 Йиқилар қиз. «Раҳм қил, ҳукмдор, шоҳлар шоҳи!  
 Сен покликнинг қалқони,

раҳм-шафқат меҳроби,  
 Авф эт, кечир!..» —

Анжело оқарар ва титрайди  
 Изабела тарафга еб қўйгудай қарайди...  
 Аммо тутар ўзини. Қилмишин оқлар туриб:  
 «Бу савдойи бўлган қиз, — дер у, —  
 укасин кўриб,

Ўлимга ҳукм бўлган. Айрилиқдан бечора  
 Эс-ҳушини йўқотган...»

Шоҳ ғазаби ошқора —

Ва кўпдан юрагида йиғилган нафрат, тугён.



Мени унга боғлаган ўзинг бўласан ахир!  
 Наҳот шуни деб узок бева яшаган бўлсам?  
 Одамгарчилигини мансабга қилди қурбон.  
 Опажон! Қутқар мени! Изабела, азизам!  
 Гуноҳини сўраб ол, майлига тиз чўк, нолон,  
 Ҳеч қурса қўлингни чўз, индамасанг ҳам майли!»  
 Изабел шафқат сўраб, фариштадай юкинди  
 Ва ҳукмдор пойига тиз чўкканча ўтинди.  
 «Раҳм қил, ҳукмдорим, — деди қиз.

— Мен туфайли

Ўлимга буюрма. У (менга бўлгани аён,  
 Ўйлайманки) яшади одил, ҳалол, бегумон,  
 Менга кўз олайтгунча, сокин ҳаёт кечирди.  
 Унинг гуноҳидан ўт!»

Ва Дук уни кечирди.

## РИЦАРЛАР ЗАМОНАСИДАН САҲНАЛАР

(Драма)

Мартин. Қулоқ сол, Франс, ота сифатида сенга охирги марта айтаман: эркаликларингга узоқ сабр-тоқат қилдим; энди ортиқ чидамоқчи эмасман. Эсингни йиғ, ёки оқибати ёмон бўлади.

Франц. Кечир, отажон; нега мендан жаҳлинг чиқади? Мен ҳеч нарса қилмаяпман, шекилли.

Мартин. Ҳеч нарса қилмаяпман! Ҳеч нарса қилмаётганинг ёмон-да. Сен танбалсан, текинтомоқсан. Сен нимангга ишонасан? Менинг бойлигимгами? Наҳотки, мен бойиб кетган бўлсам, қўл қовуштириб ўтирган бўлсам, уч-тўртта аҳмоқона қўшиқ тўқиганим ҳисобига бойидимми? Ўн тўрт ёшдан ўтганимдаёқ, раҳматли отам қўлимга икки танга бериб, кетимга иккита тепиб, шундай деганди: энди, боравер, Мартин, аравангни ўзинг торт, сенсиз ҳам менга осонмас. Шундан сўнг биз қайта кўришмадик ҳам. Худога шукур, уйлик бўлдим, пул топдим ва яхши ном орттирдим — ниманинг ҳисобидан? Тежаб-тергаганим, сабр-тоқат, меҳнатим туфайли. Мана, ёшим эликдан ошди, энди дам олиб ётадиган, ҳисоб-китоб дафтари, уй-рўзборни сенга топширадиган пайт келди. Хўш, мен бу ҳақда ўйлашим керакми? Сенга қандай қилиб ишонай? Сен бўлсанг, бизни назар-писанд қилмай, молларимизни насияга ола-

диган жаноблар билан кўнгилахушлик қилиб юрсанг. Сени биламан мен, ўз аҳволингдан уяласан. Аммо эшитиб қўй, Франц, агар ўзгармасанг, ўзингни дворянлардан четга олмасанг, юриш-туришингни тартибга солмасанг — унда, ҳаммасини худо кўриб турибди, сени уйдан қувиб соламан-да, Карл Герцни, шогирдимни меросхўр этиб тайинлайман.

Франц. Ихтиёринг, отажон; билганингни қил. Мартин. Шунақами; қараб тур...

*Бертольд ака киради.*

Мартин. Мана, яна битта эсипаст. Нимага келдинг?

Бертольд. Салом, қўшни. Ёрдамингга муҳтожман.

Мартин. Муҳтож! Яна пулми?

Бертольд. Ҳа... юз элик гульден қарз бериб туrolмайсанми?

Мартин. Овора бўласан — мен бу пулни қаердан оламан? Ахир, менинг хазинам йўқ-ку!

Бертольд. Илтимос — хасислик қилма. Ўзинг биласан, бу пуларинг шамолга совурилиб кетмайди.

Мартин. Қанақасига? Сенга озмунча пул бердимми? Қаёққа кетди улар?

Бертольд. Ишга сарфланди; аммо ҳозир сендан охирги марта сўраяпман.

Мартин. Бунақа охирги марталарни биринчи марта эшитаётганим йўқ.

Бертольд. Тўғриси. Охирги тажрибам арзимаган майда-чуйдани деб битмай қолди — энди

мен ҳаммасини ҳисоблаб чиқдим; тажрибам амалга ошмаслиги мумкин эмас.

Мартин. Эҳ, отагинам Бертольд! Агар қўлингга тушган пулни бирваракай алкимё оловига ташламаганингда сен бойиб кетардинг. Сен менга хазинани ваъда қиласану, яна олдимга садақа сўраб келасан. Бунда нима маъни бор?

Бертольд. Менга олтин керакмас, мен бир ҳақиқатни излаяпман.

Мартин. Ҳақиқатингни жин урсин, менга олтин керак.

Бертольд. Демак, сен менга яна ишонмаяпсанми?

Мартин. Ишонолмайман, ишонишни истамайман ҳам.

Бертольд. Ундай бўлса, хайр, қўшни.

Мартин. Хайр.

Бертольд. Барон Раулнинг олдига бораман, шояд у пул бериб турса.

Мартин. Барон Рауль? Хўш, у пулни қаердан олади? Унинг вассалари хонавайрон бўлган. Дарвоқе, Худога шукрки, ҳозир катта йўлга тушиб олиб, бойлик орттириш осонмас.

Бертольд. Менингча, унда пул бор, чунки герцог мусобақа ўтказмоқчи бўлаяпти, барон ҳам ўша ёққа отланаётир. Хайр.

Мартин. У пул беради деб ўйлайсанми сен?

Бертольд. Эҳтимол, берар.

Мартин. Уни сен охирги тажрибангга сарфлайсанда-а?

Бертольд. Шак-шубҳасиз.

Мартин. Тажрибанг амалга ошмаса-чи?

Бертольд. Қўлимни ювиб қўлтиққа ураман. Агар бу тажриба ҳам амалга ошмаса, унда алкимё деганлари қуруқ сафсата экан.

Мартин. Амалга ошса-чи?

Бертольд. Унда... сендан олган ҳамма қарзимни фойдаси билан раҳмат айтиб қайтараман, барон Раулга эса, буюк сирни очаман.

Мартин. Нима учун баронга, менга эмас?

Бертольд. Хурсанд бўлардим, аммо бундай қилолмайман: ўзинг биласан, ким охирги ва ҳал қилувчи тажрибамга кўмак берса, ўшанга сиримни очаман деб муқаддас биби Марьям номи билан ваъда берганман.

Мартин. Эҳ, отагинам Бертольд, бунча жаҳлинг чиқмаса! Қаёққа кетяпсан? Тўхта! Майли, шундай бўла қолсин. Бу сафар сенга пул қарз бераман. Худо ярақасин сени! Аммо ўзингга қара, гапингда тур. Майли, бу охирги ва ҳал қилувчи тажриба бўлсин.

Бертольд. Қўрқма. Бошқа тажрибага ҳожат қолмайди...

Мартин. Шу ерда туриб тур; ҳозир олиб чиқаман, айтганча, сенга қанча керак?

Бертольд. Юз элик гульден.

Мартин. Юз элик гульден... Вой, худойим-ей! Устига-устак қандай алфов-далфов замонда-я!

### *Бертольд ва Франц.*

Бертольд. Салом, Франц, нимани ўйлаб қолдинг?

Франц. Нега ўйланмай? Ҳозир отам ҳайдаб соламан, меросдан маҳрум қиламан деб дўқ урди.



Бертольд. Нима учун?

Франц. Рицарлар билан учрашиб юрганим учун.

Бертольд. У буткул ҳақ эмас ва айти пайтда, бутунлай айбдор ҳам эмас.

Франц. Наҳотки, мешчан дворян билан бир ҳаводан нафас ололмаса? Ахир, ҳаммамиз Одам Атодан тарқамаганмизми?

Бертольд. Тўғри, тўғри. Аммо кўряпсанми, Франц, қадимда бўлган: Ҳобил билан Қобил ҳам ака-ука бўлишган, Қобил Ҳобил билан бир ҳаводан нафас ололмаган — ва улар Худонинг олдида тенг бўлишмаган. Биринчи хонадондаёқ биз нотенглик ва ҳасадни кўриб турибмиз.

Франц. Модомики, мен ўзимнинг келиб чиқишимни яхши кўрмасам, гуноҳкорманми? Орномусни пулдан афзал билсам, ёмонми?

Бертольд. Ҳар қандай мавқе-мартаба ўзининг шарафи ва манфаатига эга. Дворян жанг қилади ва ўзига бино қўяди. Мешчан меҳнат қилади ва бой бўлади. Зодагон ўз кошонаси панжарасидан ташқарида обрўли саналади, савдогар эса — ўзининг растасида...

*Мартин киради.*

Мартин. Мана сенга юз элик гульден — билиб қўй, сени охирги марта қўллаяпман.

Бертольд. Миннатдорман, жуда миннатдорман. Кўрасан, асло пушаймон бўлмайсан.

Мартин. Тўхта! Ҳа, агар сенинг тажрибаларинг амалга ошса, олтининг ҳам, шон-шуҳратинг ҳам бўлиши тайин, хўш, шунда сен тинчгина маза қилиб яшайсанми?

Бертольд. Яна бир тадқиқотга киришаман: назаримда *perpetuum mobile*...\* ни кашф қиладиган восита бор.

Мартин. *Perpetuum mobile* нима?

Бертольд. *Perpetuum mobile*, яъни *абадий ҳаракат*. Агар абадий ҳаракатни топа олсам, унда инсоният яратувчанлигининг чек-чегарасини кўрмайман... кўряпсанми, менинг марҳаматли Мартиним: олтин яшаш қизиқарли вазифа, манфаат ҳам — аммо *perpetuum mobile*...ни топиш, ў-хў!..

Мартин. Ўзингнинг ўша *perpetuum mobile* билан билан даф бўл, жин урсин!.. Худо ҳаққи, отагинам Бертольд, сен ҳар қандай одамнинг ҳам тоқатини тоқ қиласан. Сен иш учун пул талаб қиляпсан, нималар деяётганингни худо билади. Ҳеч иложим йўқ. Ўтакетган тентаклик!

Бертольд. Ўта вайсақилик!

*Ҳар томонга тарқалишади.*

Франц. Бизнинг бойлигимизни жин урсин! — Менинг отам бой, — бироқ бундан не наф менга? Ўтмас қиличи-ю занглаган дубулғасидан бошқа ҳеч балоси йўқ дворян ҳам менинг отамдан кўра бахтли ва обрўли. Отам уларнинг олдида шляпасини олиб, таъзим қилади, у бўлса, қараб ҳам қўймайди. — Пул! Чунки унга пул топиш осон бўлмаган, у шундай деб ўйлайдики, пул ҳаммасини ҳал қилади, куч — шунда! Агар шунчалик қудратли бўлса, отам мени бароннинг қасрига олиб кириб қўйсин-чи! Пул! Рицарга пул керакмас,

\* *Perpetuum mobile* — Мангу ҳаракат (лот.).

чунки мешчанлар бор — уларни қаттиқ сиқувга олса, қони пул бўлиб тирқирайди!.. Жин урсин бойлигимизни! — Менинг сўнгги министрел бўлганим яхши: жуда бўлмаганда уни қасрда қабул қилишади... Хонимлар унинг қўшиқларини тинглашади, унинг қадаҳига май қуйиб, ўз қўллари билан узатишади...

Савдогар ўзининг ҳисоб-китоб дафтарлари билан ўтиради, ҳисоблайди, ҳисоблайди, ялиниб-ёлворади, дуч келган харидорни алдайди: «Худо ҳаққи, жаноб, жуда яхши мол, арзонини ҳеч қаердан тополмайсиз». — Сен алдаяпсан, жухуд. — «Ҳечам-да, виждонимни ўртага қўяман, ишонинг»... Виждонни!.. Тоза виждонни! Рицарь эса — у бургут — озода... у ҳеч қачон икки букилиб ҳисоб-китоб қилиб ўтирмайди, у тик ва мағрур боради, у бир гап айтдимиз, унга ишонишади...

Ҳа, шу ҳам ҳаёт бўлдимиз? — Жин урсин! — Яхшиси министреликка бораман.

Бироқ анави роҳиб нима деди? Мусобақа деган ва барон ўша ёққа боради — оҳ, Худойим-ей! Клотильда ҳам ўша ерда бўлади. Хонимлар ўз рицарларини кузатишиб, давра қуриб ўгиришади — карнайлар варанглайди — рицарлар майдондан ўтишади ва ўзларининг гўзаллари ўтирган айвон олдида найзаларини тушириб таъзим қилишади... карнайлар тагин варанглайди — рицарлар четга чиқади — бир-бирининг устига бостириб келади... хонимлар оҳ тортишади... Худойим-ей! Мен ҳеч қачон мусобақада чанг чиқармайман, жарчи ҳеч қачон менинг исминини

жаранглатиб эълон қилмайди, манфур мешчан исмини, ҳеч қачон Клотильда оҳ чекмайди...

Пул! Агар у билсайди, рицарлар биздан нақадар нафратланишини, пулимизга ҳам қарамай...

Альбер. Ҳа! Францми бу; сен кимга бундай қичқирдинг?

Франц. Э, жаноб, менинг гапимни эшитдингизми... мен ўзим билан ўзим гаплашяпман...

Альбер. Ўзинг билан ўзинг нималарни гаплашяпсан?

Франц. Мусобақага қандай қилиб борсам экан, деб ўйлаётгандим.

Альбер. Сен мусобақага боришни хоҳляпсанми?

Франц. Худди шундай.

Альбер. Бундан осони йўқ; менинг отбоқарим ўлиб қолди — унинг ўрнига ўтасанми?

Франц. Қанақасига! Бечора Яковингиз ўлди-ми? Нимадан ўлди у?

Альбер. Худо ҳаққи, билмайман; жума куни соппа-соғ эди; оқшом жуда кеч қайтдим (Ремонникида меҳмонда эдим, роса ичибман) — Яков менга нимадир деди... жаҳлим чиқиб кетди ва унга мушт туширдим — эсимда, лунжига урдим, эҳтимол манглайига — йўқ, аниқ лунжига урдим; Яков қулаб тушди — шу бўйи қайта турмади; мен ечинмай уйқуга ётдим, эртаси кун билсам, менинг шўрлик Яковим — ўлибди.

Франц. Ҳой, рицар! Афтидан, тарсакингиз ҳам темирдай.

Альбер. Темир қўлқоп кийгандим. — Хўш, нима дейсан, менинг отбоқарим бўласанми?

Франц. (бош қашиб). Сизнинг отбоқарингиз? Альбер. Нега бошингни қашлайсан? Хўп де. — Сени мусобақага олиб кетаман, менинг қасримда яшайсан. Мендай рицарга қуролбардор бўлиш ҳазил гапмас: ахир, бу мавқе. Вақти келса, айтиб бўладими, сени рицарликка кўтарармиз — кўпчилик шундай бошлаган.

Франц. Отам нима деркин?

Альбер. Унинг сен билан нима иши бор?

Франц. Мени меросдан маҳрум қилади...

Альбер. Ҳаммасига тупур — ўзингга осон бўлади.

Франц. Кейин мен қасрингизда яшайманми?..

Альбер. Албатга-да. — Хўш, розимисан?

Франц. Сиз менга тарсакиламайсизми?

Альбер. Йўқ, йўқ, қўрқма; мабодо шундай гуноҳга қўл урилса — нима бўпти — ҳамма отбоқарлар ҳам ажалидан олдин ўлмайди-ку.

Франц. Бу ҳам тўғри: агар шундай гуноҳ иш рўй берса — кўрамиз, ким кимни...

Альбер. Нима? Нима дединг, мен сени туншунмадим?

Франц. Шунчаки, ўзим ҳақимда ўйляпман.

Альбер. Хўш, нима дейсан — розимисан...

Франц. Рухсат этинг — розиман.

Альбер. Ўйлайдиган нарсанинг ўзи йўқ эди. Ўзингга от топгин-да, меникига кел.

### *Берта ва Клотильда.*

Клотильда. Берта, менга бирор нарса айтиб бер, зерикиб кетяпман.

Берта. Мен сизга нима ҳақида гапирсам бўлади? — Бизнинг рицарь ҳақидами?

Клотильда. Қанақа рицарь?

Берта. Мусобақа ғолиби ҳақида-да.

Клотильда. Граф Ротенфельд ҳақидами? Йўқ, мен у ҳақида гапиришни хоҳламайман; мана, қайтганимизга икки ҳафта бўлди, — у эса, ҳатто олдимизга келишни ҳам ўйлагани йўқ; бу унинг беадаблигидан.

Берта. Шошманг — ишончим комил, у эртага келади...

Клотильда. Нега сен шундай деб ўйлайсан?

Берта. Чунки, мен уни тушимда кўрдим.

Клотильда. Э, Худойим-ей! Бу ҳеч нимани англатмайди. Мен ҳар оқшом уни тушимда кўраман.

Берта. Бу бутунлай бошқа гап — сиз уни севиб қолибсиз.

Клотильда. Мен севиб қолдим! Бўлмағур гапларни айтмаслигингни ўтинаман... Ҳа, граф Ротенфельд тўғрисида ҳам гапиришинг бефойда. Бошқа бирортаси ҳақида сўзлаб берақол.

Берта. Ким ҳақида? Акамнинг отбоқари Франц ҳақида гапирайми?

Клотильда. Майли, менга Франц ҳақида сўзлай қол.

Берта. Тасаввур қиласизми, бекам, у сизга ошиқу беқарор бўлиб қолган.

Клотильда. Франц менга ошиқу беқарор? Буни сенга ким айтди?

Берта. Ҳеч ким, ўзим пайқадим: сиз от минганингизда, у доим узангини ушлаб туради; дастурхон атрофида хизмат қилганда, сиздан бошқа ҳеч кимни кўрмайди; мабодо рўмолчангизни туши-

риб юборсангиз, у ҳаммадан олдин, эпчиллик билан олиб беради, — бизга эса, қиё боқмайди...

Клотильда. Ё сен тентаксан, ё Франц қўпол махлуқ...

*Альбер, Ротенфельд ва Франц киришади.*

Альбер. Синглим, сенга ўзингнинг рицаринг-ни таништирмоқчиман, граф қасримизга меҳмон бўлиб келди.

Граф. Ижозат этинг, аслзода хоним, нолойиқ рицарингиз, ўша мен қимматбаҳо мукофот олган чиройли қўлингиздан яна бир бор ўпса...

Клотильда. Граф, сизни ўз қароргоҳимда қабул қилиш бахтига сазовор бўлганимдан мамнунман... Акажон, мен сизларни шимолий минорада кутаман... (*Кетагу*).

Граф. У қанчалар гўзал!

Альбер. У ғоят марҳаматли қиз. Граф, нега ечинмаяпсиз? Хизматкорингиз қани? Франц! Графни ечинтир.

*Франц имиллайди.*

Франц, қулоғинг карми?

Франц. Мен дунёга хизматкормасман, дуч келганни ечинтирадиган...

Граф. Оҳо, қандай журъатли!

Альбер. Қўрссан! (*Қўл кўтаради*). Сени ҳайдайман!

Франц. Қасрни тарк этишга ўзим тайёрман.

Альбер. Оми, ярамас махлуқ! Кечирасиз, граф, уни йўлга солиб қўяй... Йўқол!.. (*Унинг орқасидан итаради.*) Қайтиб қадам босма, бу ерга.

Граф. Илтимос, тегманг бу тентакка; у бунга арзимаиди...

Клотильда. Акажон, сенга илтимосим бор.

Альбер. Нима истайсан?

Клотильда. Илтимос, отбоқаринг Францни ҳайдаб юбор; у менга қўрслик қилишга журъат этди...

Альбер. Қанақасига! Сенга ҳам-а?.. Афсус, уни ҳайдаб юбориб бўлдим, акс ҳолда, мендан осонликча қутилмасди. Хўш, нима қилди ўзи у?

Клотильда. Шундай, ҳеч нарса. Агар уни ҳайдаб юборган бўлсанг, энди айтмаса ҳам бўлади. Айт-чи, акажон, граф бизникида ҳали кўп турадими?

Альбер. Синглим, бу сенга боғлиқ деб ўйлайман. Нима учун қизариб кетдинг?..

Клотильда. Сен нуқул ҳазиллашасан... У эса, хаёлига ҳам келтирмайди...

Альбер. Хаёлига келтирмайди? Нима тўғрисида, ахир?

Клотильда. Эҳ, акажон, бунча анқов бўлмасанг! Граф мени ўйламайди, деб айтяпман...

Альбер. Кўрамиз, кўрамиз — бўлганича бўлар.

\* \* \*

Франц. Мана, бизнинг уйчамиз... Нега уни аллақандай ўшшайган қасрни деб ташлаб кетдим? Бу ерда мен хўжайин эдим, у ерда — хизматкор... Нима учун? Сур аслзода қизнинг мағрур нигоҳи учунми. Мен хўрликни кўтардим, яқинларим кўз олдида қадрим ерга урилди — ўзимнинг ўртоғимга хизматкор бўлдим, ҳавойи тантиқнинг



болаларча инжиқликларини кўтаришга одатландим... мен ҳеч нарса қилмадим... Отамнинг измида юришни истамаганим боис бегоналарнинг қўлига қараб қолдим... Кейин буларнинг бари нима билан тугади? — Э, худо, қоним қайнаб кетяпти — муштарим тугиляпти... О, мен улардан қасос оламан, қасос...

Отам қандай кутиб оларкин! (*Тақиллатади.*)

Карл (*чиқади*). Ким у дадил тақиллатаётган? Ҳа, Франц, бу сенми! (*Ўзига*). Жин урсин!

Франц. Салом, Карл, отам уйдами?

Карл. Оҳ, Франц, — кўп бўлди бу ерда бўлмаганимга... Бир ой бурун отанг ўлди.

Франц. Ё, худойим! Нима деяпсан?.. Менинг отам ўлди! — Мумкин эмас!

Карл. Шунақа, мумкин экан, уни дафн этдик.

Франц. Бечора, бечора чол!.. Менга хабар ҳам бермадинглар, касал экан! Балки у гам-ҳасратдан вафот этгандир — мени яхши кўрарди; қаттиқ кутгандир. Карл, сен бирортасини менга юбора олмадингми! Дуосини олиб қолардим...

Карл. У иш бошқарувчидан аччиқланиб ўлди, қизишганидан уч шиша пивони ичиб юборди. Шундан ўлди. Яна, биласанми, Франс? Ахир, у сени меросдан маҳрум қилди-ку — ўзининг бор мулкини...

Франц. Кимга?

Карл. Сенга айтишга ҳаддим сизмайди — сенинг феълинг жуда тез...

Франц. Биламан: сенга...

Карл. Худо шоҳид, бунда менинг айбим йўқ, — Мен ҳаммасини сенга беришга тайёрман... чунки, биласанми, гарчи қонун ҳам мен томонимда, — бироқ, мана, инсоф билан айтганда, сезиб турибман, ўғил отанинг меросхўри, шогирд эмас... Аммо, биласанми, Франц... мен сени кутдим, сен эса, келмадинг — мен уйландим ҳам... мана энди, уйланган эркак сифатида, нима қилишни ҳам билмайман... нима қилиш керак...

Франц. Менинг меросимга ўзинг эгалик қилавер, Карл, сендан уни талаб қилмайман. Кимга уйландинг?

Карл Юлия Фурстга, қадрдоним Франц, Иоганн Фурстнинг қизи, қўшнимиз... Уни сенга кўрсатаман. Агар қолишни хоҳласанг, бўш турган хонам бор...

Франц. Йўқ, мени мамнунлигимни билдириб қўй, Карл. Юлияга қуллуқ қил — мана бу кумуш занжирни унга бериб қўй — мендан эсдалик учун...

Карл. Қадрли Франц! Биз билан тушлик қилишни истамайсанми? Биз ҳозиргина дастурхон атрофига ўтирган эдик...

Франц. Иложим йўқ, шошиб турибман...

Карл. Қаёққа, ахир?

Франц. Шунчаки, ўзим ҳам билмайман — хайр.

Карл. Хайр, худо мадад.

*Франц кетади.*

Ҳа, у жуда яхши йигитча — афсуски, йўлини тополмаган! Хўш, энди мен мутлақо хотиржамман: на судлашув, на оворагарчилик бўлади.

*Вассаллар,*

*Чалғи ва тўқмоқлар билан қуролланишган.*

Франц. Улар мана бу ўтлоқдан келишади — ҳушёр туринг, чўчиманг; иложи борича улар яқинроқ келаверсин, ўт ўраверинг — рицарлар сизга дўқ қилиб, устингизга от солиб — бостириб келади, шунда сиз чалғи билан отларнинг оёғига урасиз — биз эса, ўрмондан чиқиб келиб, зарба берамиз... чу!.. Ана улар.

*Франц бир гуруҳ вассаллар билан ўрмонга бекинади.*

*Косари*

*(қўшиқ айтади)*

*Ўтар чалғи галаган,  
Яшил йўлак ўша дам  
Изидан ёнбошлар жим.  
Ҳой, чалғим, ўр илдам  
Қувонади юрагим.*

*Бир неча рицар, уларнинг орасида Альбер ва Ротенфельд.*

Рицарлар. Ҳей, сизлар — йўлдан даф бўлинг!

*Вассаллар бошларидан шляпасини олишади,  
аммо жойидан силжишмайди.*

Альбер. Сенга айтишяпти, йўқол!.. Бу нима, Ротенфельд? Улар жойидан жилмаяпти.

Ротенфельд. Отларни жадаллатиб, уларни топтап ўтиб кетамиз....

Косари. Йигитлар, қўрқманглар...

*Яраланган отлар суворийси билан йиқилади,  
бошқалари қочади.*

Франц. *(пистирмадан отилиб чиқади)*. Олға, йигитлар! У! у!..

Бир рицарь *(бошқасига)*. Аҳвол чатоқ, биродар — улар юзтадан зиёд...

Бошқаси. Ҳечқиси йўқ, бизда яна беш суворий бор...

Рицарлар. Аблахлар, кўшпақлар, мана бўлмаса сизга!

Вассаллар. У! у! у!..

*Жанг.*

*Рицарларнинг барчаси бирин-кетин қулайди.*

Вассаллар *(уларни тўқмоқлар, чалғилар билан дўппослашади)*. Бизникилар енгишди!.. Қонхўрлар! Қароқчилар! Ифлос мутакаббирлар! Энди сизлар бизнинг қўлимиздасиз...

Франц. Уларнинг қайси бири Ротенфельд? — Дўстлар! Дубулғасини олинглар — Альбер қаерда?

*Рицарларнинг бошқа тўдаси  
келиб қолади.*

Улардан бири. Жаноблар! Қаранглар, бу нимаси? Бу ерда жанг бўлаяпти...

Бошқаси. Бу исён — ярамас халқ рицарларни дўппослаяпти...

Рицарлар. Жаноблар! Жаноблар!.. Найзаларни кўтаринг!.. Жадалланг!..

*Кўплашиб келган рицарлар вассалларга хужум қилади.*

Вассаллар. Фалокат! Фалокат! Бу — рицарлар!.. (*Ҳар томонга қочишади.*)

Франц. Қаёққа? Қаранглар, улар ўнтача ҳам чиқмайди!..

*У яраланади; рицарь уни ёқасидан олади.*

Рицарь. Тўхта! Оғайни... уларга ваъз ўқишга улгурасан.

Бошқаси. Шу ярамас махлуқлар олижаноб рицарларни енгадими ҳали! Қаранг, бир, икки, уч... Тўққизта рицар ҳалок бўлибди. Бу даҳшат.

*Ерга ётган рицарлар бир-бир қағдини  
ростлайди.*

Рицарлар. Қанақасига! Сизлар тирикмисиз?  
Альбер. Темир совет туфайли...

*Ҳаммаси кулади.*

А-ҳа, Франц, бу сенмисан, ўртоқ? Сени учратганимдан ғоятда хурсандман... Жаноб рицарлар! Олийҳимматлик билан кўрсатган ёрдамингиз учун ташаккур.

Рицарлардан бири. Арзимади; бизнинг ўрнимизда сиз ҳам шундай қилар эдингиз.

Ротенфельд. Сизни ўз қасримга уч кунга таклиф этишга ижозат сўрайман, олишувдан кейин ҳордиқ чиқарсак ва дўстона зиёфат уюштирадими?..

Рицарь. Авф этгайлар, сизнинг олийжаноб меҳмондўстлигингиздан баҳраманд бўлолмагай-

миз. Биз Эльсберг шахзодасининг дафн маросими-  
мига шошиб турибмиз — кечикамиз деган таш-  
вишдамиз...

Ротенфельд. Ҳеч бўлмаса меникида кечки  
зиёфатда бўлишга розилик бериб, мени хурсанд  
қилинг.

Рицарь. Бажонудил. — Аммо сизнинг отла-  
рингиз йўқ. — Ўзимизникини таклиф этишга  
ижозат берсангиз... Биз сизларнинг орқангизда  
ўтирамыз, худди озод қилинган гўзаллардек.

*Ўтиришади.*

Мана бу ботир болани биринчи доргача олиб  
кетамиз... Жаноблар, уни менинг отимни думига  
боғлашга кўмаклашиб юборинглар...

## РОТЕНФЕЛЬД ҚАСРИ

*Рицарларкечки зиёфатга.*

Бир рицарь. Ажойиб шароб!

Ротенфельд. Юз йиллик... Катта бобом Фа-  
ластинга кетишидан олдин ертўлага кўмиб қўйган  
экан, ўзи ўша ёқда қолган; бу юриш унга икки  
қаср ва Ротенфельд ўрмонига тушган, уни арзи-  
маган пулга алақандай руҳонийга сотиб юбор-  
ган.

Рицарь. Ажойиб шароб! Олийҳиммат бека-  
нинг соғлиғи учун кўтарайлик!..

Рицарлар. Гўзал ва олийҳиммат бека соғли-  
ғи учун!..

Клотильда. Ташаккур сизга, рицарлар. Сиз-  
ларнинг хонимларингиз соғлиғи учун... *(Ичади.)*

Ротенфельд. Бизнинг халоскорларимиз соғлиги учун!

Рицарлар. Халоскорларимиз саломатлиги учун!

Рицарлардан бири. Ротенфельд! Сизнинг зиёфатингиз жуда зўр; аммо нимадир етишмаяпти...

Ротенфельд. Биламан, кипр шароби; начора — ҳаммаси ўтган ҳафта ичилиб кетди.

Рицарь. Йўқ, кипр шароби эмас; миннезингер қўшиғи етишмаяпти...

Ротенфельд. Тўғри, тўғри... Қўшнилар орасида миннезингер йўқми; меҳмонхонага чоп...

Альбер. Бизга бундан ортиғи керакми? Ахир, Франц ҳали осилмаган-ку — бу ёққа чақирилсин...

Ротенфельд. Жуда тўғри, Францни чақиринг!

Рыцарь. Ким у Франц?

Ротенфельд. Ўша аблах, бугун сизлар асир олганингиз.

Рыцарь. Ҳа, у миннезингерми?

Альбер. О! Хўп, ҳаммаси сиз хоҳлаганингиздай. Мана у.

Ротенфельд. Франц! Рицарлар сенинг қўшиғингни эшитишни исташяпти, албатта, агар қўрқувдан эсингни йўқотиб қўймаган бўлсанг, овозинг жойида бўлса.

Франц. Нимадан қўрқаман? Марҳамат, мен сизга ўзим тўқиган қўшиқни айтаман. Овозим титрамайди, тилимни эса, суғуриб олишганича йўқ.

Ротенфельд. Кўрамиз, кўрамиз. Қани, бош-  
ла-чи...

Франц  
(куйлайди)

Қашшоқ, рицарь ўтган бир замон,  
Индамас ва соддадил, оддий,  
Ранги бир ҳол, афтода, ёмон,  
Аммо руҳан жасур, ҳақиқий.

Юрагида ғаройиб туйғу,  
Ақл бовар этмас сирли нур,  
Муҳрланиб қолганди мангу.  
Дил тубида муқаддас сурур.

Шундан буён юраги ёниб,  
Қиз зотига боқмади ҳаргиз,  
Ўлгунича ҳеч кимга бориб,  
Сўз айтмади, яшади ёлғиз.

У бўйнига шарф ўрнига  
Тасбеҳ боғлаб олди мутлақо,  
Шундан буён пўлат ниқобни  
Кўтармади юзидан асло.

Юрак тўла соф муҳаббати,  
Дилидаги орзуга содиқ,  
Қони билан А. М. D\*. хати  
Ёзилганди қалқонга аниқ.

Фаластиннинг саҳро, даштида,  
Мағрур қоя, тоғ ичра мамнун

\* Шод бўл Биби Марьям (лот.).



Ботир жангта кирди шашт ила  
Хитоб этиб гўзаллар номин.

Lumen coelum, sancta rosa!\*  
Хитоб қилди ёввойи шавқда,  
Чақмоқ каби, ҳаммадан ўза  
Мусулмонни қувди ҳар ёққа.

Сўнгра олис қасрига қайтиб,  
Маҳбуслардай яшади танҳо;  
Сас-садосиз, вамларга ботиб,  
Девонадай қилди у қазо.

### Олқишлар.

Рицарлар. Ажойиб қўшиқ; аммо ўта ғамгин.  
Қувноқроғи йўқми?

Франц. Марҳамат; қувноғи ҳам бор.

Ротенфельд. Умидсизликка тушмаганинг  
учун севаман! Мана, сенга бир қадах шароб.

### Франц

Тегирмончи қайтди ярим тун...

— Хотин, гапир, бу қандай этик?

— Ҳа, ароқхўр, бекорчи, нечун,

Қани, қайда сен кўрдинг этик?

Нима, шайтон йўлдан урдими?

Бу челак-ку. Челак? Тўғрими?

— Мана, қирққа кирибман, аммо

Ўнгимда ҳам, тушимда ҳатто,

Ҳозиргача кўрмадим бир бор,

Челакка тақилган мис шпор.

\* Самовий нур, муқаддас гул (лот.).

Рицарлар. Ажойиб қўшиқ! Гўзал қўшиқ! — балли, миннезингер!

Ротенфельд. Барибир, мен сени осаман.

Рицарлар. Албатта — қўшиқ ўз йўлига, арқон ўз йўлига. Бири иккинчисига халал бермайди.

Клотильда. Жаноб рицарлар! Сизга менинг ўтинчим бор, рад этмасликка сўз беринг.

Рицарь. Нима буюрадилар, хоним?

Бошқаси. Биз ҳаммаси учун узр-маъзурга тайёрмиз.

Клотильда. Мана шу бечора одамни авф этишнинг иложи борми?.. У адабини еди, жароҳат ва дорга осилиш ваҳми билан етарли жазосини олди.

Ротенфельд. Уни авф этиш!.. Ҳа, сиз ярамас халқни яхши билмайсиз. Агар уларни бошлаб қўрқитиб қўйиш ўрнига йўлбошчисини кечирсак, улар эртага яна исён кўтаришади...

Клотильда. Йўқ, Франци мен ўз кафилигимга оламан. Франц! Тўғримасми, сени кечиршса, бошқа исён кўтармайсан-а?

Франц. *(фавқулодда хижолат бўлиб)*. Бекам... Бекам...

Рицарь. Ҳа, Ротенфельд... хоним сўраганида, рицарь рад этолмайди. Уни авф этиш керак.

Рицарлар. Авф этиш керак.

Ротенфельд. Шундай бўла қолсин: биз уни дорга тортмаймиз, аммо қамоққа ташлаймиз ва сизга сўз бераманки, у менинг қасрим кунпаякун бўлиб кетмагунча қамоқдан чиқмайди...

Рицарлар. Шундай бўлсин...

Клотильда. Бироқ...

Ротенфельд. Бекам, мен чин сўз бердим.

Франц. Умрбод қамоқ! Ундан кўра ўлганим яхши.

Ротенфельд. Сендан сўрашмайди... Уни минарага олиб боринг...

Францни олиб кетишади.

Франц. Бироқ мен хонимга жоним билан қарздорман!

.....



## ҲУРФИКРАЛИ ЭРКСЕВАР ШОИР

Бугун Пушкин ва унинг адабий меросига муносабат турлича. Шундай бўлиши табиийдек гўё. Мен Ҳумоюннинг Пушкиндан таржималарини ўқиш жараёнида у айтган бир гапни кўп эсладим. Таржимон ушбу қўлёзмаларни бир нашриётга таклиф этганда, ношир: «Бугун Пушкинни ким ўқийди», деган. Бу савол эмас, балки ўша ноширнинг таклифга жавоби (Ҳумоюннинг гапига қараганда), бироқ ўйлатадиган жавоб.

Гап Пушкиндан қилинган таржималарнинг китоб бўлиб чиқишида ҳам эмас — Пушкинга муносабатда. Ўша ноширнинг гапи Байрон, Гёте ёки бошқа мумтоз шоирлар ва уларнинг ижодий меросига нисбатан айтилса ҳам унчалик ажабланмасак керак. Ахир, XXI асрнинг қарийб чорагини яшаб қўйган одамлармиз, жуда кўп нарсалардан хабаримиз бор, йўқларини электрон воситалар йўндириб турибди — гўё одамзод муроду мақсадига етгандек... Хўш, унга яна нима керак?! Пушкин керакми?..

Керак! (Гарчи замондошимиз ўзидаги поэзияга эҳтиёжни инобатга олмаётган, балки англаб етмаётган бўлсада.) Бу эҳтиёжга мувофиқ, дейлик, рақамли дунё соҳиблари саналмиш бугунги авлодлар учун Пушкин қайси жиҳатларига кўра муҳим?

\*\*\*

Пушкин — ғурури балаңд, ёвқур, танги ва қувноқ шоир. Бу хислатлар унга халқидан юққан. Пушкин тез ва жуда қаттиқ севиб қоладиган жўшқин қалб соҳиби. Бу ҳам унинг халқига хос хислат. Унинг маҳбубаси — озодлиқ, эрк. (Унинг бунга умрбод содиқ қолгани ҳайратланарли.) Рус халқи барча замонларда хур, озод яшаш учун курашиб келган. Пушкин миллий шоир сифатида халқи руҳини, орзу-умидларини

ўзида мужассам этган сиймо. У ҳақда гапирганда бежиз: «Пушкин бизнинг боримиз!» дейишмайди.

\*\*\*

Башорат қилишга мойил Гоголь: «Пушкин фавқулодда ҳодисадир ва, эҳтимол, рус руҳиятининг ягона ҳодисаси» дея таъриф бераркан, унинг даражасидаги, унингдек рус кишиси, балки, икки юз йилдан кейин кўриниш берар, деб умид қилганди. Ҳа, Пушкин шахси ва шеърляти билан, мана, икки юз йилдан кейин ҳам ҳайратга солиб келаётир.

Хўш, бу ҳайратнинг сири нимада? Унинг замирида қандай мазмун мужассам? Бир мисол. Пушкиннинг «Капитан қизи» повестини кўпчилик ўқиган, «Пугачёв тарихи»дан хабари борлар ҳам топилади. Аммо айтиш жоизки, Пугачёв мавзуси Пушкин замонида қалтис мавзу ҳисобланган. Мустабид тузум расман «зулмкор», «қароқчи» тамғасини босган, подшоликка қарши бош кўтарган исёнчини Державин, Сумароков каби салафлари кескин қоралаб, расмий сиёсатга мувофиқ тарзда лаънатлаб ёзган шеърларини Пушкин қабул қилмаган. Айнан Пугачёв масаласида у ўз даврининг расмий-сиёсий ҳукмини ҳам, ўзи устоз қаторида кўрган катта шоирларнинг исёнчига ўта салбий қарашларини ҳам маъқулламаган. Бунга далил сифатида пушкиншунослар талай далилларни келтиришади. Жумладан, А. Делвигга хатида атоқли шоир саналган Державин даҳосини саркарда Суворов даҳоси билан қиёслаш мумкинлигини айта туриб, Пушкин: афсуски «шоир тез-тез хўроз бўлиб қичқирди», деб ёзган. Бундай фактларни яна келтириш мумкин. Бироқ улардан Пушкин Пугачёв ва унинг исёнини ёқлаган, деган хулосага келиш ўринсиз. Ўша даврдаги мустабид тузумнинг ижтимоий, миллий зулм-зўравонлиги қўзғолонга олиб келганини шоир яхши билган. Исёнчи қиёфасида Пушкин озодлик тимсолини кўрган бўлса ажабмас.

Пушкиннинг буюклиги шахсининг бутунлигида. Бу бутунлик замирида Инсон ҳурлигига ташналик бор. Ахир, бу

лунё шоирман деганларнинг ҳар қандайини кўрган. Умр бўйи номенклатура рўйхатида ўтириб, ёзганлари тириклигидаёқ макулатурага айланганларнинг қанчаси унутилиб кетди. Истеъдодини «юқорининг юксак эътибори»га қурбон қилганлар-чи?!

Дарвоқе, пушкиншунослар шоирнинг Пугачёвга мойиллиги, унга айрича меҳри бўлганини ҳам таъкидлашади. Бу мойиллик, меҳр, аслида Инсоннинг ҳур яшашга кучли истаги туфайлидир. Гоголь айтганидек, Пушкиннинг фавқулодда ҳодиса экани, ўз замонидан жуда илгарилаб кетгани, танқид ва таҳдидларга қарамай Пугачёвнинг реалистик образини яратгани унинг барча замонлар ижодкорларига жасорат бобида берган адабий сабоғи, десак адашмасак керак.

\*\*\*

Пушкиншунослар «Қуръонга назира» ва «Пайғамбар» асарларидаги мафкуравий ва бадий талқинлар улар яратилган даврга хос анъанавий қарашлар ҳамда тасаввурларга батамом зид эканини, бу асарларида Пушкин умуминсоний қадриятларга юксак эътибор билан қараганини, беқиёс поэтик маҳоратини намоён этганини алоҳида таъкидлашади.

Ўша пайтда рус дворян жамияти ва ҳукмрон мафкура «мусулмончилик»ка ўта тор миллатчилик, черков-миссионерлик манфаатларидан келиб чиқиб муносабатда бўлган. Қолаверса, Пушкин «Қуръонга назира»ни ёзаётган пайтда Греция билан Туркия ўртасида уруш бўлаётгани боис, рус жамиятида мусулмонларга қарши кайфият ниҳоятда авж олган, кунда-кунора матбуотда шу мавзуда шеърлар, наслий асарлар чиқиб турган.

Мана шундай вазиятда ҳукмрон мафкурадан холи бўла олиш, жамиятда жазавали кечаётган «миллий ва диний манфаатлар» учун мурасасиз курашлар жараёнида Қуръонга холис, хотиржам, эътибор ва эъзоз билан ёндашиш шоирдан чинакам мардоналикни тақозо этарди. Пушкин бунинг уддасидан чиқди — «Пушкиннинг поэтик гулчамбаригади

ярқираган олмос»лар (В. Белинский) — «Қуръонга назира», «Пайғамбар»дек асарлар яратди.

Ҳа, чинакам шоир миллийликдан чекинмайди, бироқ замон зайли тақозо этган миллий, диний манфаатлар доирасига сифмайди. Бу буюклик нишонаси. Пушкин ҳам шундай шоирлар сирасидандир. Бундай шоирлар улкан шоншарафларга катта истеъдоди билангина эмас, аввало, тафаккурининг озодлиги, фикрининг ҳурлиги билан эришади.

\*\*\*

XXI асрга — Инсоният ақлга сифмайдиган кашфиётлар қилган ва айни пайтда қайсар ўсмир каби ҳануз уқубатли эҳтиросларга асир бўлиб қолаётган замонга Пушкин ҳурфикрли эрксевар шоир сифатида дадил кириб келди. Ва айни шу сифатлар унинг шеъриятини замонавийлаштирди, долзарблигини таъминлади.

Замонлар, мафкуралар ўзгарди, мустабид тузумлар барҳам топди, дунё неча марта эврилди — Пушкин эса, ўша-ўша — бошини мағрур тутиб, рост сўз билан «юракларга олов ёқиб» турибди. Ўтган икки асрнинг нари-берисида рўй берган воқеалар, бўронли, тўфонли даврларда ҳам унинг шеърияти завола топгани йўқ, мероси рус маданияти ҳудудида қолиб кетмади, умумжаҳон маданиятининг бир бўлагига айланди. Бу меросдан биз ҳам кўчдан бери баҳрамандмиз.

Чунончи, Пушкин шеърларини ўзбекчалаштиришга XIX аср охирида қўл урилган экан. Шундан кейинги бир юз йигирма йил мобайнида бу жараён тўхтагани йўқ. Орадаги фарқни ўзбек таржима мактабининг шакланганида, ривожланиб боргани ва такомиллашганида кўриш мумкин. Ўзингиз қиёсланг: қуйидаги мисоллар ҳам буни яққол кўрсатиб турибди:

*Анда ул пира зан жаҳолатдин,  
 Фазаб этди анга ниҳоятдин.  
 Айтдиким: Бул нечун болоҳатгур,*

*Халқ аро тушмаган балогатгур.  
Ўйламасму киши нагур ҳоли,  
Кимга қилмиш зиён жаҳон моли...*

Ушбу парча Пушкин эртақларининг илк таржималаридан (1899 йил). Кейинги мисолимиз эса, Пушкиннинг яқинда қилинган бошқа бир асари таржимаси; мутаржим Ҳумоюн.

*Ёт элда ҳам қилиб эзгу иш —  
Асраб юртим урф-одатини:  
Озод этдим, учди митти қуш,  
Порлоқ баҳор байрами кун.  
Таскин топдим ўша фурсатда  
Нечун кўкка зорланай нолон,  
Ҳеч қурганда, битта хилқатга  
Этолдимку озодлик инъом.*

...

«Ҳақиқий шоирларнинг асарлари барча замонларда ўзининг янгилигини ва навқиронлигини сақлаб қолади», деб ёзган эди Пушкин. Бу фикр фақат шоирнинг меросигагина эмас, унинг маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилинган асарларига ҳам тааллуқли.

XX аср бошларига келиб нақшли, серҳашам жимжимадорликдан қутула бошлаган ўзбек шеъри оддий тилга кўчди: очиқ-тиниқ, ифодаси маънодор ва ширали, жарангдор шеърийят бадий таржимада ҳам юксак поэтик техникани, мукамал услубни намоён этди. Буни Чўлпон таржимасидаги «Борис Годунов», Ойбек таржимасидаги «Евгений Онегин», Ҳамид Олимжон, Элбек, Усмон Носир таржималаридаги Пушкин асарларида кўрамиз. Айниқса, тилининг содда, ёрқин ва оҳангдорлиги билан Усмон Носир таржимасидаги «Боғчасарой фонтани» поэмаси Пушкиннинг «ҳақиқий шоирларнинг асарлари»га қўйган «ташхиси» — «янгилиги ва навқиронлигини сақлаб келаётгани» билан ўзбек таржимачилиги мактабининг ибратли намунасидир.



Устозлар изидан бориб, Ҳумоюн мансуб бўлган кенжа авлод шоирларининг жаҳон адабиёти классик асарлари таржимасига дадил қўл ураётгани қувонарли ҳол.

Ушбу тўпламга Пушкиннинг икки юз йигирмадан ортиқ шеърий асари таржималари жамланган. Шулардан, мутаржим маълумотича, олтмишдан зиёдроғи оддин таржима қилинган асарлар бўлса, бир юз олтмиштачаси Ҳумоюн ўзбекчалаштирган янги таржималардир. Хабарим бор, бу таржималар устида Ҳумоюн узоқ вақт қунт билан ишлади, меҳнат қилди. Меҳнатининг самараси ҳақида адабий жамоатчилик, таржимашунос олимлар, ижодкор таржимонлар, Пушкин шеъриятининг чинакам мухлислари фикрларини айтар. Мен эса, бу борада айрим кузатишларим, мулоҳазаларим билан чекланаман.

\*\*\*

Пушкин шеърларининг тили содда, бир қарашда таржима қилиш осондек туюлади, бироқ бу соддаликда шоирнинг бой поэтик арсенали мужассам. Пушкиннинг шеърий матни остига яширинган маъно-мазмунни излашга ҳожат йўқ, унда ҳаммаси кафтдагидек — очиқ-ойдин. Оддий, барчага бирдек тушунарли тилда ёзиш, ёза билиш — ижодкорнинг баркамоллиги, таъбир жоиз бўлса, даҳо ижодкорлиги белгиси. Бундай асарлар таржимасида алданиб қолиш, тилининг оддийлигига уйғун беқийёс поэтикани ҳис этмаслик самарасиз машғулот. Ҳумоюн таржимада аслият матнидаги сўз, ибора, тимсол, сифатлаш, ўхшатишларни имкон қадар сақлашга — матн аниқлигига эришишга интилган ва мана шу қунт уни «алданиб қолиш»дан сақлаган.

Келинг, «Булбул ва атиргул» шеърининг сарлавҳаси ва илк мисралари ҳамда уларнинг таржимасига эътибор қаратайлик. Асар номи таржимада «Булбул ва атиргул» деб берилган. Пушкиннинг яна бир «Гул» («Цветок») номли шеъри ҳам бор. Ҳумоюн «роза»ни айнан — «атиргул» деб беради. Аслида «атиргул» ҳам гул. Орада фарқ йўқдек, бироқ таржимоннинг аниқликка интилгани ўз самарасини берган: тасаввуримизда умуман «гул» эмас, «атиргул» пайдо

бўлади, ва бу аслиятдаги тимсолга, қолаверса, шарқона анъанавий образга ҳам мос.

Аслиятда ўқиймиз:

*В безмолвии садов, весной, во мгле ночей,  
Поёт над розою восточный соловей.*

Таржимаси:

*Баҳор, намозшомда, салқин боғ ичра,  
Шарқ булбули куйлар атиргул узра.*

Таржимада аслиятдаги бирор-бир сўз ёки ибора тушириб қолдирилмаган ёки таржимон ўзидан ниманидир қўшмаган. Мутаржимни аслиятга «қулик»дан сақлаган омил эса вақт, вазият, ҳолат ва манзарани ихчам, мантиқан изчил боғлаб ифодалаганида. Бу принцип шеърнинг охиригача сақланган.

Албатта, шу ўринда ушбу шеърнинг Чўлпон амалга оширган гўзал таржимаси ёдга келади. Устоз шоирнинг эркин таржимасида сўз ва ибораларнинг ўзгартирилиб, айрим жойларда аслиятда йўқ сўз ва ибораларнинг киритилгани (масалан, «восточный соловей» — «ғариб булбул», «Гулим, раҳм айлагил дерди» каби) таржимада аниқликдан кўра шеърнинг яхлит поэтик мазмунига таржимоннинг содиқлигини далиллайди.

Чўлпон таржимасида шеър матни шарқона колорит талабларига кучли даражада бўйсундирилган ва гўзал ўзбекча шеърини асар яратилган; таъбир жоиз бўлса, бу шеър таржимаси менга таржима асардан кўра, Чўлпоннинг ўзининг нодир асарларидан биридек туюлади. Таъкидлаш жоизки, «Булбул ва гул» таржимаси — ўзбек таржима мактабининг дурдона асари ва айни пайтда, «Булбул ва атиргул» бугунги таржимачилигимизнинг ютуғи: бирида аслият мазмунига садоқат, иккинчисида таржимада аниқлик принципи ўзини тўла намоён этган.

Кенжа авлод ижодкорлари устозлар очган қўриқлардан баҳраманд бўлиб, уларнинг тажрибаларидан ўрганиб, Пушкин каби мумтоз шоирлар асарлари таржималарини «ян-

гилаётгани» Ҳумоюннинг уринишларида ҳам кўзга ташланади.

\*\*\*

Таржима асарларнинг «янгилаши»ни, аввало, замон тақазо этади. Дейлик, муайян бир даврда тил воситаларидан эркин фойдаланиш, айрим тушунча, атамаларнинг айнан, ўз мазмунида қўлланиши имконсиз бўлиши, ҳукмрон мафкурага ёқмаслиги мумкин. Мисол учун, Пушкиннинг машҳур «Я вас любил...» шеърининг сўнги:

*Я вас любил так искренно, так нежно,  
Как дай вам Бог любимой быть другим —*

сатрларидаги «Бог»нинг таржимада кичик ҳарфда «ҳақ» дея берилганида шўро даври мафкурасининг тазйиқи сезилади: «Сизни севган эдим, содиқ, вафодор, Энди ҳақ айласин бошқага дилдор».

Дарвоқе, ушбу шеърнинг устоз шоир-таржимон Ҳамид Олимжон томонидан амалга оширилган илк таржимаси ўзбек таржимашунослари томонидан таҳлил этилиб, юқори баҳоланган: табиийлиги ва ҳаққонийлиги, ёрқин ва ҳаётий чиққани таъкидланган. Пушкин шеърининг жарангдор оҳанги сақлангани эътироф этилган. Ва айни пайтда таржимоннинг аслиятга хийла эркин ёндашгани, таржимага аслиятда йўқ сўзлар киритилгани ва улар шеър матнига зид эмаслиги айтилиб, бу жиҳатни ҳам мантиқан далиллашга ҳаракат қилинган. Ана шу таҳлилий мулоҳазаларни маъқуллаган ҳолда айтиш жоизки, ҳар қандай юксак бадиий асар, муайян вақт ўтгач, қайта таржимани тақазо этади, бундай асарлар таржимаси янгиланади, муваффақиятли чиққан ҳолатда янги таржима юзага келади ва бу табиий ижодий жараён. Шу маънода мен «Я вас любил...» шеърининг Ҳумоюн таржимасидаги «янгиланган» жиҳатларига эътибор қаратдим. Мана шу таржиманинг тўла матни:

*Сизни севар эдим: севгим эҳтимол,  
Сўниб қолмагандир кўксимга менинг;*

*Аммо энди сизга у келмас малол;  
Истамайман, бошқа хафа қилгани.*

*Сизни севар эдим унсиз, умидсиз,  
Гоҳ журъатсиз, рашқда ўртаниб гоҳо;  
Сизни севар эдим чин дилдан, нафис,  
Бошқага ҳам шундай суйдирсин Худо.*

Ушбу таржимани мазкур шеърнинг илк таржимаси билан қиёслаганда кейинги таржимада дастлаб кўзга ташланадиган «янгилашни» — бу шеърнинг қофиялар тизими деярли аслиятдаги ҳолида сақланганида. Дастлабки таржимада қўлланилган аслиятда йўқ сўзлар («не тревожит» — «бўлмайман ёв», «ревностью томим» — «рашда бедаво» каби) Ҳумоюн таржимасида аслиятга яқин мазмундаги, муқобил иборалар билан ифодаланган («не тревожит» — «келмас малол», «ревностью томим» — «рашқда ўртаниб» каби). Мана шундай янгилашиллар ҳисобига биз Пушкиннинг энг машхур шеърларидан бирининг янги таржимасини кўриб турибмиз.

Пушкиннинг таржима қилинган асарларининг Ҳумоюн томонидан амалга оширилган қайта таржималарида атоқли шоир-таржимонларимизнинг жуда катта хизмати бор. Улар очган қўриқ — илк таржималар бугунги ёш таржимонлар авлодининг «юқини енгиллаштириши» шубҳасиз. Мумтоз асарлар таржимасига биринчи бўлиб қўл уриш ҳамisha янги асар яратиш билан тенг турадиган иқтидор ва ижодий заҳматни талаб этади. Бу заҳматни чекиб, ўзбек таржима мактабининг пойдеворини яратган Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Миртемир сингари устоз шоир-таржимонларнинг таржима асарлари бугунги ёш таржимонлар учун икки жиҳатдан фойдали: биринчидан, уларнинг таржималари ушбу соҳага кириб келаётганлар учун ўзига хос намуналар; иккинчидан, уларнинг таржималари кейинги авлод таржимонлари учун ўзбек таржима мактаби савиясини янада юқори кўтаришда ишончли асос. Таржима қилинган асарларни «янгилаш»да, уларнинг янги таржималарини яратишда устоз шоир-таржимонлар амалга оширган таржи-

маларнинг қайси бир нуқталарига қайта ишлов бериш, кучайтириш, яхшилаш, аслият руҳини, оҳангини янада тиниқлаштириш зарурлигини, замонавий тил воситаларини қўллай билиш ёш таржимонларнинг иқтидори, фаҳм-фаросатига боғлиқ.

Албатта, устоз шоир-таржимонлар эришган ютуқлар, ўзбек таржима мактабини бойитган тажрибалар кейинги авлод таржимонларига ўзбек таржима санъатини янада юқори даражага кўтаришда пойдевор вазифасини ўтайди. Бундай ижодий саъй-ҳаракатнинг яхши натижаларини Ҳумоюннинг ушбу тўпламидаги бир қатор таржималарида кўрдик, кузатдик.

...

Пушкин барча замонларда, барча халқлар томонидан асарлари севиб ўқиладиган шоирлар сирасидан. Мумтоз шоир шеърларининг яхши таржималари миллий маданиятни, адабиётни бойитишга хизмат қилади. Бунда энди устозлар қатори Ҳумоюннинг ҳам улуши бор десак янглишмаймиз. У таржима учун танлаган асарларни ишончли манбадан — «Наука» нашриётида чоп этилган Пушкиннинг ўн жиддли тўла асарлар тўпамидан (1977) олган.

Қўлингиздаги китобга Пушкин адабий меросининг каттагина қисми қамраб олинган, шоир ижодий фаолиятининг деярли барча даврларида — 1814 йилдан тортиб 1836 йилгача ёзган шеърларидан намуналар, «Евгений Онегин» шеърый романига бағишлов, «Лўлилар», «Анжело» ва «Рицарлар замонидан саҳналар» дostonларининг таржималари жамланган. Эътироф этиш жоизки, бу тўпам катта ва жиддий ижодий меҳнатнинг самарасидир.

Пушкин поэзияси ихлосмандлари бу китобдаги шеърларни ўқиб, улуф шоирнинг овози ўзбек тилида янгидан жаранглаганига, жумладан, «Ўзинг асра мени туморим», «Сўрама, не учун паришон, маҳзун...», «Ёқилган мактуб», «Бўрон», «Қиш оқшоми», «Тумор», «Ҳайкал қўйдим ўзимга», «Қуръонга назира» каби бир қатор машҳур асарлари таржимасида Пушкинга хос сурурли, жўшқин оҳанг ва

Пушкинға хос реализм ёрқин ифодаланганига гувоҳ бўладилар. «Анжело» ва «Лўдилар» дostonларининг қайта яратилган таржимаси ҳам Ҳумоюннинг ижодий изланишлари ўзининг муносиб натижаларни берганини очиқ-ойдин намойён этган.

Пушкиннинг шеърларида «бўрон», «тўлқин», «денгиз» тимсоллари кўп учрайди. Табиат ҳодисалари гўё шоир юрагидан куч олгандек. «Бераҳм асримда ҳам Эркинликни куйладим» деб ёзган шоирнинг лирик қаҳрамони «Денгиз ўғлига» даъват этаркан «беноён Уммон»га — кенгликка, эркинликка интилади, кўҳна соҳилларда қолишни истамайди. Аслида ҳам улуғ шоирнинг хур тафаккури, қалбидаги эркак ташналик, эркак чорлов, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, инсонларни курашиб яшашга, озод яшашга чорлайверади. Бу қутлуғ мероснинг умумбашарий аҳамияти ва барча замонлар ҳамда барча халқлар учун қадр-қиммати ҳам шундадир.

*Аҳмад ОТАБОЙ*

## МУҶДАРИЖА

Пушкин шеърляти. Муҳаммад Али.....	3
«Самолардан ерга бўйладим...».....	7

## 1814

Ақл ва севги.....	8
Казак.....	9
Н. Г. Ломоносовга.....	12

## 1815

Наташага.....	13
Сув ва шароб.....	14
Хаёлпараст.....	15
Менинг эпитафиям.....	18
Ҳалок бўлган рицарь.....	19
Атиргул.....	21
Кўз ёши.....	22
Мусаввирга.....	23

## 1816

Шахзода Оранскийга.....	24
Дарча.....	26
Куз тонги.....	27
Ҳижрон.....	29
Ҳақиқат.....	31
Суворийлар.....	32
Элегия ( <i>Бахтли, ким...</i> ).....	35
Ой.....	36
Куйчи.....	37
Тушга.....	38
«Фақат муҳаббатдир — ҳаёт қувончи...».....	39
Дўстларимга ( <i>Нега сизга...</i> ).....	42
Элегия ( <i>Назгимга, муҳаббат...</i> ).....	43

Лаззат.....	45
Қадаҳ шарафига.....	46
Уйғониш.....	48

### 1817

Станслар (Вольтердан).....	49
В. Л. Пушкинга.....	51
Альбомга.....	52
Шифохона деворидаги ёзув.....	52
Туш.....	53
Мактубга.....	53

### 1813–1820

Қария ( <i>Мародан</i> ).....	54
«Кечки ибодатдан уйга қайтарда...».....	55
Синчков.....	56
Қофиябоз вафотига эпитаграмма	
«Кечиринг, вафодор эманлар...».....	57
...га ( <i>Сўрама...</i> ).....	58
«Бегона юртларнинг содда мафтунни...».....	59
Қизга ( <i>Маҳзун дилгирликда...</i> ).....	60

### 1818

Н.Я. Плюсковага.....	62
«Эманларнинг сукунатида...».....	63
«Мен ҳам эшитгандим, бу дунё...».....	64

### 1819

Дорида.....	65
Сув париси.....	66
Чала қолган сурат.....	69
Ёлғизлик.....	70
«Ҳавоза ёнида, водийга яқин...».....	71
Афлотунча муҳаббат.....	72
Толстойга бағишланган станслар.....	74
«Йўқ, йўқ, бекор гиналарингиз...».....	76
«Бехуда, азизим, сир тутмоқ бўлдим...».....	77

### 1817–1820

Менинг... ишқий шеърим.....	78
-----------------------------	----



А. Б. га *** .....	78
Сосницкая альбомига.....	78

## 1820

«Мен жангни биламан...» .....	79
...га ( <i>Нечун бевақт</i> ).....	80
Вяземский портретига.....	80
Қора шол рўмол.....	81
«Сийрақлар қатма-қат булутлар...».....	83

## 1821

Ер ва денгиз.....	84
Гўзал кўзгу олдида.....	85
Илҳом париси .....	86
«Истагимга етишдим шу тоб...» .....	87
Қиз.....	88
Сиёҳдонимга.....	89
«Дўсгинам, унутганман...» .....	93
Молдаванча қўшиқ.....	94
«Элеферия, сенинг одингда...» .....	95
«Агар нафис гўзаллик-ла сиз...».....	96
«Нурафшон ошёнинг сари, азизам...».....	97

## 1822

Таврида .....	98
В.Ф. Раевскийга.....	102
Юнон қизга.....	103
Я.Н. Толстойга мактубдан .....	105
Ажнабий қизга .....	107
«Сехргар ўтмишда сирдошим...» .....	108
Тутқун.....	109

## 1823

Қушча.....	110
«Тўлқинлар, ким бас келди сизга...».....	111
«Мард денгиз ўғлони...» .....	112
«Ширин умид ила мисоли гўдак...» .....	113
Кн. М. А. Голицинага.....	114
Ҳаёт араваси .....	115

Л. Пушкинга.....	116
«Сўйла, мен эмасми, сени илбаган...».....	117

## 1824

«Ҳаммаси тугади...» .....	118
Кемага.....	119
«Ярим-милорд, ярим тожир...».....	120
Язиковга.....	121
Маккорлик.....	123
Узум.....	125
«О, гулпариди...».....	126
Қуръонга назира.....	127
I. «Жуфт ва тоқнинг ҳаққига қасам...».....	127
II. «О, Расулнинг пок завжалари...».....	128
III. «Қошин чимирди пайгамбар коят...».....	129
IV. «Сен билан қадимда, о, эгам...».....	130
V. «Замин собит; осмон гумбазин...».....	130
VI. «Қирмадингиз тушимга бежиз...».....	131
VII. «Тур, қалбга титроқ...».....	132
VIII. «Виждон сотиб почор йўқчилик замон...».....	132
IX. «Худога зорланди йўловчи ҳорғин...».....	133
«Сен маъюссан ва жимсан...».....	135
«Уйланиш дардида шоҳнинг хабаши...».....	136
Чақалоққа.....	137
Парчалар.....	138

## 1825

Ёқилган мактуб.....	139
«Айтишдики бир гал шоҳга...» .....	140
Козловга.....	141
Ех ungue leonem.....	142
П.А. Осиповага.....	143
«Асра мени, менинг туморим...» .....	144
...га (Керн).....	145
«Сўнги гуллар ёқимли бирам...» .....	147
19 октябрь .....	148
Ҳаракат .....	154
Булбул ва какку.....	155
Дўстлик .....	155

«Бари сенинг ёдингга қурбон...».....	156
Қиш оқшоми.....	157
«Қонда ёнар ишқнинг гулхани...».....	159
Бўрон.....	160
«Аҳвол қалай, оғайничалиш...».....	161
Португалчадан .....	162
«Ой ялтирар, денгиз уйқуда...» .....	164
«Самоларда ғамгиндир қамар...».....	165
«Сергаплиқдан тийилинг...» .....	165
Ибратли тўртликлар.....	166

### 1826

Вяземскийга.....	170
Эътироф.....	171
Пайғамбар.....	173
Ф.Т.га жавоб .....	175
Қиш йўли.....	176
Энагамга.....	178

### 1820–1826

«У ёқда, қутлуғ ўрмон...» .....	179
«Омадингиз келмади ҳаргиз...» .....	179

### 1827

Булбул ва атиргул.....	180
Ек. Н. Ушаковага.....	181
Арион.....	182
Фаришга.....	183
«Қандай кеча! Совуқ қаҳратон...».....	184
Екатерина Николаевна Карамзинага акафист.....	186
«Зарафшон Венеция...» .....	187
«Жуда ҳавас қилгулик...» .....	188
19 октябрь, 1827.....	190
Гумор.....	191
«Баҳор, баҳор — муҳаббат фасли».....	193
«Бир ўлка бор: соҳил томонда...» .....	194

### 1828

Дўстларимга («Магдоҳмасман...») .....	195
TO DAWE, ESQr .....	197

Сен ва сиз .....	198
26 май, 1828.....	199
«Ҳали эсар совуқ шамоллар...».....	200
«Ҳали жилов кўрмаган байтал...».....	201
Унинг кўзлари .....	202
«Куйлама, нозанин, ёнимда...».....	203
Портрет.....	204
Сирдош.....	205
«Бахтлидир, танладинг кимни сен...» .....	206
Сезгирлик .....	207
«Учар қузғун қузғунга...» .....	209
«Қашшоқ шаҳар, шукуҳди шаҳар...» .....	210
19 октябрь, 1828. ....	210
«Фарахбахш фаввора салқинларида...».....	211
Гул .....	213
«Бир пайтлар қандай бўлсам...».....	214
«Бийдай дала...».....	215

### 1829

Ел.Н. Ушаковага.....	216
Е.П. Полторацкаяга.....	217
«Ижорага яқинлашган дам...».....	218
Аломатлар .....	219
«Қора тун ястанган...» .....	220
Қалмоқ қизга.....	221
«Қашшоқ рицарь ўтган бир замон...» .....	223
Ҳофиздан .....	226
Этиқдўз ( <i>Ривоят</i> ) .....	227
Дон .....	228
Йўл азоби.....	229
Қиш эртаси .....	231
Эпиграмма ( <i>«Қария Свистов...»</i> ) .....	233
«Сизни севар эдим: севги, эҳтимол...».....	234
«Кетдик, мен шай...» .....	235
Кавказ.....	236
Кўчки.....	237
«Бўлдим мен ҳам донликлар ичра...» .....	239
«Елена, ҳуркаксан бунчалар...» .....	239
«Терек оқар...» .....	240

Фозил Хонга .....	241
-------------------	-----

### 1830

«Сенга нени англатай...».....	242
«Дилхуш ёки дилгир дамларим...».....	243
Янги ошён.....	244
Жавоб .....	245
«Кар карни...» .....	246
Видолашув.....	247
Хизматкор ўсмир ёки ўн беш ёш.....	248
Уйқусизликда, кечаси ёзилган сатрлар.....	250
«Олис Ватан соҳили учун...».....	251
«Испан қиз қошида мард...».....	252
Лўлилар .....	253
«Шитирлар бўтазор...» .....	254
«Икки туйғу муқаддас бизга...» .....	255
«Хотиралар уйғонса, гоҳо...».....	256
«Шеър ўқиди унга қиз фақат...».....	258

### 1831

«Азиз қабр бошига келиб...».....	259
Акс садо .....	261
«Қанча тез-тез қилса тантана...».....	262

### 1832

Нозанин.....	264
... га ( <i>Йўқ, йўқ, керак эмас...</i> ).....	265
Альбомга.....	266
«Боргим келди кўнгил майлига...».....	267

### 1833

«Худойим, ақлимдан оздирма...».....	268
«Шаффоф дала, кумушланади...» .....	270
«Кўнгироқлар жаранглар...» .....	271

### 1834

«Хайр, дўстгинам, хайр...».....	272
«Қабристонда турибман ғамгин...» .....	273

«Мовий тоғ боши оқ, нимдир асти?...».....274

### 1835

Анакреондан.....	275
LVI ода .....	276
LVII ода.....	277
«Қайси маъбуд бахш этди бардош...» .....	278
Дарбадар .....	280
«Менинг кузги кунларим бекор...».....	283
«Қашшоқлик! Ниҳоят ҳис этдим, билдим...».....	285
«Кўрмадингми, ҳой гўзал...».....	286

### 1836

«Саҳройи оталар, маъсум аёллар...».....	287
Exegi monumentum '.....	288
Езерский ( <i>Достондан парча</i> ).....	289
«Кеча оқшом гўзал Лайло...».....	290
«Альфонс тулпорига минади шитоб...».....	291
Яковлевга мактубдан.....	293

### 1827–1836

«Билмайман қайдадир, аммо биздамас...» .....	294
«Нечун жамолига мафтун бўлдим мен...» .....	295
«Ў йўқ, яшаш жонга текканича йўқ...» .....	296
«Теран дарёлар...».....	296
Достонлар.....	297
Лулилар .....	297
Эпилог.....	320
Анжело.....	322
Рицарлар замонидан саҳналар .....	350
Хурфикрли эрксевар шоир. ( <i>Аҳмад Отабой</i> ).....	373

\* «Мен ҳайкал тикладим» (лот). Горацийнинг «Мельпоменага» номли одасидан олинган эпиграф.

**Александр Сергеевич  
ПУШКИН**

ШЕЪРЛАР, ДОСТОНЛАР, ДРАМА

*Муҳаррир Даврон Улуғмуродов*  
*Бадиий муҳаррир Мафтуна Ваххобова*  
*Мусаҳҳиҳ Қутлибика Раҳимова*  
*Техник муҳаррир Елена Толочко*  
*Матн терувчи Гулчеҳра Азизова*

Лицензия рақами АІ № 163. 09.11.2009. Босишга 2019 йил 13 майда ружсат этилди. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Офсет қоғози. BalticaUz гарнитураси. Шартли босма табағи 20,58. Нашр табағи 12,28. Адади 1000 нусха. Шартнома № 46 – 2019. Буюртма № 52.

Оригинал макет Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида тайёрланди. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Телефон: +998-71244-10-45. Факс: +998-71244-58-55.

«AVTO-NASHR» МСНҲ босмахонасида чоп этилди. 100005, Тошкент, 8 март, 57.



**Чўлпон номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи**

ISBN 978-9943-5383-6-8



9 789943 538368